

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**16-сон**  
**(828)**  
**2018 йил**  
**23 апрель**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

325. ««Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 апрелдаги ЎРҚ–475-сон Қонуни
326. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ–476-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

327. «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ–5418-сон Фармони
328. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгар-

- тиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ–5420-сон Фармони
329. «Фуқароларни ижтимоий қўллаб қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги ПФ–5421-сон Фармони
330. «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори
331. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПҚ–3668-сон қарори
332. «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3671-сон қарори
333. «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3672-сон қарори
335. «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 апрелдаги ПҚ–3674-сон қарори
336. «Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги ПҚ–3677-сон қарори

#### *Учинчи бўлим*

337. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПҚ–3549-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 апрелдаги 297-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

338. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 18, 55-сон «Ички ишлар органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2998*)
339. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2018 йил 6 мартдаги 59, 5-2018-сон «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва олий таълим муассасаларига тўлов-контракт шакли асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2999*)
340. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 9 мартдаги 13-сон «Дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3000*)
341. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 4 апрелдаги 69, 2018-20-сон «Ягона солиқ тўлови тўловчиларининг ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3001*)
343. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 19 апрелдаги 233-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2242-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 14 апрелдан 20 апрелгача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**325 «Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***Қонунчилик палатаси томонидан  
2017 йил 1 декабрда қабул қилинганСенат томонидан 2018 йил 29 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Ўрмон тўғрисида»ги 770–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 122-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;  
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти****Ш. МИРЗИЁЕВ**Тошкент ш.,  
2018 йил 16 апрель,  
ЎРҚ–475-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 17 апрелда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### Ўрмон тўғрисида (янги таҳрири)

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### 2-модда. Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган, ўрмонлардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### 3-модда. Ўрмонларнинг вазифалари

Ўрмонлар асосан экологик (тупроқни муҳофаза қилиш, сувни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳамда бошқа табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, ҳимоя, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекреация) ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаради.

##### 4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Ўрмон** — ўрмон фонди ерларидаги ўзаро таъсир кўрсатувчи ва атроф-муҳитга таъсир кўрсатадиган, экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга дарахтлар, буталар ва бошқа табиий объектлар (ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси) мажмуи;

**Ўрмонларни кўпайтириш** — ўрмон билан қопланмаган ўрмон фонди ерларида дарахтлар ва буталарни экиш ҳамда етиштириш;

**Ўрмонларни муҳофаза қилиш** — ўрмонларга салбий таъсирларнинг олдини олишга қаратилган фаолият;

**Ўрмонларни такрорий кўпайтириш** — дарахт ва буталарнинг табиий муҳитда ўсиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ўрмон

фонди ерларида ўрмон дарахтлари уруғлари ва кўчатларини плантация усулида экиш;

**ўрмондан фойдаланувчилар** — ўрмондан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар;

**ўрмонларни қайта тиклаш** — кесилган, ёнғинлар, ўрмон зараркунандалари, касалликлари ҳамда бошқа салбий таъсирлар оқибатида шикаст етказилган дарахт ва буталар ўрнида иқлим шароитларига мос келадиган дарахт ва буталар турларини экиш.

#### **5-модда. Ўрмонларга бўлган мулкчилик**

Ўрмонлар давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш лозим ҳамда улар давлат томонидан муҳофаза қилинади.

#### **6-модда. Давлат ўрмон фонди**

Барча ўрмонлар давлат ўрмон фондиди ташкил этади.

Давлат ўрмон фонди:

давлат аҳамиятига молик ўрмонлардан, яъни давлат ўрмон хўжалиги органлари тасарруфидаги ўрмонлардан;

бошқа идоралар ва юридик шахслар фойдаланишидаги ўрмонлардан иборатдир.

#### **7-модда. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтзор ва бутазорлар**

Қуйидагилар давлат ўрмон фондига кирмайди:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардаги экинзорларнинг ихота дарахтзорлари, шунингдек бошқа дарахтзор ва бутазорлар;

темир йўлларнинг, автомобиль йўлларининг, табиий ва сунъий сув оқимларининг, сув хавзаларининг ҳамда бошқа сув объектларининг ажратилган минтақаларидаги ихота дарахтзорлар;

шахарлардаги ҳамда бошқа аҳоли пунктларидаги дарахтзор ва бутазорлар, шунингдек кўкаламзорлаштириш учун экилган ўсимликлар;

томорқалардаги ва боғ участкаларидаги дарахтзор ва бутазорлар.

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтзор ва бутазорларни барпо этиш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, уларни парвариш қилиш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **8-модда. Ўрмон фонди ерлари**

Ўрмон билан қопланган ерлар, шунингдек ўрмон билан қопланмаган, аммо ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар ўрмон фонди ерлари деб эътироф этилади. Ўрмон фонди ерларининг чегаралари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Ўрмон фонди ерлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эгалик қилиш, фойдаланиш учун, шу жумладан ижарага берилиши мумкин.

**9-модда. Давлат ўрмон фонди участкалари**

Давлат ўрмон фонди участкалари давлат ўрмон фондининг бир қисми бўлиб, улар давлат ўрмон кадастрида кўрсатилган муайян чегарага, майдонга, жойлашган ерига, ҳуқуқий режимга ва бошқа хусусиятларга эга бўлади.

**2-боб. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасини тартибга солиш**

**10-модда. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш;

қоидалар, нормалар ва нормативларни белгилаш;

давлат назоратини амалга ошириш;

илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш;

ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

**11-модда. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви**

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари давлат ўрмон хўжалиги органларидир.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасида:

ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;

давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

умумдавлат аҳамиятига молик муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

давлат ўрмон фондини тасарруф этади;

ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлаш тартибини белгилайди;

ўрмондан фойдаланганлик учун ҳақ ундириш тартиби ва миқдорларини белгилайди;

давлат назоратини ташкил этади ва амалга оширади;

ўрмонларнинг мониторингини, давлат ҳисобини ва давлат ўрмон кадастрини юритиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасида:

ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этади;

ўз ваколатлари доирасида қоидалар, нормалар ва нормативларни қабул қилади;

барча ўрмонларда ўрмон тузишнинг ягона тизимини белгилайди;

ўрмон фонди ерларида идоравий назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини юритишда иштирок этади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахс-



ларга ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш, пичан ўриш, чорва молларини ўтлатиш, дарахтзор ҳамда бутазорларни кесиш, шунингдек асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш учун рухсатнома беради;

ўрмон фонди ерларида биотехник тадбирларни амалга оширади;

ўрмон фонди ерларидаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни, ўрмон-овчилик, овчилик ва (ёки) балиқчилик хўжаликларини юритиш, бошқариш ҳамда ривожлантиришни ташкил этади;

ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, тоғ ёнбағирлари, жарликлар ва ташландиқ ерларда эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этиш ишларининг бажарилишини ташкил этади;

ўрмонларнинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида илғор илмий-техника ютуқларини жорий этади, ўсимликлар селекцияси ва уруғчилик бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиши;

манзарали, мевали дарахтлар ва буталарни етиштиришга, доривор ўсимликларнинг плантацияларини барпо этишга доир усулларни ишлаб чиқади, манзарали ўсимликлар кўчатларини сертификатлаштириш ҳамда стандартлаштиришнинг ягона тизими ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминлайди;

ўрмонларнинг мониторингини, давлат ҳисобини, давлат ўрмон кадастрини белгиланган тартибда юритади;

ўрмонларни ёнғинлар, зараркунандалардан ва касалликлардан ҳимоя қилишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини, ўрмонларнинг қонунга ҳилоф равишда кесишлардан ҳамда ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқача тарзда бузилишларидан муҳофаза қилинишини таъминлайди;

ўрмон хўжаликларида бир-бирига боғлиқ бўлган хўжалик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришни, кўчат етиштиришни, доривор ўсимликлар йиғишни, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни ҳамда қайта ишлашни, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этади;

ўрмон хўжалиги соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасида:

давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади, ўз ваколатлари доирасида қоидалар, нормалар ва нормативларни тасдиқлайди; давлат экологик назоратини амалга оширади;

ўрмон фондидан барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини танлаш материалларининг, ўрмон тузиш лойиҳаларининг, давлат ўрмон фондининг табиий ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ лойиҳаолди, лойиҳа ҳужжатларининг давлат экологик экспертизасини ўтказди;

давлат ўрмон фонди участкаларидаги Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда рухсатнома беради.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**15-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасида:

давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

давлат ўрмон хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга давлат ўрмон фонди участкаларини беради, бундан ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари, ерлари, ўрмонларнинг овладиган қимматли балиқлар увулдириқ сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари, сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар, давлат кўриқхоналарининг, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналарининг, табиат боғларининг, умумдавлат аҳамиятига молик буюртма кўриқхоналарининг, умумдавлат аҳамиятига молик курорт табиий ҳудудларнинг, давлат биосфера резерватларининг, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ўрмонлари мустасно;

пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш нормаларини давлат ўрмон хўжалиги органларининг тақдимномасига биноан тасдиқлайди;

ўрмонларнинг давлат ҳисоби ва давлат ўрмон кадастри юритилишини таъминлайди;

давлат назоратини амалга оширади;

ўрмонларнинг ҳолатига зарар етказилган ҳолларда корхоналарнинг,

муассасаларнинг ва ташкилотларнинг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари бундан мустасно) ёки тугатиш суд тартибида амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**16-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг ўрмонларни муҳофаза қилишни, химоя қилишни, кўпайтиришни, такрорий кўпайтиришни, қайта тиклашни, уларнинг маҳсулдорлигини оширишни ва улардан фойдаланишни таъминлашда иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасида:

давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

жамоатчилик назоратини амалга оширади;

аҳоли ўртасида фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ва экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган тушунтириш ишларини амалга оширишда иштирок этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш бўйича бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши, давлат органларига кўмаклашиши мумкин.

**3-боб. Ўрмонларни муҳофаза қилишни ва химоя қилишни ташкил этиш**

**17-модда. Ўрмонларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари**

Ўрмонларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари қуйидагилар орқали амалга оширилади:

ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги қоидалар, нормалар ҳамда нормативларни белгилаш;

ўрмон тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ўрмондан фойдаланишда чекловлар ва тақиқлар белгилаш;

ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш;

ўрмондан ўзбошимчалик билан фойдаланишнинг ва ундан фойдаланиш борасида белгиланган тартибнинг бошқа бузилишларининг олдини олиш;

хўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширишда ўрмонга зарарли таъсир кўрсатилишининг ёки унинг йўқ қилиб юборилишининг олдини олиш;

ўрмонларнинг мониторингини, давлат ҳисобини ва давлат ўрмон кадастрини юритиш;

ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш;

ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

ўрмон фонди ерларида биотехник тадбирларни ўтказиш;

ўрмонларни ёнғинлардан муҳофаза қилиш, зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа йўллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

### **18-модда. Ўрмон тузиш**

Ўрмон тузиш ўрмонларни муҳофаза қилишни, ҳимоя қилишни, кўпайтиришни, такрорий кўпайтиришни, қайта тиклашни, уларнинг маҳсулдорлигини оширишни ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган тадбирлар тизимидан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат ўрмон фонди участкаларининг чегараларини белгилаш ва давлат ўрмон фондининг ўрмондан доимий фойдаланувчилар фойдаланишидаги ҳудудининг ички хўжалигини ташкил этиш;

топография-геодезия ишларини бажариш ва ўрмонларни махсус хари-тага киритиш ҳамда уларнинг электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

давлат ўрмон фондини инвентаризациядан ўтказиш;

ўрмонларнинг етилиш ёшини белгилаш, ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ ҳолда ўрмон дарахтларининг кесилиши ҳисоб-китобини, кесишларнинг миқдорларини ҳамда ўрмондан фойдаланишнинг бошқа турлари миқдорларини аниқлаш;

давлат ўрмон фонди участкаларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг доривор ҳамда техник хом ашёсини, озик-овқат мақсадлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш, дарахтлар ҳамда буталарни кесмаган ҳолда ўтин ва шох-шаббаларни йиғиш ҳажмларини аниқлаш;

давлат ўрмон фонди участкаларида асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш, ўрмондан ўрмон-овчилик, овчилик ва (ёки) балиқчилик хўжаликлари эҳтиёжлари учун, илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ҳамда эстетик мақсадларда, шунингдек эколо-

гик туризмни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш имкониятларини белгилаш;

ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, қайта тиклаш ва кўпайтириш борасидаги ишлар ҳажмини, шунингдек бошқа ўрмон хўжалиги ишлари ҳажмини аниқлаш;

ўрмон тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш.

Ўрмон тузиш лойиҳалари давлат экспертизасидан ўтказилади, давлат ўрмон хўжалиги органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Ўрмон тузиш лойиҳалари ўрмон хўжалигини, ўрмон-овчилик, овчилик ва (ёки) балиқчилик хўжаликларини юритиш, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантиришга доир ишларни ташкил этиш ҳамда юритиш, ўрмондан оқилона фойдаланишни, жорий ва истиқболга мўлжалланган режалаштиришни амалга ошириш учун асосий норматив-техник ҳужжатдир.

Ўрмон тузиш Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан белгиланган тартибда барча ўрмонларда ягона тизим бўйича амалга оширилади.

#### **19-модда. Ўрмонлар мониторинги**

Ўрмонлар мониторинги ўрмонларга салбий таъсирларнинг ўз вақтида олди олинishi учун давлат ўрмон фонди ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлашга, уни баҳолаш ва прогноз қилишга доир мунтазам кузатувлардан иборатдир.

Ўрмонлар мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **20-модда. Ўрмонларнинг давлат ҳисоби**

Ўрмонларнинг давлат ҳисоби давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан ўрмон тузиш лойиҳалари асосида, ўрмон тузиш амалга оширилмаган жойларда эса давлат ўрмон фондиди инвентаризациядан ўтказиш ва текшириш материаллари асосида юритилади.

Ўрмонларнинг давлат ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ягона тизим бўйича юритилади.

#### **21-модда. Давлат ўрмон кадастри**

Давлат ўрмон кадастри Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ўрмонлар, уларнинг географик ўрни, ҳуқуқий режими, миқдорий ва сифат тавсифлари ҳамда иқтисодий баҳоси тўғрисидаги янгилаб бориладиган ишончли кадастр ахбороти тизимидан иборат бўлади.

Давлат ўрмон кадастри ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш, ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш мақсадида манфаатдор юридик ва жисмо-

ний шахсларни ўрмон тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш учун мўлжаллангандир.

Давлат ўрмон кадастри давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ягона тизим бўйича юритилади.

**22-модда. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги назорат**

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат назорати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги идоравий назорат Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ишлаб чиқариш назоратини хўжалик юритувчи субъектлар ўзларига бириктирилган ҳудудларда амалга оширади.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

**23-модда. Ўрмонларни муҳофаза қилиш**

Давлат ўрмон хўжалиги органлари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида ўрмонни ундан фойдаланиш тартиби бузилишидан, шу жумладан ўрмонни қонунга хилоф равишда кесишлардан ҳамда ўрмонга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатилишидан муҳофаза қилинишини таъминлайди.

Давлат ўрмон хўжалиги органлари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўрмонда ёнғиннинг олдини олиш, ёнғинга қарши курашишга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди, зарур ҳолларда ёнғинни ўчириш учун аҳолини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўт ўчириш, ер қозиш техникасини ҳамда транспорт воситаларини жалб этади, ёнғин хавфи юқори

бўлган даврда аҳолининг ўрмонда бўлишини ҳамда ўрмонларга транспорт воситалари ва бошқа воситалар киришини чеклайди ёки тақиқлайди.

Ўрмондан фойдаланувчилар ўрмонларда ёнғин хавфсизлигига риоя этиши, иш жойларида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказиши, ўрмонларда ёнғинлар чикқан тақдирда эса уларнинг ўчирилишини таъминлаши шарт.

#### **24-модда. Ўрмонларни ёнғинлардан, зараркунандалар, касалликлар ва бошқа салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш**

Ўрмонларни ёнғинлар, зараркунандалар, касалликлардан ва бошқа салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш ўрмондан фойдаланувчилар томонидан қуйидагилар орқали амалга оширилади:

ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этиш ва ёнғинга қарши тадбирларни амалга ошириш, ёнғин чикқанда уни ўчириш чораларини кўриш;

ўрмон зараркунандалари, касалликлари ўчоқларини, саноат ва маиший чиқиндиларнинг ҳамда бошқа салбий омилларнинг таъсир доиралари ривожланишини ҳисобга олиш ва прогноз қилиш;

ўрмон зараркунандаларининг оммавий кўпайиш ва ўрмон касалликларининг тарқалиш ўчоқлари юзага келиши ҳамда кенгайишининг олдини олиш, ўрмонларнинг биологик жихатдан чидамлилигини ошириш тадбирларини ўтказиш.

Ўрмонларни ёнғинлар, зараркунандалар, касалликлардан ва бошқа салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан белгиланади.

#### **25-модда. Ўрмон қўриқчилиги**

Ўрмон қўриқчилиги ўрмонларни муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан ташкил этилади.

Ўрмон қўриқчилигининг мансабдор шахслари айна вақтда давлат ўрмон хўжалиги органларининг инспекторларидир.

Ўрмон қўриқчилигининг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида: юридик ва жисмоний шахсларнинг ўрмондан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларини текширади;

ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузади;

ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни тегишли органларга олиб боради;

қонунга хилоф равишда қўлга киритилган ўрмон маҳсулотини ва уни қўлга киритиш воситаларини олиб қўяди;

ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги материалларни тегишли органларга юборади;

ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга даъволар тақдим этади;

юридик ва жисмоний шахсларга ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар беради.

Ўрмон қўриқчилигининг фаолият кўрсатиш тартиби ва давлат ўрмон хўжалиги органларининг ўрмон қўриқчилигини амалга оширувчи инспекторлари таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **26-модда. Ўрмон хўжалигини ташкил этишнинг асосий қоидалари**

Ўрмон хўжалигини ташкил этиш:

ўрмонларнинг ҳимоя қилиш, соғломлаштириш, рекреация ва бошқа фойдали табиий хусусиятларини сақлаш ҳамда кучайтиришни;

ўрмонлардан оқилона фойдаланишни;

ўрмонларни кўпайтиришни, такрорий кўпайтиришни, қайта тиклашни, уларнинг маҳсулдорлигини оширишни, тур таркиби ва сифатини яхшилашни;

ўрмонларни ёнғинлардан муҳофаза қилишни, зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилишни;

ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлашни;

ўрмонларнинг етилиш ёшини, кесиш усулларини ва ўрмондан фойдаланиш нормаларини белгилашни;

ўрмон фонди ерларидан оқилона фойдаланишни таъминлаши керак.

Ўрмон хўжалигини ташкил этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилий-техник тадбирлар билан ҳам таъминланади.

### **27-модда. Ўрмонларнинг қўриқланиш тоифалари**

Ўрмонлар белгиланган мақсади ва бажарадиган вазифаларига мувофиқ қуйидаги қўриқланиш тоифалари жумласига киритилади:

ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари сохиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари;

ўрмонларнинг овладиган қимматли балиқлар увулдириқ сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари;

эрозиядан сақлайдиган ўрмонлар;

ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган ихота минтақалари;

чўл ва чала чўл зоналарининг ўрмонлари;

шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлари;

шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг кўкаламзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонлар;

сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар;

алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонлар;

ёнғоқчилик зоналаридаги ўрмонлар;

ўрмонларнинг мевали дарахтзорлари;

давлат қўриқхоналарининг ўрмонлари;

мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналарининг ўрмонлари;



табиат боғларининг ўрмонлари;  
 буюртма қўриқхоналарнинг ўрмонлари;  
 курорт табиий ҳудудларнинг ўрмонлари;  
 давлат биосфера резерватларининг ўрмонлари;  
 давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ўрмонлари;  
 илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар.

Ўрмонларни қўриқланиш тоифаларига киритиш Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

#### **4-боб. Ўрмонларни кўпайтириш, қайта тиклаш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш**

##### **28-модда. Ўрмонларни кўпайтириш**

Ўрмонларни кўпайтириш ўрмондан фойдаланувчилар томонидан ҳудудларнинг сердарахтлигини ошириш, ўрмонларнинг тур таркибини яхшилаш, қимматли дарахт навларини кўпайтириш ва эрозия жараёнларининг олдини олиш мақсадида қуйидагилар орқали махсус дастурлар бўйича амалга оширилади:

дарахтлар ва буталарнинг кўчатларини, уруғларини экиш;

тоғ ёнбағирлари, жарликлар ва ташландиқ ерларда эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этиш ишларини бажариш;

қимматли дарахт навларини кўпайтириш мақсадида илмий тадқиқотлар ўтказиш, манзарали, мевали дарахтлар ва буталар етиштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш.

Ўрмонларни кўпайтириш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа йўллар билан ҳам амалга оширилади.

Ўрмонларни кўпайтириш учун бериладиган, қишлоқ хўжалигига ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрмон фонди ерлари тоифасига ўтказилади.

##### **29-модда. Ўрмонларни қайта тиклаш**

Ўрмонларни қайта тиклаш қуйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

дарахтлар кесилган, ёнғинлар, ўрмон зараркунандалари, касалликлари ва бошқа салбий таъсирлар оқибатида зарарланган жойларда хўжалик жиҳатидан қимматли дарахтлар турларини мажбурий равишда экишни таъминлаш;

минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қурқоқчиликка, зараркунандалар ва касалликларга чидамли ўсимликлар турларини танлашга доир тавсияларга риоя этиш;

ўрмонларнинг тур таркибини яхшилаш, уларнинг маҳсулдорлигини ва ҳимоя хусусиятларини ошириш;

ўрмоннинг табиий равишда тикланиши учун қулай шароитлар яратиш;

ўрмонларнинг генетик фонди ва биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш.

Ўрмонларни қайта тиклаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан белгиланади.

### **30-модда. Ўрмонларнинг маҳсулдорлигини ошириш**

Ўрмонларнинг маҳсулдорлигини ошириш ўрмонларни такрорий кўпайтириш, уларнинг тур таркибини яхшилаш, ўрмон мелиорацияси ва ўрмонларни плантация усулида етиштириш натижасида амалга оширилади.

## **5-боб. Ўрмондан фойдаланишнинг асосий қоидалари**

### **31-модда. Ўрмондан фойдаланиш**

Давлат ўрмон фонди участкалари юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин.

Ўрмондан фойдаланиш умумий ёки махсус бўлиши мумкин.

Ўрмондан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан бепул ва ўз эҳтиёжлари учун белгиланган ҳажмларда, ушбу Қонун 36-моддаси биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган фойдаланиш турлари бўйича амалга оширилади.

Ўрмондан махсус фойдаланиш учун ҳақ тўланади. Тўловлар миқдори ва уларни ундириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўрмондан фойдаланиш доимий ва вақтинча бўлиши мумкин.

Ўрмон фонди ерлари ўзларига доимий эгалик қилишга бериб қўйилган ўрмон хўжалиги ташкилотлари ўрмондан доимий фойдаланувчилардир.

Ўрмондан қисқа муддатли ёки узоқ муддатли фойдаланиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлар асосида давлат ўрмон фонди участкаларидан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар ўрмондан вақтинча фойдаланувчилардир.

Ўрмондан вақтинча фойдаланиш қисқа муддатли — уч йилгача ва узоқ муддатли — ўн йилгача бўлиши мумкин.

### **32-модда. Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқини бериш**

Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқи юридик ва жисмоний шахсларга давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан берилади.

Ўрмондан махсус фойдаланишни амалга оширишга рухсатнома, ўрмон кесиш (ўрмон) чиптаси бўйича йўл қўйилади, бундан ушбу Қонуннинг 47-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

### **33-модда. Ўрмондан доимий фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ўрмондан доимий фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
давлат ўрмон фондининг ўзларига берилган участкаларида ўрмон хўжалигини мустақил юритиш, ўрмондан фойдаланиш;

ўрмон фонди ерларидан, сув ресурсларидан, кенг тарқалган фойдали

қазилмалардан белгиланган тартибда ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

белгиланган тартибда йўл очиш, ўрмон маҳсулотини жойлаштириш учун майдончаларни жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва тураржой бинолари ҳамда иншоотларини қуриш;

тайёрланган маҳсулотга ва уни реализация қилишдан олинган даромадга мулкдор бўлиш.

Ўрмондан доимий фойдаланувчилар:

ўрмонларнинг муҳофаза қилинишини, химоя қилинишини, кўпайтирилишини, такрорий кўпайтирилишини, қайта тикланишини, маҳсулдорлиги оширилишини ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлаши;

ўрмонларнинг мониторингини, давлат ҳисобини ва давлат ўрмон қадастрини юритиши;

ишларни ўрмонларнинг ҳолатига ҳамда уларни такрорий кўпайтиришга, шунингдек тупроқнинг, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг, сув объектларининг ва бошқа табиий объектларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайдиган усуллар билан юритиши;

ўрмондан вақтинча фойдаланувчиларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириши;

ўрмонларда ёнғинга қарши тадбирлар ўтказиши ва ёнғинларни бартараф этиш чораларини кўриши, шунингдек ўрмонларни зараркунандалар ҳамда касалликлардан химоя қилиш бўйича тадбирлар ўтказиши;

ўрмон фонди ерларида биотехник тадбирларни амалга ошириши;

ўрмондан фойдаланганлик учун ўз вақтида ва белгиланган тартибда ҳақ тўлаши;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини таъминлаши;

ўрмондан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги шарт.

Ўрмондан доимий фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

#### **34-модда. Ўрмондан вақтинча фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ўрмондан вақтинча фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўрмондан фойдаланишни ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларда кўрсатилган давлат ўрмон фонди участкалари доирасида, белгиланган муддатларда ва ўрмондан фойдаланиш турлари бўйича амалга ошириш;

белгиланган тартибда йўл очиш, ўрмон маҳсулотини жойлаштириш учун майдончалар жиҳозлаш, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қуриш.

Ўрмондан вақтинча фойдаланувчилар:

ўзларига бериб қўйилган яйловлар, пичанзорлар ва бошқа ўрмонзорлардан оқилона фойдаланиши;

ишларни ўрмонларнинг ҳолатига ҳамда уларни такрорий кўпайтиришга, шунингдек тупроқнинг, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг, сув объектла-

рининг ва бошқа табиий объектларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайдиган усуллар билан юритиши;

ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг махсулдорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасида белгиланган қоидалар, нормалар ва нормативларга риоя этиши;

ўрмонларда ёнғинга қарши тадбирларни ўтказиши ва ёнғинларни барта-раф этиш чораларини кўриши, шунингдек ўрмонларни зараркунандалар ҳамда касалликлардан химоя қилиш бўйича тадбирлар ўтказиши;

ўрмондан доимий фойдаланувчилар билан келишилган ҳолда давлат ўрмон фонди участкаларида биотехник тадбирларни амалга ошириши;

ўрмондан фойдаланганлик учун ўз вақтида ва белгиланган тартибда ҳақ тўлаши;

ўрмондан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги шарт.

ўрмондан вақтинча фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

### **35-модда. Ўрмондан фойдаланувчилар ҳуқуқларининг кафолатлари**

ўрмондан фойдаланувчиларнинг фаолиятига давлат органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан аралashiшга йўл қўйилмайди.

ўрмондан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тикланиши лозим.

ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузиш оқибатида етказилган зарарларнинг (шу жумладан бой берилган фойданинг) ўрни тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

### **36-модда. Ўрмондан фойдаланиш турлари**

ўрмондан фойдаланиш турлари қуйидагилардан иборат:

дарахтзорлар ва бутазорларни кесиш;

пичан ўриш;

чорва молларини ўтлатиш;

асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш;

ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг доривор ва техник хом ашёсини йиғиш ҳамда тайёрлаш;

ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун йиғиш ва тайёрлаш;

дарахт ва буталарни кесмаган ҳолда ўтин ва шох-шаббаларни йиғиш;

ўрмон-овчилик, овчилик ва (ёки) балиқчилик хўжаликлари эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш;

экологик туризмни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш.

Қонун ҳужжатларида ўрмондан фойдаланишнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

### **37-модда. Дарахтзорлар ва бутазорларни кесиш**

Биноларни, иншоотларни ва коммуникацияларни қуриш чоғида давлат ўрмон фонди участкаларидаги дарахтзорлар ва бутазорларни ишлаб чиқариш-техник заруратдан келиб чиқмаган ҳолда кесиш тақиқланади.

Дарахтзорлар ва бутазорларни кесишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ўрмон кесиш (ўрмон) чипталари асосида ва фақат ўрмонларни албатта қайта тиклаш шарти билан йўл қўйилади.

Дарахтзорлар ва бутазорларни кесиш ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларига қараб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўрмонни парвариш қилиш учун кесиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган ихота минтақаларида, чўл ва чала чўл зоналарининг ўрмонларида ўрмоннинг ҳолатини яхшилаш мақсадида парвариш қилиш учун кесишга йўл қўйилади.

Ўрмонларнинг дарёлар, қўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари сохиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақаларида, ўрмонларнинг овланадиган қимматли балиқлар увулдирик сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақаларида, эрозиядан сақлайдиган ўрмонларда, шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғларида, шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг қўкаламзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонларда, сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонларда, алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонларда, ёнғоқчилик зоналаридаги ўрмонларда, ўрмонларнинг мевали дарахтзорларида, табиат боғларининг ўрмонларида (уларнинг қўриқхонага айлантирилган зоналари бундан мустасно), курорт табиий ҳудудларнинг ўрмонларида, давлат биосфера резерватларининг ўрмонларида (уларнинг қўриқхонага айлантирилган зоналари бундан мустасно), илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонларда ўрмон кесиш (ўрмон) чиптаси бўйича фақат оралик фойдаланишдаги кесишга (ўрмон парвариши ва санитария мақсадида кесишга) йўл қўйилади.

Барча қўриқланиш тоифаларидаги ўрмонларда ёнғинга қарши оралик жой ҳосил қилиш билан боғлиқ кесишларга йўл қўйилиши мумкин, бундан давлат қўриқхоналарининг, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналарининг ўрмонлари, табиат боғларининг, давлат биосфера резерватларининг қўриқхонага айлантирилган зоналаридаги ўрмонлари мустасно.

Ўрмонни парвариш қилиш учун кесиш, плантацияларда ҳамда давлат ўрмон фонди участкаларида мақсадли фойдаланиш, саноат ва аҳолининг ёғочга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун етиштирилаётган тез ўсувчи дарахт ва буталарни кесиш Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси белгилаган тартибда ўрмон хўжалиги ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Ёнгинлар, ўрмон зараркунандалари, касалликлари ҳамда бошқа салбий таъсирлар оқибатида шикастланган ўрмонларни кесишга уларни танлаб ва санитария мақсадида кесиш тартибида йўл қўйилади.

### **38-модда. Пичан ўриш**

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат ўрмон фонди участкаларида пичан ўришга шу мақсадлар учун махсус мўлжалланган майдонларда давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан бериладиган рухсатнома асосида йўл қўйилади.

Давлат ўрмон фонди участкаларида пичан ўриш учун майдонлар ўрмон тузиш лойиҳалари, яйловлардан алмашлаб фойдаланиш схемалари ва пичан ўришнинг календарь жадвали ҳисобга олинган ҳолда фойдаланишга берилади.

Давлат ўрмон фонди участкаларида пичан ўриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Пичан ўриш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

### **39-модда. Чорва молларини ўтлатиш**

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат ўрмон фонди участкаларида чорва молларини ўтлатиш шу мақсадлар учун махсус мўлжалланган майдонларда давлат ўрмон хўжалиги органлари берадиган рухсатнома асосида амалга оширилади.

Ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари сохиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақаларида, эрозиядан сақлайдиган ўрмонларда, сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонларда, алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонларда, ёнқоччилик зоналаридаги ўрмонларда, давлат қўриқхоналарининг ўрмонларида, шунингдек белгиланган режимга мувофиқ табиат боғларининг, буюртма қўриқхоналарининг, курорт табиий ҳудудларининг, давлат биосфера резерватларининг, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларининг ўрмонларида чорва молларини ўтлатишга йўл қўйилмайди.

Давлат ўрмон фонди участкаларида чорва молларини ўтлатишга ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг камёб ва қимматли турлари табиий равишда такрорий кўпайишини, ёввойи ҳайвонларни сақлаб қолишни, шунингдек эрозия жараёнларининг юзага келиш эҳтимолининг олдини олишни таъминлаш шarti билан йўл қўйилади.

Ҳайвонот дунёсини ҳайвонларнинг юқумли ва бошқа касалликларидан ҳимоя қилиш ҳамда улар тарқалишининг олдини олиш мақсадида давлат ўрмон фонди участкаларида чорва молларини ўтлатишга чорва молларини, уловларни (отлар, эшаклар, туялар) ва уларни қўриқловчи итларни ветеринария-лаборатория кўригидан ўтказиш шarti билан йўл қўйилади.

Давлат ўрмон фонди участкаларида чорва молларини ўтлатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Чорва молларини ўтлатиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

**40-модда. Асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш**

Юридик ва жисмоний шахсларга асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш учун давлат ўрмон фонди участкалари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг рухсатномаси бўйича берилади.

**41-модда. Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг доривор ва техник хом ашёсини, озиқ-овқат мақсадлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш**

Юридик ва жисмоний шахсларга ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг доривор ва техник хом ашёсини, озиқ-овқат мақсадлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш учун рухсатнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан берилади.

Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг доривор ва техник хом ашёсини, озиқ-овқат мақсадлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш мавжуд ўсимликлар ресурсларининг тугаб қолишига ҳамда ўрмон хўжалигига зарар етказилишига йўл қўйилмайдиган воситалар ва усуллар билан амалга оширилади.

**42-модда. Дарахт ва буталарни кесмаган ҳолда ўтин ва шох-шаббаларни йиғиш**

Ўрмондан доимий фойдаланувчилар томонидан давлат ўрмон фонди участкалари дарахт ва буталарни кесмаган ҳолда ўтин ва шох-шаббалар йиғиш учун юридик ҳамда жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилиши мумкин.

**43-модда. Ўрмон фонди ерларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун фойдаланиш**

Ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш давлат ўрмон фондига зарар етказмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**44-модда. Ўрмон-овчилик, овчилик ва (ёки) балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш**

Давлат ўрмон фонди участкаларидан ўрмон-овчилик, овчилик ва (ёки) балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳуқуқи юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Давлат ўрмон фонди участкаларидан ўрмон-овчилик, овчилик ва (ёки) балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**45-модда. Илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш**

Давлат ўрмон фонди участкаларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат ўрмон фонди участкаларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўрмондан доимий фойдаланувчилар билан келишилган ҳолда йўл қўйилади.

Давлат ўрмон фондининг маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш учун берилган участкаларида ўрмондан фойдаланувчилар бу участкаларни ободонлаштиришга доир тадбирларни ўрмонларни ҳамда табиий ландшафтларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш, ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги ва санитария қоидаларига риоя қилиш шарти билан ўтказади.

Давлат ўрмон фонди участкаларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

**46-модда. Экологик туризмни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш**

Давлат ўрмон фонди участкаларидан экологик туризмни ривожлантириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

**47-модда. Фуқароларнинг ўрмонларда бўлиши**

Фуқаролар ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш тартибида ўрмонларда бўлиш, ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ва озик-овқатбоп ўсимликлар, мевалар ва қўзқоринларни қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ўз эҳтиёжлари учун йиғиш ҳуқуқига эга.

Ўрмонларда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни, шунингдек заҳарли, таркибида гиёҳвандлик моддалари мавжуд бўлган ўсимликларни фуқаролар томонидан йиғиш тақиқланади.

Фуқаролар ўрмонларда ёнғин хавфсизлигига риоя этиши, дарахтлар ва буталарни синдиришга, кесишга, ўрмон экинларига шикаст етказилишига, ўрмонларнинг маиший ҳамда бошқа чиқиндилар билан ифлосланишига, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити йўқ қилинишига ва урчиш жойлари бузилишига йўл қўймаслиги, шунингдек ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа талабларни бажариши шарт.

**48-модда. Чегара зонасида ўрмондан фойдаланиш хусусиятлари**

Чегара зонасида ўрмондан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.



**49-модда. Қонунга хилоф равишда қўлга киритилган ўрмон маҳсулотини олиб қўйиш**

Қонунга хилоф равишда қўлга киритилган ўрмон маҳсулоти олиб қўйилиши лозим.

Қонунга хилоф равишда қўлга киритилган ўрмон маҳсулотини олиб қўйишнинг имкони бўлмаган тақдирда, унинг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда ундириб олинади.

**50-модда. Ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга таъсир кўрсатадиган корхоналарни, иншоотларни ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ҳамда ишга тушириш**

Ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга таъсир этадиган янги ҳамда реконструкция қилинаётган корхоналарни, иншоотларни ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ҳамда ишга тушириш, шунингдек янги технологияларни жорий этиш ўрмонларни муҳофаза қилишга, такрорий кўпайтиришга доир тадбирлар таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга таъсир этадиган корхоналарни, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, шу жумладан янги технологияларни жорий этиш, шунингдек дарахт турларини кесиш зарурияти қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда мажбурий равишда давлат экологик экспертизасидан ўтказилиб, давлат ўрмон хўжалиги органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилади.

**51-модда. Ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган ишларни амалга ошириш тартиби**

Ўрмон фонди ерларида ўрмон хўжалигини юритиш ва ўрмондан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган қурилиш ҳамда портлатиш ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, кабеллар, қувурлар ва бошқа коммуникацияларни ўтказиш, пармалаш ишлари ва бошқа ишлар давлат ўрмон хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўрмон фонди ерларида ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган ишларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар ўрмонларни қайта тиклаш, ўрмон фондининг ҳолати бузилган ерларини рекультивация қилиш бўйича чоралар кўриши шарт.

**52-модда. Ўрмонлардан фойдаланишни чеклаш ва тақиқлаш**

Ўрмонларни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ўрмонлардан фойдаланишга ёки фойдаланишнинг айрим турларига нисбатан чекловлар ёки тақиқлар белгилаши мумкин.

Ўрмондан фойдаланувчиларнинг, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, шу жумладан давлат ўрмон фонди участкалари ижарачиларининг,

шунингдек ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларнинг, сувдан фойдаланувчиларнинг, сув истеъмолчиларининг ҳамда ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ўрмонларни муҳофаза қилиш манфаатларини кўзлаб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чекланиши ва уларнинг зиммасига тегишли мажбуриятлар юклатилиши мумкин.

**53-модда. Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш**

Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқи ўрмонларни муҳофаза қилишни таъминлаш учун тўхтатиб турилиши, тугатилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

ўрмондан махсус фойдаланишнинг рухсат беришга доир талаблари ва шартлари бузилганлиги аниқланганда;

давлат ўрмон хўжалиги ваколатли органининг ўрмондан фойдаланишнинг рухсат беришга доир талаблари ва шартларига оид аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги қарори бажарилмаганда.

Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тугатилади:

фойдаланиш зарурати қолмаганда ёки ундан воз кечилганда;

фойдаланишнинг белгиланган муддати ўтганда;

ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда;

ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқи берилган жисмоний шахс вафот этганда ёки унинг фаолияти тугатилганда ёхуд юридик шахс тугатилганда.

Қонун ҳужжатларида ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб туриш ёки тугатиш учун бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқи қуйидагилар асосида бекор қилиниши мумкин:

ўрмондан фойдаланувчининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги аризасига кўра;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб турилади, тугатилади ёки бекор қилинади.

**6-боб. Якунловчи қоидалар**

**54-модда. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги фаолиятни молиялаштириш ҳамда иқтисодий рағбатлантириш**

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги фаолиятни молиялаштириш ҳамда иқтисодий рағбатлантириш Ўзбекистон

Республикаси Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги фаолиятни молиялаштиришни ва иктисодий рағбатлантиришни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **55-модда. Зарарнинг ўрнини қоплаш**

Юридик ва жисмоний шахслар ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплаши шарт.

Зарарнинг ўрнини қоплаш айбдор шахсларни қонунга мувофиқ жавобгарликдан озод этмайди.

#### **56-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **57-модда. Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**326 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2018 йил 26 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида**»ги 223–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 76-модда; 1992 йил, № 9, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «физкультура-спорт» деган сўзлар «жисмоний тарбия-спорт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **3-модданиннг биринчи қисмидаги** «физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш» деган сўзлар «жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ишларини амалга ошириш; табиатни, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «**Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида**»ги 289–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 618–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) **16-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Тарихий ва маданий ёдгорликлар объектлари ва буюмларини» деган сўзлар «Моддий маданий мерос объектларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**»ги 425–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенга-

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 19 апрелда эълон қилинган.

шининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 153-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 97-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **4-моддаси 2-бандининг 2-кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) моддий маданий мерос объектлари, шу жумладан давлат фондларида, миллий фондларда, ахборот-кутубхона фондларида ва илмий-тадқиқот муассасаларининг фондларида сақланаётган моддий маданий мерос объектлари, шунингдек архивлар, музейлар ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида**»ги 616–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **4-моддаси биринчи қисми 5-бандининг ўн бешинчи хатбошисидаги** «нотариал архивларнинг» деган сўзлар «идоравий нотариал архивларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «**Мудофаа тўғрисида**»ги 641–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган 211–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 80-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **7-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг» деган сўзлар «Қуролли Кучлар Бош штабининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **11-модда:**

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«11-модда. Қуролли Кучларнинг Бош штаби»;**

**биринчи қисмидаги** «Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби» деган сўзлар «Қуролли Кучларнинг Бош штаби» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуролли Кучларнинг Бош штаби».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Гаров тўғрисида**»ги 736–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 156-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тарихий, илмий, бадиий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган лиги туфайли ёхуд давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари нуқтаи назаридан гаров қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

2) **27-модда тўртинчи қисмининг 2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) гаров нарсаси тарихий, илмий, бадиий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга мол-мулк бўлса».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 754–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«табиат объектлари билан боғлиқ моддий маданий мерос объектларини асраб қолишдир»;

2) **45-модданинг биринчи қисмидаги** «рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда» деган сўзлар «рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**»ги 837–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-

си, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **35-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** ва **351-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «ўрмонлар, ҳайвонот дунёси» деган сўзлар «ўсимлик ва ҳайвонот дунёси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **64-модданинг иккинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Балиқчилик хўжалиги ташкилотларига бириктирилган табиий сув хавзаларида, балиқчилик питомникларида ҳамда ҳовуз хўжаликларида, шунингдек овчилик-балиқ овлаш жамиятларига бириктирилган жойларда спорт ва ҳаваскорлик йўли билан балиқ овлаш уларнинг рухсатига кўра амалга оширилади»;

3) **65-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«65-модда. Овчилик хўжалигини юритувчи шахсларнинг сувдан фойдаланишга доир имтиёзли ҳуқуқлари**

Ёввойи сув қушлари ва қимматли мўйна берадиган сув ҳайвонлари (кундуз, ондатра, сув каламуши, нутрия ва ҳоказолар) маскани бўлган дарёларда, кўлларда ва бошқа сув объектларида овчилик хўжалигини юритишни амалга ошираётган юридик ва (ёки) жисмоний шахсга экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги органлари сувдан комплекс фойдаланиш талабларини ҳисобга олган ҳолда сувдан фойдаланишга доир имтиёзли ҳуқуқлар бериши мумкин».

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «**Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида**»ги 846–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 230-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **12-моддаси 3-бандининг иккинчи хатбошиси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-музейлар, шунингдек моддий маданий мерос объектлари бўлган квартиралар ва уйлар».

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида**»ги 990–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 518–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 132-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2012 йил, № 12, 331-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) **11-моддасининг 16-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16) сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивларга ёки идоравий архивларга топширилишини таъминлайди».

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида**»ги 1050–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 9-10, 134-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2012 йил, № 12, 331-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2017 йил, № 8, 383-модда) **11-моддасининг 16-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16) сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивларга ёки идоравий архивларга топширилишини таъминлайди».

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:



- 1) **59-модда саккизинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «қўшилади» деган сўз «қўшиб ҳисобланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 2) **62-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«62-модда. Ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки уй қамоғи вақтини ҳисобга олиш қоидалари**

Суд жазо тайинлаш чоғида ушлаб туришнинг, қамоққа олишнинг ёки уй қамоғининг ҳар бир кунини:

а) озодликни чеклашнинг, интизомий қисмга жўнатишнинг, озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига;

б) ахлоқ тузатиш ишларининг ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига;

в) мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатига тенглаштириб ҳисоблайди.

Суд ушлаб турилган, қамоқда ёки уй қамоғида сақланган шахсга жарима тайинлашда ушлаб туришнинг, қамоқда ёки уй қамоғида сақлашнинг бир кунини энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисобга олади»;

3) **74-модданинг еттинчи қисмидаги** «қасддан» деган сўз чиқариб ташлансин;

4) **90-модданинг олтинчи қисмидаги** «қасддан» деган сўз чиқариб ташлансин;

5) **132-моддадаги** «Тарих ёки маданият ёдгорликларини» ва «тарих ёки маданият ёдгорликларини» деган сўзлар тегишинча «Моддий маданий мерос объектларини» ва «моддий маданий мерос объектларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **саккизинчи бўлимдаги «Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот» атамасининг** ҳуқуқий маъноси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот** — тарихий, илмий, бадиий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга бўлмаган, зўравонлик ёки шафқатсизлик содир этишга ундайдиган материаллар ва нарсалар».

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил,

№ 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **18-модданинг учинчи қисми** «қамокда сақланган» деган сўзлардан кейин «ёхуд уй қамоғида бўлган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **19-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Барча судларда жиноят ишлари ошкора кўрилади, бундан давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган ҳоллар, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилайётган ҳоллар мустасно.

Судларда жиноят ишларини ошкора кўриш суднинг ташаббуси билан ёки жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра аудио- ва видеоёзудан фойдаланган ҳолда, шунингдек видеоконференцалока режимида ўтказилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек улар оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда бошқа ишларни суд ажрими билан ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очик суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилиши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисидаги суднинг ажрими буткул муҳокамага нисбатан ёки унинг алоҳида қисмларига нисбатан чиқарилиши мумкин. Бу ажрим суд мажлисига йиғилганларга тааллуқли бўлиб, жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ёпиқ суд мажлисида видеоконференцалока тизимидан фойдаланишга йўл қўйилмайди, бундай мажлисни аудио- ва видеоёзувга олиш эса амалга оширилмайди.

Суд судланувчининг ва жабрланувчининг яқин қариндошларини, шунингдек бошқа шахсларни ёпиқ мажлисларда текшириладиган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантириб, уларнинг бу мажлисларда ҳозир бўлишига рухсат беришга ҳақли.

Суд мажлиси залида тартибни сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳолларда, суд айрим шахсларнинг суднинг очик мажлисларида ҳозир бўлишини тақиқлашга ҳақли.

Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга ва кинотасвирга олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади, бу ҳақда тегишли ажрим чиқарилади.

Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади.

Суднинг қонуний кучга кирган қарорлари жиноят процесси иштирокчиларининг розилиги билан ёки шахсини кўрсатмаган тарзда суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мумкин, бундан ёпиқ суд мажлисларида кўрилган ишлар бўйича суд қарорлари мустасно.

Судлов фаолиятида ошкораликни кенгайтириш учун судлар зарур ҳолларда оммавий ахборот воситалари ходимларини, тегишли жамоат бирлашмаларини ва жамоаларни бўлажак процесслар тўғрисида хабардор қилиши, шунингдек процессларни бевосита корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳамда таълим муассасаларида ўтказиши мумкин.

Судларда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш тақиқланади, бундан ушбу Кодексда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

### 3) 36-модданинг:

**биринчи қисмидаги** «қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома беришга, шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240-моддасига мувофиқ бекор қилишга ёки ўзгартиришга» деган сўзлар «қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш тўғрисида илтимоснома беришга, шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240 ва 243<sup>1</sup>-моддаларига мувофиқ бекор қилишга ёки ўзгартиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** «эҳтиёт чорасини қўллаш» деган сўзлардан кейин «уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

### 4) 381-модданинг:

**биринчи қисмидаги** «қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома беришга, шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240-моддасига мувофиқ бекор қилишга ёки ўзгартиришга» деган сўзлар «қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш тўғрисида илтимоснома беришга, шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240 ва 243<sup>1</sup>-моддаларига мувофиқ бекор қилишга ёки ўзгартиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** «эҳтиёт чорасини қўллаш» деган сўзлардан кейин «уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **48-модданинг иккинчи қисми** «қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги» деган сўзлардан кейин «ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **114-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:  
«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар узрли сабабларга кўра судга келмаган тақдирда, суднинг ташаббуси билан ёки жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра видеоконференцалоқа воситасида сўроқ қилиниши мумкин»;

7) **226-модданинг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Алоҳида ҳолларда, ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш, уй қамоғи ёки гаров тарзидаги эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин. Бунда гумон қилинувчига у ушланган кундан эътиборан ўн кун ичида айблов эълон қилиниши керак. Акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилинади ва шахс қамоқдан ёки уй қамоғидан озод этилади, гаров эса гаровга қўювчига қайтарилади. Жиноят иши қўзғатилганидан кейин ва ушлаб туришнинг бутун муддати мобайнида ишни юритиш ўзига тааллуқли бўлган суриштирувчи ва терговчи жиноятни содир этиш ҳолатларини аниқлаш, ушлаб туришнинг асосли эканлигини текшириш учун ўз ваколатлари доирасида тергов ҳаракатлари ўтказиши мумкин»;

8) **239-модда:**

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Алоҳида ҳолларда, ишни судга қадар юритиш босқичида ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш, уй қамоғи ёки гаров тарзидаги эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

9) **240-модда:**

қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишни судга қадар юритиш босқичида суд томонидан қўлланилган гаров тарзидаги эҳтиёт чораси уни бундан буён қўллаш учун асослар мавжуд бўлмаганда, худди шунингдек иш юритиш тугатилган тақдирда, мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида қарор чиқарган суд албатта хабардор этилган ҳолда прокурор томонидан, шунингдек прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ёки терговчи томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин»;

**учинчи ва тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

10) **241-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш, уй қамоғи, гаров тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаш, уй қамоғи муддатини узайтириш тўғрисидаги ёхуд уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш ҳақидаги масала юзасидан суднинг ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин.

Шикоят, протест ажрим чиқарган суд орқали берилади, ушбу суд уларни йигирма тўрт соат ичида материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Апелляция инстанцияси суди мазкур материалларни улар шикоят ёки протест билан бирга келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмай кўриб чиқиши керак»;

**11) 242<sup>1</sup>-модда:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ҳимоячи, қонуний вакил, белгиланган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси зиммасига юклатилган орган, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд билан сўзлашиш учун, шунингдек зарурият юзага келган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни, тез тиббий ёрдамни, ёнғин хавфсизлиги хизматини, қутқарув хизматини ва бошқа шошилиш хизматларни чақириш учун телефон алоқасидан фойдаланиш ҳуқуқидан чекланиши мумкин эмас. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз яшаш жойидаги уй қамоғини ижро этиш зиммасига юклатилган ички ишлар органига ҳар бир шундай қўнғироқ ҳақида хабар беради»;

**еттинчи — ўн олтинчи қисмлари** тегишинча **саккизинчи — ўн еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**ўн учинчи қисми** «бекор қилиш масаласи» деган сўзлардан кейин «прокурор томонидан, шунингдек прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ёки терговчи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) қуйидаги мазмундаги **243<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«243<sup>1</sup>-модда. Уй қамоғи бўйича белгиланган тақиқларни (чекловларни) бекор қилиш ёки ўзгартириш ёхуд қўшимча тақиқлар (чекловлар) белгилаш тартиби**

Уй қамоғи бўйича тақиқлар (чекловлар) асослар мавжуд бўлганда прокурор томонидан, шунингдек прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ёки терговчи томонидан қисман бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Ушбу Кодекс 242<sup>1</sup>-моддасининг бешинчи қисми доирасидаги уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқлар (чекловлар) прокурорнинг ёки прокурорнинг розилиги билан суриштирувчининг ёхуд терговчининг илтимосномасига кўра судьянинг ажрими асосида белгиланиши мумкин.

Уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқлар (чекловлар) белгилаш тўғрисидаги илтимоснома ушбу Кодекс 243-моддасининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган тартибда тегишли суднинг судьяси томонидан кўриб чиқилади.

Уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқлар (чекловлар) белгилаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланади, у қўшимча тақиқлар (чекловлар) белгилаш заруригини асослаб беради. Шундан сўнг гумон қилинувчи ёки айбланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Суд гумон қилинувчига ёки айбланувчига нисбатан уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқлар (чекловлар) белгилаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш ҳақида;

қўшимча тақиқ (чеклов) белгилашни рад қилиш тўғрисида.

Судьянинг уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш ҳақидаги ёки қўшимча тақиқ (чеклов) белгилашни рад қилиш тўғрисидаги ажрими ўқиб эшиттирилган пайдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши лозим. Судьянинг ажрими ижро этиш учун прокурорга, маълумот учун эса — гумон қилинувчига, айбланувчига ва ҳимоячига юборилади. Судьянинг ажрими устидан ушбу Кодекс 241-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга биноан апелляция тартибида шикоят қилиниши, протест билдирилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестни кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

1) судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантирмай қолдиришга;

2) судьянинг ажримини бекор қилишга ва гумон қилинувчига ёки айбланувчига нисбатан уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилашга;

3) судьянинг гумон қилинувчига ёки айбланувчига нисбатан уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш тўғрисидаги ажримини бекор қилишга ҳақли»;

13) **249-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаров гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан суриштирув, дастлабки тергов органининг ёхуд суднинг депозит ҳисобварағига топширилган пул маблағидан ёки қимматбаҳо буюмлардан иборатдир. Гаров тарикасида кўчмас мулк ҳам қабул қилиниши мумкин.

Ишни судга қадар юритиш босқичида гумон қилинувчига ёки айбланувчига нисбатан суд томонидан пул тарзидаги гаров қўлланилган тақдирда, гаров суриштирув ёки дастлабки тергов органининг депозит ҳисобварағига ўтказилади.

Гаровни қабул қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор баённома тузади, суд эса суд мажлиси баённомасига тегишлича белги қўяди. Баённомада гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига унинг ушбу Кодекснинг 46 ва 48-моддаларида кўрсатилган мажбуриятлари тушунтирилганлиги ва у бу мажбуриятларни бузмасликка сўз берганлиги, гаровга қўювчига эса гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи мажбуриятларини бажармаган тақдирда гаров суммасидан маҳрум бўлиши маълум қилинганлиги кўрсатилиши керак. Баённома гаровни қабул қилган мансабдор шахс, гаровга қўювчи ва гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонидан имзоланади.

Гаров суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан кам бўлиши мумкин эмас ва уни ушбу эҳтиёт чорасини танлаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд айбловнинг оғирлигини, гумон қилинувчининг,

айбланувчининг, судланувчининг ва гаровга қўювчининг шахсини, гаровга қўювчининг мулкӣ аҳволини ҳамда унинг гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан муносабатларини инобатга олган ҳолда белгилайди.

Гаровга қўювчи гаровни топшириш чоғида, шу эҳтиёт чораси танланган айбловнинг моҳияти, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига тайинланиши мумкин бўлган жазо ва ўзининг жавобгарлиги тўғрисида ҳабардор қилиниши керак. У ўзи қабул қилган мажбуриятларидан гаровнинг давлат мулкига ўтиб кетиши учун сабаб бўладиган асослар юзага келгунига қадар воз кечиши мумкин.

Гаровга қўювчи гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атворини кузатишга имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмас, бундан у бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини исботлаб берадиган ҳоллар мустасно.

Агар эҳтиёт чорасини ўзгартириш уни танлаш шарт-шароитлари бузилганлиги туфайли рўй бермаётган бўлса, худди шунингдек иш бўйича иш юритиш тугатилган ёхуд суд ҳукми кучга кирган тақдирда гаров гаровга қўювчига қайтарилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда гаров суд ажрими билан давлат мулкига ўтказилади ва гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилади;

#### 14) **265-модданинг:**

**саккизинчи қисмидаги** «агар бу муассаса қамокқа олинганларни сақлаш учун мослаштирилган бўлса, қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланиши мумкин» деган сўзлар «агар мазкур муассаса қамокқа олинганларни ёки уй қамоғидаги шахсларни сақлаш учун мослаштирилган бўлса, қамокқа олиш ёхуд уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланиши мумкин» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўққизинчи қисми** «қамокда» деган сўздан кейин «ёки уй қамоғида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

15) **303-модда биринчи қисмининг 1 — 3-бандлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) шахснинг қамокда ёки уй қамоғида сақлаб турилганига қараганда камроқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликни чеклашга ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганлиги;

2) ҳукмдан айбловнинг қисман чиқариб ташланганлиги ва бунинг натижасида қонунга кўра қамокда ёки уй қамоғида сақлаш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш мумкин эмаслиги;

3) озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш муддатининг юқори суд томонидан ҳақиқатда ўталган муддатга қараганда камайтирилганлиги ёхуд бошқа энгилроқ жазо тури билан алмаштирилганлиги»;

16) **309-модда** «қамалганлиги» деган сўздан кейин «ёки уй қамоғида турганлиги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

17) **314-модданинг биринчи қисми** «қамокда сақлаш» деган сўзлардан кейин «ёки уй қамоғида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

18) **318-модда:**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **71-банд** билан тўлдирилсин:

«71) суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлардан»;

**иккинчи қисмидаги** «Ушбу модданинг 1, 2, 3 ва 4-бандларида» деган сўзлар «Ушбу модданинг 1, 2, 3, 4 ва 71-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **382-модда учинчи қисмининг:**

**тўртинчи хатбошиси** «ўзгартириш ёки бекор қилиш» деган сўзлардан кейин «уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш ҳақида илтимоснома қўзғатиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**бешинчи хатбошиси** «қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш» деган сўзлардан кейин «ёхуд уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўққизинчи хатбошиси** «қамоққа олиш» деган сўзлардан кейин «ёки уй қамоғи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

20) **418-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд мажлисига чақирилган шахслардан бирортасининг келмай қолганлиги оқибатида ёки янги далиллар талаб қилиб олиш зарур бўлганлиги муносабати билан ёхуд суд мажлисини олиб боришнинг техник воситаларидан, шу жумладан видеоконференцалоқа тизимларидан фойдаланишда техник носозликлар юзага келганлиги туфайли жиноят ишини муҳокама қилиш мумкин бўлмаса, суд ишни муҳокама қилишни кейинга қолдиради ва суд мажлисига келмаган шахсларни чақириш ёки янги далилларни талаб қилиб олиш ёхуд техник носозликларни бартараф этиш чораларини кўради»;

21) **426-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд муҳокамаси вақтида суд мажлисининг котиби ушбу Кодекснинг 90 — 92-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритади.

Суд мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади: суд мажлиси бошланган ва тамом бўлган вақт кўрсатилган ҳолда мажлис бўлган жой ва сана; суднинг номи ва таркиби; суд мажлисининг котиби, таржимон, айбловчи, ҳимоячи, судланувчи, жабрланувчи ва унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, шунингдек суд чақирган бошқа шахслар; кўрилатган иш; судланувчининг шахсига доир маълумотлар; ҳозир бўлган ва ҳозир бўлмаган гувоҳлар ҳамда уларнинг келмаганлик сабаблари. Баённомада: раислик қилувчининг барча фармойишлари кўрсатилади ва суднинг ҳаракатлари қандай тартибда ўтган бўлса, шу тартибда ёзилади; ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза ва илтимосномалари; судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатувларининг батафсил мазмуни; берилган саволларга экспертнинг жавоблари; суд музокараларининг кетма-кетлиги, суд музокараларида иштирок этган шахсларнинг хулосалари ҳамда судланувчи охириги сўзининг мазмуни; башарти жиноят процесси иштирокчилари илтимос қилса, ишни кўриш пайтида юз берган ҳолатлар тўғрисидаги арзлар акс эттирилади.



Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимда ўтказилган тақдирда, суд мажлиси баённомасида ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилганлардан ташқари:

суд мажлиси видеоконференцалоқа режимда ўтказилганлиги ҳақидаги; техника воситалари тўғрисидаги;

суд мажлисини видеоконференцалоқа режимда ўтказишга кўмаклашадиган суд ва ходимлар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

Суд мажлиси аудио- ёки видеоёзувга олинган тақдирда, суд мажлиси баённомасига суд мажлисида ёзиб олиш техника воситаларидан фойдаланилганлиги тўғрисида белги қўйилади.

Аудио- ва видеоёзув сақланаётган электрон ёки бошқа манбалар суд мажлиси баённомасига илова қилинади, унда ушбу воситалар қўлланилганлиги ҳақида белги қўйилади.

Суд зарур деб топган ҳолларда, гувоҳлар ва жабрланувчилар суд мажлисининг баённомасидаги ўзи берган кўрсатувларни имзолайди.

Суд мажлисининг баённомаси раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланади.

Суд мажлиси баённомасининг мазмуни бўйича раислик қилувчи билан суд мажлисининг котиби ўртасида келишмовчилик бўлган тақдирда, котиб ўз мулоҳазаларини баённомага илова қилиши шарт, бу мулоҳазалар суд таркиби томонидан кўрилади. Ушбу масала юзасидан ажрим чиқарилиб, баённомага илова қилинади.

Суд мажлисининг баённомаси тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиб, унинг материаллари жиноят ишига қўшиб қўйилади.

Суд мажлисининг баённомаси ҳукм чиқарилган куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай имзоланиши керак»;

22) **463-модда иккинчи қисмининг 2-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2) шахснинг ҳукм чиққунига қадар қамоқда ёки уй қамоғида бўлган вақти Жиноят кодексининг 62-моддасида назарда тутилган ушлаб туришни, қамоққа олишни ёки уй қамоғини ҳисобга олиш қоидаларини назарда тутиб, суд томонидан тайинланган жазо чорасига тенг ёхуд бу чорадан ортик бўлса»;

23) **468-модда биринчи қисмининг 6-банди** «ёки қамоқда» деган сўзлардан кейин «ёхуд уй қамоғида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

24) **470-модданинг 3-банди** «у қамоқда» деган сўзлардан кейин «ёки уй қамоғида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

25) **474-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«474-модда. Судланувчини қамоқдан ёки уй қамоғидан озод қилиш**

Судланувчи оқланганда, шунингдек жазо тайинланмасдан ёки жазодан озод қилиб ёхуд шартли равишда озодликдан маҳрум этиб ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаб айблов ҳукми чиқарилганда, худди шунингдек судланувчи дастлабки қамоқда ёхуд уй қамоғи-

да бўлган вақтдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазоси тайинланганда, қамокда ёхуд уй қамоғида сақланаётган судланувчи бевосита суд мажлиси залининг ўзида дарҳол озод қилиниши лозим»;

26) **497-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қамокдан ёки уй қамоғидан дарҳол озод этилиши лозим бўлган маҳкумни озод этишга доир ажрим (қарор), агар маҳкум суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, залнинг ўзидаёқ ижро этилади. Бошқа ҳолларда, ажрим (қарор) чиқарилган вақтдан эътиборан йигирма тўрт соатдан кечиктирмай унинг нухаси суд томонидан жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятига ёки маҳкумнинг яшаш жойидаги зиммасига уй қамоғини ижро этиш юклатилган ички ишлар органига юборилади»;

27) **529-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«529-модда. Суд мажлиси залида қамокдан ёки уй қамоғидан озод этиш**

Суд ҳукми эълон қилгач суд мажлиси залида қуйидагиларни қамокдан ёки уй қамоғидан дарҳол озод қилади:

- 1) оқланган шахсни;
- 2) жазо тайинланмаган маҳкумни;
- 3) жазодан озод этилган маҳкумни;

4) ушлаб туриш ёки эҳтиёт чорасини қўллаш оқибатида қамокда ёки уй қамоғида бўлган вақтдан ёхуд кассация ёки назорат тартибида бекор қилинган ҳукмга биноан шу иш бўйича жазони ўтаган вақтдан қўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодлиги чекланган маҳкумни;

5) шартли равишда озодликдан маҳрум этилган маҳкумни;

6) озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога маҳкум этилган шахсни»;

28) **530-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Биринчи инстанция судининг ажрими шу ажрим устидан апелляция тартибида хусусий шикоят бериш ва хусусий протест билдириш муддати ўтиши билан ёхуд шикоят ёки протест билдирилган тақдирда иш юқори судда кўриб чиқилганидан кейин қонуний кучга киради ва ижро этилади.

Суднинг шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин бўлмаган ажрими шу ажрим чиқарилиши биланоқ дарҳол кучга киради ва ижро этилади.

Жиноят ишини тугатиш ҳақидаги суд ажримининг айбланувчини, гумон қилинувчини ёки судланувчини қамокдан ёки уй қамоғидан озод қилишга оид қисми дарҳол ижро этилиши лозим.

Кассация ёки назорат инстанцияси судининг ажрими (қарори) у эълон қилинган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради.

Юқори инстанция судининг ажрими, қарори ушбу Кодекснинг 497-моддасида назарда тутилган қоидаларга кўра ижрога қаратилади»;

29) **590-модданинг:**

**бешинчи қисми** «Қамоққа олиш» деган сўзлардан кейин «ёки уй қамоғи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўққизинчи қисми** «қамоқдан» деган сўздан кейин «ёки уй қамоғидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **14-модданинг иккинчи қисми** «116<sup>1</sup>, 116<sup>2</sup>» рақамларидан кейин «116<sup>3</sup>» рақами билан тўлдирилсин;

2) **64-моддасидаги** «Тарих ёки маданият ёдгорликларини» деган сўзлар «Моддий маданий мерос объектларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **70-модда:**

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан эллик бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўттиз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг санкциясидаги** «бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўттиз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмининг санкциясидаги** «бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «йигирма бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **70<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«70<sup>1</sup>-модда. Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш**

Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **81-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликларни ёки уларнинг яшаш фаолияти натижасида ҳосил бўлган илдишлари, пиёзбошлари, таналари, поялари, новдалари, пўстлоғи, барглари, гунчалари, гуллари, уруғлари, мевалари, шарбатини (елимини) ва бошқа маҳсулотларини ўзбошимчалик билан йиғиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) **99-модданинг учинчи қисмидаги** «тарихий иморатлар жойлашган туманларни» деган сўзлар «маданий мерос объектлари жойлашган туманларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **116-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аэродром худудида аэродромларни таниб олиш учун қабул қилинган маркировка белгиларига ва қурилмаларга ўхшаш бирор-бир белги ва қурилма ўрнатиш ёки аэродром худудида парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни белгиланган тартибда келишилмаган ҳолда амалга ошириш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бинолар ва иншоотларда тунги ва кундузги маркировка белгиларини ёки қурилмаларини ўрнатиш қоидаларини бажармаганлик, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Аэродром ускуналарини, аэродром белгиларини, ҳаво кемаларини ва уларнинг ускуналарини шикастлантириш, —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсати бўлмайд туриб аэропортлар (аэровокзаллардан ташқари), аэродромлар, учирни радио ва ёруғлик билан таъминлаб турувчи объектлар ҳудудида пиёда ёки транспортда юриш, —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Алкоголли ичимлик, гиёҳвандлик моддаси таъсирида ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахс томонидан ҳаво кемасини бошқариш, худди шунингдек бундай ҳолатда бўлган экипаж аъзоларининг ҳаво кемасини бошқаришига ижозат бериш ёхуд ҳаво кемасини бошқарувчи шахснинг алкоголли ичимлик, гиёҳвандлик моддаси таъсиридаги ёки ўзгача тарздаги мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибга мувофиқ текширувдан ўтишдан бўйин товлаши, —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бахтсиз авиация ҳодисаси деб топилган ҳодисани, у ҳақидаги маълумотларни қасддан яшириш, худди шунингдек ушбу ҳодиса тўғрисидаги ахборотни қасддан бузиб кўрсатиш, бортдаги ва ердаги объектив назорат воситаларининг маълумотларига ҳамда бахтсиз авиация ҳодисаси билан боғлиқ бошқа далилий материалларга қасддан шикаст етказиш ёки уларни қасддан йўқ қилиб юбориш, —

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

8) қуйидаги мазмундаги **116<sup>3</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«116<sup>3</sup>-модда. Авиация хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни бузиш**

Авиация хавфсизлиги бўйича текширувдан ўтмаган шахсларни, қўл юқини ёки багажни, юкни, почтани, борт захираларини ёхуд ҳаво кемаларида ташиш тақиқланган моддаларни ёки предметларни ҳаво кемаси бортига етказиб бериш ёки етказиб беришга кўмаклашиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

9) **117-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «кема коман-

дири» деган сўзлар «ҳаво кемаси командирининг ёки ҳаво кемаси командири номидан экипаж аъзосининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «76-моддасида» деган сўзлар «70<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 76-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **251-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ушбу Кодекснинг 116, 116<sup>3</sup>-моддаларида, 117-моддасининг биринчи қисмида ва 142-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқли бўлган ҳаво транспорти органидир, Миллий авиакомпания эса ушбу Кодекснинг 53-моддасида, 117-моддасининг иккинчи қисмида, 121-моддасининг биринчи қисмида, 122-моддасининг иккинчи қисмида, 124-моддасида, 144-моддасининг учинчи қисмида, 145-моддасининг биринчи қисмида, 146-моддасида (ҳаво транспортидаги ҳуқуқбузарликлар қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқли бўлган ҳаво транспорти органидир.

Қуйидагилар ҳаво транспорти органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазоларни қўллашга ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошқармаларининг ва бўлимларининг бошлиқлари;

Миллий авиакомпаниянинг бош директори ва унинг ўринбосарлари, авиакомпания Учиш мажмуасининг директори ва унинг ўринбосари, аэропорт (авиакорхона) директори, авиакомпания бош инспектори, авиакомпаниянинг тиббий-санитария хизмати бошлиғи»;

12) **261-модда:**

**биринчи қисми** «70-моддасида» деган сўзлардан кейин «70<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисмининг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваригача» деган сўзлар «фуқароларга энг кам иш ҳақининг юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз эллик бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «фуқароларга энг кам иш ҳақининг етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваригача» деган сўзлар «фуқароларга энг кам иш ҳақининг етмиш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваригача» деган сўзлар «фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етмиш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **287-модданинг:**

**1-бандидаги** «61<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 90, 91, 92, 94, 113, 114, 115, 116, 116<sup>1</sup>, 116<sup>2</sup>, 117-моддаларида» деган сўзлар «61<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 70<sup>1</sup>, 90, 91, 92, 94, 113, 114, 115, 116, 116<sup>1</sup>, 116<sup>2</sup>, 116<sup>3</sup>, 117-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**5-бандидаги** «77» рақами «70<sup>1</sup>, 77» рақамлари билан алмаштирилсин;

**14) 291-модда биринчи қисмининг «в» кичик банди** «60» рақамидан кейин «70<sup>1</sup>» рақами билан тўлдирилсин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Ер ости бойликлари тўғрисида**»ги 2018–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган 444–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда, № 12/2, 362-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «илмий, тарихий, маданий, эстетик ва ўзга аҳамиятга молик бошқа ер ости бўшлиқлари» деган сўзлар «тарихий, илмий, бадиий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган бошқа ер ости бўшлиқлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **43-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«43-модда. Тарихий, илмий, бадиий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган ер қаъри участкаларини муҳофаза қилиш**

Тарихий, илмий, бадиий ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган ноёб табиий ёки сунъий геологик жинслар, минералогик ҳосилалар, палеонтологик объектлар ҳамда ер қаъри участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муҳофаза этиладиган геологик объектлар деб эълон қилиниши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланилаётганда ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган объектлар топилиб қолса, ер қаъридан фойдаланувчилар ер қаърининг тегишли участкасидаги ишларни тўхтатиб туриши ҳамда бу ҳақда лицензия берган органни ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини хабардор қилиши шарт».

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9,

312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **78-моддасининг иккинчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«муқаддам судланган шахсларни ишга қабул қилмаслик, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно, ёхуд шахсларни уларнинг яқин қариндошлари судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилмаслик»;

**бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-модданинг тўртинчи қисмидаги** «маданий бойликларни» деган сўзлар «маданий мерос объектларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **190-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«190-модда. Моддий маданий мерос объектларини хўжасизларча сақлаш**

Агар мулкдор ўзига қарашли моддий маданий мерос объектига хўжасизларча муносабатда бўлса ва унинг бут сақланишини таъминламаса, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳадаги давлат бошқарувини амалга оширувчи тегишли органлар мулкдорни моддий маданий мерос объектига хўжасизларча муносабатда бўлишни тўхтатиш ҳақида огоҳлантиради. Агар мулкдор ушбу талабни бажармаса, тегишли органларнинг даъвосига кўра суд моддий маданий мерос объектини олиб



қўйиш ҳақида қарор чиқариши мумкин ва ушбу моддий маданий мерос объекти давлат мулкига ўтади. Олиб қўйилган моддий маданий мерос объектининг қиймати мулкдорга келишувда белгиланган миқдорда, низо чикқан тақдирда эса суд томонидан белгиланган миқдорда тўланади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда моддий маданий мерос объектини олиб қўйиш ҳақидаги даъво олдиндан огоҳлантирмасдан ҳам қўзғатилиши мумкин»;

3) **196-модданинг учинчи қисмидаги** «Тарих ва маданият ёдгорликлари» деган сўзлар «Моддий маданий мерос объектлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **198-модданинг иккинчи қисмидаги** «тарихий ёки маданий бойлик бўлган» деган сўзлар «тарихий, илмий, бадий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **214-модданинг биринчи қисмидаги** «маданий ва тарихий бойликлар» деган сўзлар «моддий маданий мерос объектлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **280-модда тўртинчи қисмининг 2-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«2) гаров нарсаси тарихий, илмий, бадий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга мол-мулк бўлса».

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида**»ги 172–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 262-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **30-моддасининг учинчи қисмидаги** «тегишли вазирликлар ва идораларнинг архивларида» деган сўзлар «тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг идоравий архивларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**19-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **30-моддасининг матнидаги** «ўз архивларида» деган сўзлар «ўз идоравий архивларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида**»ги 220–I-сонли Қону-

ни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 58-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2009 йил, № 9, 338-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) **24-моддаси иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «тарихий-маданий бойликларнинг» деган сўзлар «моддий маданий мерос объектларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**21-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **66-модданинг тўртинчи қисмидаги** «архивига» деган сўз «идоравий архивига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **72-модданинг иккинчи қисмидаги** «архивига» деган сўз «идоравий архивига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**22-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги 337–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637, 640-моддалар; 2014 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **14-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари уларда тегишли сиёсий партиядан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига сайланган камида уч нафар депутат бирлашган тақдирда тузилади»;

2) **141-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Партия гуруҳлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибини шакллантиришда иштирок этиш;

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар юзасидан таклифлар киритиш;

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибидоги ҳар бир масала бўйича музокараларда партия гуруҳи вакилига сўз берилишини кафолатлаш;

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг раисларига, вазирларига ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бошқармалари, бўлимлари ва бошқа бўлинмаларининг раҳбарларига, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш;

худудларни ривожлантириш дастурларининг лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш тўғрисида, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини кўриб чиқиш ҳақида таклифлар киритиш. Бунда қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади;

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

туман (шаҳар) ҳокимининг, шунингдек тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимига хулоса тақдим этиш»;

3) қуйидаги мазмундаги **142-модда** билан тўлдирилсин:

**«142-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг вакили**

Сиёсий партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати билан келишилган ҳолда партиянинг тегишли сайлов округидаги ҳудудий бўлими ходимлари орасидан жамоатчилик асосида ишловчи вакил ажратиб берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг вакили:

депутатнинг сайлов округидаги ўз сайловчилари билан доимий алоқа ўрнатишига кўмаклашади;

сайлов округида жисмоний ва юридик шахсларнинг депутат номига келиб тушган мурожаатларини рўйхатдан ўтказиши ва бу ҳақда депутатни хабардор қилади;

депутат томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишга, шунингдек депутатнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;

депутатнинг топшириғига кўра сайлов округи ҳудудида депутатнинг ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ишларни ташкил этади;

депутатнинг ўз ваколатларини амалга оширишга доир бошқа топшириқларини бажаради».

**23-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг бешинчи қисмидаги** «нотариал архивнинг» деган сўзлар «нотариал архив ҳужжатларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **10-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидаги** «ўз нотариал архивини», «нотариал архивларга», «нотариал архивлар томонидан» ва «нотариал архивлар» деган сўзлар тегишинча «ўз нотариал архив ишини», «идоравий нотариал архивларга», «идоравий нотариал архивлар томонидан» ва «идоравий нотариал архивлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**24-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «**Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 402–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 110-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1, 2, 3 ва 4-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Журналист**

Журналист меҳнатга оид ёки бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари учун хабарлар ва материалларни тўплаш, таҳлил этиш, тахрир қилиш, тайёрлаш ҳамда тарқатишга доир фаолиятни амалга оширувчи шахсдир.

**4-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги**

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларининг цензура қилинишига йўл қўйилмайди.

Ҳеч ким журналистан эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинини, шунингдек уларнинг матни ўзгартирилишини ёхуд уларнинг нашрдан бутунлай олиб ташланишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас»;

**2) 5-модданинг биринчи қисми:**

**иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ахборотни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ва тарқатиш»;

**тўртинчи хатбошисидаги** «давлат сирини» деган сўзлар «давлат сирларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ва оммавий тадбирларида ҳозир бўлиш»;

**еттинчи — ўн бешинчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи — ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**3) 6-модданинг биринчи қисми:**

қўйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«журналистика соҳасининг сирини ошкор этмаслиги;

журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши»;

**бешинчи хатбошиси еттинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**4) 7-модданинг биринчи қисми** «томонидан» деган сўздан кейин «ўз номини ошкор этмаслик шартин билан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**5) қўйидаги мазмундаги 7<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«7<sup>1</sup>-модда. Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари**

Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари журналистнинг шахсига ва ўз касбига доир вазифаларни бажариш чоғида унинг ҳуқ-атворида қўйиладиган талабларни белгиловчи қоидалар мажмуидан иборатдир.

Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари журналистларнинг ва оммавий ахборот воситаларининг бирлашмалари томонидан белгиланади»;

**6) 11-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«11-модда. Журналистни аккредитация қилиш**

Журналист давлат органи, жамоат бирлашмаси ва ташкилот ҳузурида аккредитация қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг журналисти хорижий давлатда аккредитация қилиниши мумкин.

Чет эл журналисти Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилиниши мумкин.

Аккредитация қилинган журналист:

бўлиб ўтадиган очиқ хайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисида олдиндан ахборот олиш;

аккредитация қилувчи органнинг биноларига (хоналарига) ва бошқа объектларига аккредитация қилувчи орган томонидан белгиланган тартибда кириш;

очиқ хайъат мажлисларида ва бошқа оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;

аккредитация қилувчи органнинг масъул шахсларидан зарур ҳужжатлар ва материалларни сўраш ҳамда олиш, оммавий тадбирларнинг ёзувлари билан танишиш ҳамда улардан кўчирма нусхалар олиш;

олинган ёзувлардан оммавий ахборот воситалари материалларини тайёрлашда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Аккредитация қилинган журналист қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин»;

7) **15-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Журналист оммавий ахборот воситаларида ҳақиқатга мос келмайдиган материалларни тарқатганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлмайди:

агар бу маълумотлар расмий хабарлардан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ёки расмий статистика ҳисоботлари маълумотларидан ёхуд ахборот агентликлари ёки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг матбуот хизматлари орқали, шунингдек уларнинг расмий веб-сайтларидан олинган бўлса;

агар бу маълумотлар олдиндан ёзиб олинмасдан эфирга бериладиган муаллифлик чиқишларида мавжуд бўлса ёки чиқишларнинг сўзма-сўз такрорланиши (стенография, аудио-, видеоёзуви) бўлса»;

8) **16-модда** чиқариб ташлансин.

**25-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Геодезия ва картография тўғрисида**»ги 417–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 122-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 274-модда) **11-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат картография-геодезия фондининг белгиланган тартибда Миллий архив фонди таркибига киритилган материаллари (маълумотлари) қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланади.

Давлат картография-геодезия фондининг материалларини (маълумотларини) учинчи шахсларга беришга ва улардан нусхалар олишга ихтиёрида ана шу материаллар (маълумотлар) бўлган органларнинг рухсатисиз йўл қўйилмайди»;

**тўққизинчи қисм** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат картография-геодезия фондининг материалларидан (маълумот-

ларидан) фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланади».

**26-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Таълим тўғрисида**»ги 464–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 225-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **17-моддасининг иккинчи қисмидаги** «кутубхоналар» деган сўз «ахборот-кутубхона муассасалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**27-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Оммавий ахборот воситалари тўғрисида**»ги 541–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январда қабул қилинган ЎРҚ–78-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модданинг матнидаги** «ташқил этилиши, фаолият кўрсатиши ва фаолиятининг тугатилиши» деган сўзлар «фаолияти» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **4-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади), қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир»;

3) **5-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркиндир.

Ҳар ким, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига эгадир.

Давлат оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ахборотдан фойдаланиш эркинлигини, мулк ҳуқуқини, давлат органларининг ғайриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг ҳолислиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади»;

4) қуйидаги мазмундаги **5<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«5<sup>1</sup>-модда. Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

Давлат оммавий ахборот воситаларини қуйидаги йўллар билан қўллаб-қувватлаши мумкин:

солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш;

давлат субсидиялари, давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмалари тизими орқали молиявий қўллаб-қувватлаш;

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таҳририятлар ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамғармалари фаолиятини ташкил этиш;

таҳририятлар ходимларини тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга қўмаклашиш.

Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан оммавий ахборот воситаларининг мустақил касбий фаолиятини чеклаб қўйиш учун фойдаланилиши мумкин эмас»;

**5) 18-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Даврий босма нашрнинг электрон шаклида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

даврий нашрнинг номи;

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг санаси ва рақами;

муассиснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

бош муҳаррирнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

индекс, таҳририятнинг жойлашган ери (почта ва электрон манзили)»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**6) 19-модданинг учинчи қисмидаги** «бир ой» деган сўзлар «ўн беш кунлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7) 20-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказилган тақдирда веб-сайтнинг домен номи кўрсатилади, бунда ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотларни тақдим этиш талаб қилинмайди»;

**тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**8) 22-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оммавий ахборот воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган тақдирда, қарор чиқарилгандан кейин бир кун ичида аризачига ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда билдириш юборилади (топширилади), унда рад этиш сабаблари, шунингдек аризачи



кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, хужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилади»;

9) **24-модданинг учинчи қисмидаги** «уч кун ичида ёзма шаклда» деган сўзлар «уч кун ичида ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **27-модда:**

қуйидаги мазмундаги **биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ахборот ташувчи жисмларга ёзилган, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштирилган, электрон техник қурилмалар ёрдамида фойдаланишга мўлжалланган газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқа даврий босма нашрлар даврий босма нашрнинг электрон шаклидир»;

**биринчи — тўртинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи — бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

11) қуйидаги мазмундаги **27<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«27<sup>1</sup>-модда. Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт тарзидаги оммавий ахборот воситаси**

Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт тарзидаги оммавий ахборот воситаси Интернет тармоғидаги таҳририй-ноширлик жиҳатидан ишлов берилган, ўзгартирилмаган тарзда тарқатиш учун мўлжалланган, электрон шаклдаги хужжатлар ва маълумотларни ўз ичига олган ахборот ресурси-дир.

Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт тарзидаги оммавий ахборот воситасининг мазкур веб-сайти бош саҳифасида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

даврий нашрнинг номи;

давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва гувоҳнома рақами;

муассиснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

бош муҳаррирнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

индекс, таҳририятнинг жойлашган ери (почта ва электрон манзили);»;

12) **31-модданинг иккинчи қисмидаги** «оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) **5-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«5-боб. Оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан муносабатлари»;**

14) қуйидаги мазмундаги **35<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«35<sup>1</sup>-модда. Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўрови**

Оммавий ахборот воситаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров билан уларга оғзаки

ёки ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кун муддатда кўриб чиқилади.

Агар оммавий ахборот воситасининг сўровини кўриб чиқиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари жумласига кирмаса, сўров сўралаётган ахборотни тақдим этиш ўзининг ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида юборилади, оммавий ахборот воситаси эса бу ҳақда хабардор қилинади.

Сўров рад этилган тақдирда, оммавий ахборот воситасига асослангилган жавоб юборилади»;

15) **40-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** «матбуот хизматлари» деган сўзлардан кейин «шунингдек уларнинг расмий веб-сайтлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**28-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида**»ги 545–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 9 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–408-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 273-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **36-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «рекреация мақсадига ва тарихий-маданий мақсадга мўлжалланган ерлар» деган сўзлар «рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**29-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **53-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин.

**30-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Фермер хўжалиги тўғрисида**»ги 602–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил,

№ 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

Фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъектидир.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш, саноат ишлаб чиқариши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи фермер хўжалигидир.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестри Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан юритилади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

2) **5-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва захира ерларда ташкил этилади.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни (наслдор чорвачилик фермер хўжаликлари учун 0,5 гектарни), бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда тегишинча, камида 0,45 гектарни (наслдор чорвачилик фермер хўжаликлари учун 0,6 гектарни), суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Дехқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 30 гектарни, ғаллачилик ва сабзавотчилик учун камида 10 гектарни ташкил этади. Ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ҳамда кўпи билан 5 гектарни ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) қонун ҳужжатларида белгиланган норматив ҳосилдорликдан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустақкамлаб қўйилади»;

## 3) 7-модда:

**номининг ўзбекча матнидаги «рўйхатига олиш»** деган сўзлар «**рўйхатидан ўтказиш»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ташкил этилган деб ҳисобланади ҳамда унинг муассиси ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида шартнома тузади. Фермер хўжалиги банк муассасасида ҳисоб-китоб варағи ва бошқа хил ҳисобварақлар очишга, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақли»;

## 4) 10-модда:

**биринчи қисмининг тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

## 5) 11-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари очиқ танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланади.

Захира ерлардан ёки юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари ўтказилган танлов якунларига кўра ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳулосасига биноан халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори асосида қабул қилинган туман ҳокимининг қарори бўйича берилади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси фермер хўжалигининг бошлиғи ва туман ҳокими томонидан имзоланади.

Туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга шикоят қилиниши мумкин.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари олган ва қишлоқ аҳоли пунктида тураржойи бўлган шахсларнинг томорқа ер участкаси сақланиб қолади.

Фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгилаш ҳамда ер тузиш лойиҳаларига мувофиқ фермер хўжалигига ер участкасини ижарага бериш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ер тузиш хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади»;

## 6) 12-модда чиқариб ташлансин;

## 7) 13-модданинг еттинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги бошлиғи пенсия ёшига тўлганда ёки меҳнат қобилиятини йўқотганда, шунингдек муддатли ҳарбий хизматга чақирилган, олий таълим муассасаларига кундузги ўқишга қабул қилинган, сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ўзининг туман ҳокими номига берилган аризасига кўра ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисми талабларига жавоб берадиган ўз оила аъзоларидан бирига қонун ҳужжатларига мувофиқ ижара шартномаси амал қиладиган муддатга бериши мумкин»;

8) **16-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **ўн бешинчи** ва **ўн олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни, фан ва техника ютуқларини жорий этиш;

фан-таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш»;

**ўн бешинчи хатбошиси ўн еттинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

9) **17-модданинг биринчи қисми:**

**ўн иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини, ўз ходимлари, шу жумладан фермер хўжалигида меҳнат қиладиган оила аъзолари, вақтинча (мавсумий) ёлланадиган фуқаролар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаши»;

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ижарага олиш шартномаси бекор қилинган тақдирда ер участкасининг дастлаб берилган пайтдаги ўлчамларини камайтирмаган ва бошқа шаклда зарар етказмаган ҳолда ер участкасини ижарага берувчига қайтариши»;

**ўн учинчи, ўн тўртинчи** ва **ўн бешинчи хатбошилари** тегишинча **ўн тўртинчи, ўн бешинчи** ва **ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

10) **31-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кўп тармоқли фермер хўжалигининг ер участкалари захира ерларга олиб қўйилганда кўп тармоқли фермер хўжалиги ўз раҳбари томонидан унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш орқали қайта ташкил этилиши мумкин».

**31-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **204-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарлари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг идоровий архивларида етмиш беш йил сақланади. Ушбу муддат ўтгач, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарлари белгиланган тартибда давлат архивларига топширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг идоровий архивлари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек улардаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарларини сақлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади».

**32-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида**»ги 613–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 95-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) **5-моддасининг ўттиз биринчи хатбошисидаги** «архивга» деган сўз «идоровий архивларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**33-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «**Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида**»ги 678–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 178-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 309-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«музейларда, ахборот-кутубхона муассасаларида, архивларда, идоровий архивларда, кино-, фото-, фонотекаларда, суратлар галереяларида ва бошқа сақлаш жойларида тўпланган маданий бойликлар»;

2) **8-модданинг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«музейлар, ахборот-кутубхона муассасалари, архивлар, идоровий архивлар ва бошқа сақлаш жойларида доимий сақланаётган маданий бойликлар»;

3) **11-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Музейлар, ахборот-кутубхона муассасалари, архивлар, идоровий архивлар ва бошқа сақлаш жойлари томонидан маданий бойликларни вақтинча олиб чиқиш тўғрисида сертификат олиш учун ариза берилиб, унга қуйидагилар илова қилинади»;

4) **12-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

5) **16-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқа мамлакатлардан қонунга хилоф равишда олиб чиқилган, ўғирланган ёки қонунга хилоф равишда қўлга киритилган маданий бойликларни қўлга киритишнинг олдини олиш мақсадида музейлар, ахборот-кутубхона муассасалари, архивлар, идоровий архивлар ва бошқа сақлаш жойлари уларнинг келиб чиқиши тўғрисида зарур ахборотга эга бўлиши шарт»;

6) **17-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маданий бойликларни кимошди савдосига (аукционга) қўйиш Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан келишувга кўра амалга оширилади. Маданий бойликларни реализация қилишда иштирок этувчи юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг рухсатномасини олиши шарт».

**34-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Реклама тўғрисида**»ги 723–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда; 2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 186-модда; 2010 йил, № 9, 339-модда, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **20-моддасининг олтинчи қисмидаги** «маданий мерос объектларида» деган сўзлар «моддий маданий мерос объектларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**35-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида**»ги 820–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 217-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **13-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «хайвонот ва ўсимлик оламидан тайёрланган» деган сўзлар «келиб чиқиши хайвонотга ва ўсимликка мансуб бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **14-моддадаги** «ва хайвонот оламидан» деган сўзлар «ўсимлик ва хайвонот дунёсидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **22-модданинг биринчи қисмидаги** «ўрмон» деган сўз «ўсимлик ва хайвонот дунёси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**36-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Туризм тўғрисида**»ги 830–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 227-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **3-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «тарихий ёдгорликлар,

диққатга сазовор жойлар» деган сўзлар «маданий мерос объектлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **17-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «тарихий-архитектура ёдгорликлари» деган сўзлар «маданий мерос объектлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**37-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги 160–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–342-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 5-модданинг бешинчи хатбошиси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари»;

2) **6-модданинг учинчи қисмидаги** «фармонлари, қарорлари ва фармойишлари» деган сўзлар «фармонлари ва қарорлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«10-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар ва қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади»;

4) **26-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «фармони, қарори ва фармойиши» деган сўзлар «фармони ва қарори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **29-модданинг биринчи қисмидаги** «фармонлари, қарорлари ва фармойишлари» деган сўзлар «фармонлари ва қарорлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **38-модданинг биринчи қисмидаги** «фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг» деган сўзлар «фармонлари ва қарорларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**38-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Давлат кадастрлари тўғрисида**»ги 171–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 19-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг биринчи қисми:**



**еттинчи хатбошисидаги** «хайвонот дунёси» деган сўзлар «хайвонот дунёси объектлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастри»;

2) **12-модданинг бешинчи қисмидаги** «давлат бюджети» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**39-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «**Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида**»ги 269–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 180-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 309-модда; 2009 йил, № 10, 381-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда ) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **10-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерларда ҳамда уларга туташ ҳудудларда ер қазиш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик ишлари ва бошқа ишларни, моддий маданий мерос объектларини асраш бўйича ишларни амалга ошириш, шунингдек моддий маданий мерос объектларида илмий ва илмий-техник тадқиқотлар ўтказиш учун рухсатномалар бериш»;

2) **24-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерларда ҳамда уларга туташ ҳудудларда ер қазиш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик ишлари ва бошқа ишларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг рухсатномасини олиш»;

**учинчи ва тўртинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи ва бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**40-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «**Чиқиндилар тўғрисида**»ги 362–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 72-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **22-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда» деган сўзлар «рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**41-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида**»ги 436–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда, № 12, 630-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда:**

**номи «мажбурият»** деган сўздан кейин «**ва Ҳарбий қасамёд**» деган сўзлар билан тўлдирилсин:

**олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматга биринчи марта чақирилган ёки ихтиёрий равишда (контракт бўйича) кирган фуқаролар ҳарбий қисмнинг жанговар байроғи олдида қуйидаги мазмунда Ҳарбий қасамёд қабул қиладилар:

«Мен, (фамилияси, исми, отасининг исми), Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кирар эканман, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга, халқимга, Президентимга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қиламан.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга, ҳарбий низомларни, командирлар ва бошликларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қиламан.

Сўнги нафасим қолгунча ўз Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққати ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат сирини ва ҳарбий сирни сақлашга аждодларим руҳи олдида қасамёд қиламан.

Жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истиқболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг муносиб ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан.

Агар мен ушбу тантанали қасамёдимни бузсам, қонунларда белгиланган энг оғир жазога ва халқимнинг нафратига мубтало бўлай;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми билан белгиланади»;

**саккизинчи қисми тўққизинчи қисм** деб ҳисоблансин;

2) **26-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегараси:

контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскарлар (матрослар), сержантлар (старшиналар) ва кичик офицерлар учун — қирқ беш ёш;

катта офицерлар учун — эллик ёш, полковниклар (I даражадаги капитанлар) учун — эллик беш ёш;

генерал-майор, генерал-лейтенант ва генерал-полковник ҳарбий унвонидаги офицерлар учун — олтмиш ёш этиб белгиланади»;

3) **30-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Резервдаги ҳарбий хизматга мажбурлар ёшига қараб икки даражага бўлинади.

Таркиб	Чегара ёши	
	1-даража	2-даража
Оддий аскарлар ва сержантлар	35 ёшгача	45 ёшгача
Кичик офицерлар	40 ёшгача	50 ёшгача
Катта офицерлар	50 ёшгача	55 ёшгача
Генераллар	55 ёшгача	60 ёшгача

».

**42-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида**»ги 439–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 2-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «кутубхоналардаги, архивлардаги» деган сўзлар «ахборот-кутубхона муассасаларидаги, архивлардаги, идоравий архивлардаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **6-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «кутубхоналарнинг, архивларнинг» деган сўзлар «ахборот-кутубхона муассасаларининг, архивларнинг, идоравий архивларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**43-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида**»ги 478–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 65-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Биринчи тоифали резерв сафи ҳарбий хизматни чақирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар лавозимларида ўтаган — ўттиз беш ёшгача бўлган, кичик офицерлар лавозимларида ўтаган — қирқ ёшгача бўлган, катта офицерлар лавозимларида ўтаган — эллик ёшгача бўлган, генераллар таркиби лавозимларида ўтаган — эллик беш ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар орасидан тўлдирилади»;

2) **7-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иккинчи тоифали резерв сафи ҳарбий хизматни чақирув, контракт бўйича ёки сафарбарлик чақируви резервида оддий аскарлар, сержантлар лавозимларида ўтаган — қирқ беш ёшгача бўлган, кичик офицерлар лавозимларида ўтаган — эллик ёшгача бўлган, катта офицерлар лавозимларида ўтаган — эллик беш ёшгача бўлган, генераллар таркиби лавозимларида

ўтаган — олтмиш ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар орасидан тўлдирилади»;

3) **12-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари Бирлашган штабининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари Бош штабининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **14-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари Бирлашган штаби» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари Бош штаби» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**44-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **331-модданинг учинчи қисмидаги** «Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида» деган сўзлар «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **34-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Қонунчилик палатаси бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиши, бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар ташкил этиши, расмий парламент делегациялари алмашиши, шунингдек халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбирлар ўтказиши мумкин»;

3) қуйидаги мазмундаги **34<sup>1</sup>** ва **34<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«34<sup>1</sup>-модда. Ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар**

Бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан ташкил этилади, унинг таркиби Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарори билан тасдиқланади.

Қонунчилик палатаси ва Сенат биргаликда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлар-

аро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар ташкил этиши мумкин, уларнинг таркиби Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенат Кенгашининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар фаолиятининг тартиби Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенат Кенгашининг қўшма қарори билан белгиланади.

### **34<sup>2</sup>-модда. Расмий парламент делегациялари**

Бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш учун Қонунчилик палатаси депутатлари расмий парламент делегациялари таркибида хорижий мамлакатларга юборилиши мумкин.

Расмий парламент делегацияларини хорижий мамлакатларга юбориш масаласи белгиланган тартибга мувофиқ Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг расмий парламент делегациялари хорижий сафар якунлари бўйича Қонунчилик палатаси Кенгашига ахборот тақдим этади».

**45-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **33-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сенат бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиши, бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар ташкил этиши, расмий парламент делегациялари алмашиши, шунингдек халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбирлар ўтказиши мумкин»;

2) қуйидаги мазмундаги **33<sup>1</sup>** ва **33<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«33<sup>1</sup>-модда. Ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар**

Бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар Сенат аъзолари орасидан

ташкил этилади, унинг таркиби Сенат Кенгашининг қарори билан тасдиқланади.

Сенат ва Қонунчилик палатаси биргаликда Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар ташкил этиши мумкин, уларнинг таркиби Сенат Кенгаши ва Қонунчилик палатаси Кенгашининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар фаолиятининг тартиби Сенат Кенгаши ва Қонунчилик палатаси Кенгашининг қўшма қарори билан белгиланади.

### **33<sup>2</sup>-модда. Расмий парламент делегациялари**

Бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш учун Сенат аъзолари расмий парламент делегациялари таркибида хорижий мамлакатларга юборилиши мумкин.

Расмий парламент делегацияларини хорижий мамлакатларга юбориш масаласи белгиланган тартибга мувофиқ Сенат Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг расмий парламент делегациялари хорижий сафар яқунлари бўйича Сенат Кенгашига ахборот тақдим этади».

**46-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «**Электрон рақамли имзо тўғрисида**»ги 562–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **17-моддаси учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «архивда сақлаш режимига» деган сўзлар «сақлашнинг архив режимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**47-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган «**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида**»ги 609–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–351-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 97-модда) **13-моддаси биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги** «архивга» деган сўз «архивга ёки идоравий архивга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**48-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида**»ги 706–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 10-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

**1) 5-модданинг иккинчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тегишли ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга»;

**ўн биринчи — ўн бешинчи хатбошилари** тегишинча **ўн иккинчи — ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**2) 7-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «фуқароларни» деган сўз «жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «икки» деган сўз «тўрт» деган сўз билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган, шунингдек уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган орган (сиёсий партия) олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкин».

**49-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида**»ги 708–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

**1) 1-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«депутатнинг уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган орган (сиёсий партия) олдидаги мажбуриятларини бажармаганлиги»;

**2) 2-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Депутатни, сенаторни чақириб олиш масаласини кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилган сўрови, шунингдек уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган органнинг (сиёсий партиянинг) таклифи асос бўлиши мумкин».

**50-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлда қабул қилинган «**Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–42-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 372-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**1) 26-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган асарларнинг нусхаларини ахборот-кутубхона муассасалари томонидан вақтинчалик фойдаланишга муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўлама-

ган ҳолда беришга йўл қўйилади. Бунда муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган, рақамли шаклда ифодаланган асарларнинг нусхалари, шу жумладан ахборот-кутубхона муассасаларининг ресурсларидан ўзаро фойдаланиш тартибда бериладиган асарларнинг нусхалари бу асарларнинг рақамли шаклдаги кўчирма нусхаларини яратиш имкониятини истисно этиш шарти билан фақат ахборот-кутубхона муассасаларининг биноларида вақтинчалик фойдаланишга берилиши мумкин»;

2) **27-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Даромад олишни кўзламаган ҳолда, муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбаини албатта кўрсатган тарзда:

ахборот-кутубхона муассасалари, архивлар ва идоравий архивлар томонидан — асарнинг йўқолган ёки ярқисиз бўлиб қолган нусхаларини тиклаш, алмаштириш учун, шунингдек ўз фондларидан бу асарларни бирон сабаб билан йўқотган бошқа ахборот-кутубхона муассасаларига, архивларга ва идоравий архивларга асарларнинг нусхаларини бериш учун чоп этилган асарни;

ахборот-кутубхона муассасалари, архивлар ва идоравий архивлар томонидан фуқароларнинг ўқув ва тадқиқот мақсадларидаги сўровлари бўйича, шунингдек таълим муассасалари томонидан аудитория машғулотлари учун тўпламларда, газеталар ва бошқа даврий нашрларда чоп этилган айрим мақолалар ва кичик ҳажмли асарларни, чоп этилган ёзма асарлардан (суратли ёки суратсиз) қисқа парчаларни бир нусхада репрографик такрорлашга йўл қўйилади»;

3) **31-модданинг матнидаги** «давлат архивларида» деган сўзлар «архивларда ва идоравий архивларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **53-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат архивларида» деган сўзлар «архивларда ва идоравий архивларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**51-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган «**Ипотека тўғрисида**»ги ЎРҚ–58-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) куйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **9-модданинг иккинчи қисми** «Тарихий» деган сўздан кейин «илмий» деган сўз билан тўлдирилсин;

2) **17-модданинг тўртинчи қисмидаги** «архивида» деган сўз «идоравий архивида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **37-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошиси** «тарихий» деган сўздан кейин «илмий» деган сўз билан тўлдирилсин.

**52-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул



килинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 144-модда иккинчи қисмининг:**

**3** ва **4-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) ахборот-кутубхона фонди;

4) музей ашёлари»;

**6-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) моддий маданий мерос объектлари»;

**2) 158-модда иккинчи қисмининг 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) моддий маданий мерос объектларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси»;

**3) 275-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

«8) энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар — муқобил энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил муддатга. Энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган ҳолда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида энергия таъминоти ташкилотлари томонидан берилган маълумотнома мазкур имтиёзни бериш учун асос бўлади»;

**4) 282-модда иккинчи қисмининг 5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (хўжалик фаолияти юригилаётган ерлар бундан мустасно) — тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган моддий маданий мерос объектлари, хотира боғлари эгаллаган ерлар»;

**5) 290-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

«8) энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар — муқобил энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил муддатга. Энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйил-

ган ҳолда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида энергия таъминоти ташкилотлари томонидан берилган маълумотнома мазкур имтиёзни бериш учун асос бўлади»;

6) **308-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинган жисмоний шахслар томонидан бу ишларни бажарганлик учун олинадиган даромадларга»;

7) **329-модданинг 16-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16) давлат органлари — ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли бўлган, тарихий, илмий, бадий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган мол-мулкни жисмоний шахслар бу мол-мулкка хўжасизларча муносабатда бўлган ҳолларда жисмоний шахслардан давлат мулкига олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан»;

8) **338-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«338-модда. Нотариал ҳаракатлар бажарилганлиги учун давлат божи ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Нотариал ҳаракатлар давлат нотариал идоралари томонидан бажарилганлиги учун давлат божи нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда ундирилади, нотариал идоралардаги ишларда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг дубликати, ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун эса улар берилаётганда ундирилади.

Давлат божи тўлашдан бир тараф озод этиладиган битимлар бўйича давлат божини бошқа тараф тўлиқ тўлайди.

Давлат нотариал идораси депозитига қабул қилиш учун пул суммалари почта орқали ёки банкдан келиб тушган ҳолларда давлат божининг тегишли суммалари келиб тушган пулдан ушлаб қолинади, уларнинг қолдиғи эса депозитга қабул қилинади. Ушлаб қолинган давлат божи суммалари давлат нотариал идораси депозит суммаларини банкка навбатдаги топшириш чоғида бюджетга ўтказилиб, банк қвитанцияси нотариал идора ишларида сақланади.

Давлат нотариал идораси биносидан ташқарида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар учун давлат божи икки баравар миқдорда ундирилади, бундан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биноларида нотариусларнинг сайёр қабуллари чоғида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги ёки қамокда сақланаётган шахсларнинг ишончномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш мустасно.

Бир нечта меросхўр (шу жумладан қонун бўйича, васиятнома бўйича ва меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга меросхўрлар) бўлган ҳолларда давлат божи ҳар бир меросхўрга тегишли мерос улушидан ҳисоблаб чиқарилади.

Вояга етмаган меросхўрлар (шу жумладан, мерос қолдирувчиларнинг болалари бўлмаган меросхўрлар) мавжуд бўлган тақдирда давлат божи фа-

кат вояга етган меросхўрлардан уларнинг меросдаги улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Агар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома меросхўрларнинг аризаси бўйича мерос мол-мулкнинг бир қисмига берилаётган бўлса, давлат божи мол-мулкнинг берилаётган гувоҳномада кўрсатилган қисми учун белгиланган ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Кейинчалик мол-мулкнинг қолган қисмига гувоҳнома берилганида давлат божи мол-мулкнинг умумий қийматидан ҳисоблаб чиқарилади, тўлашга эса ҳисоблаб чиқарилган сумма билан биринчи гувоҳнома берилганлиги учун тўланган сумма ўртасидаги фарқ тақдим этилади.

Қонун бўйича бир вақтнинг ўзида бошқа меросхўрлар мавжуд бўлган тақдирда, мерос мол-мулкнинг бир қисми меросхўрларга васиятнома бўйича ўтган ҳолларда давлат божи васиятнома бўйича мол-мулкнинг қисмидан алоҳида ҳисоблаб чиқарилади, қолган мол-мулкнинг қисмидан эса умумий тартибда ҳисоблаб чиқарилади.

Қонун бўйича ва васиятнома бўйича мерос қилиб олинаётган мол-мулкдан мероснинг мажбурий улуши ажратилган ҳолларда давлат божи қонунга биноан ворислик ҳуқуқи бўйича ўтаётган бутун мол-мулкнинг қисмидан, шу жумладан мажбурий улуш билан бирга ҳисоблаб чиқарилади.

Судларнинг илгари берилган гувоҳномалар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари асосида бериладиган меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги такрорий гувоҳномалар учун давлат божи умумий асосларда ундирилади. Бунда бирламчи гувоҳнома учун тўланган давлат божи суммаси қайтарилиши ёки солиқ тўловчининг аризасига кўра янги гувоҳнома берганлик учун бериладиган сумма ҳисобига, агар суммалар бюджетга ўтказилган кундан эътиборан фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган даъво муддати тугамаган бўлса, ўтказилиши лозим. Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган ҳар қандай шартнома такроран тасдиқланган тақдирда ҳам масала худди шундай тартибда ҳал қилинади.

Давлат нотариал идораси реестрида такрорий гувоҳномалар ва шартномаларни қайд қилишда тегишли катакчада давлат божи қачон ва қанча суммада ундирилганлиги ҳамда ундириш тўғрисидаги ёзув қаерда борлиги кўрсатилади. Бунда нотариал идора ишларида қоладиган асосий ҳужжатларга суднинг тегишли гувоҳномалар ва шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари илова қилиниши керак.

Кредит ташкилотлари томонидан бериладиган сертификатлар ва аккредитивларга доир меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Эр-хотиннинг биргаликда яшаганда олинган ва эр-хотиндан бирининг вафотидан кейин қолган мол-мулкка доир меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун давлат божи мерос бўйича ҳақиқатда ўтаётган мол-мулкнинг қисмидан ундирилади.

Давлат божи мутаносиб равишда ундириладиган нотариал ҳаракатлар бажарилганда уни ҳисоблаб чиқариш тарафлар кўрсатган суммадан ушбу моддада белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли уйлар, квартиралар, дала ховлилари, гаражлар, бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотларни бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи суммаси уларнинг умумий майдонидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги кўчмас мулкнинг алоҳида тоифаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат божини ҳисоблаб чиқаришнинг бошқача тартибини белгилаши мумкин.

Энг кам ва энг кўп сумма кўрсатилган шартномаларни тасдиқлашда давлат божи энг кўп суммадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади.

Айирбошлаш шартномалари бўйича давлат божи юқори бўлган мол-мулкдан ҳисоблаб чиқарилади.

Шартларига кўра тўловлар суммасида ижарага олувчи томонидан қуриладиган иморатлар ва бошқа иншоотлар, хоналарни жиҳозлаш қиймати, шунингдек ижарага олувчи томонидан амалга ошириладиган капитал таъмирлаш ва бошқа шу кабиларнинг қиймати ҳисобга олинadиган мулк ижараси шартномасини тасдиқлашда ҳисоблаб чиқариладиган ва ундириладиган давлат божининг суммаси амалга ошириладиган харажатларнинг қиймати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ижро ёзувлари бўйича ёзувни амалга оширганлик учун тегишли давлат божи суммаси ундирувчи уни тўлашдан озод қилинган тақдирда ёзув бўйича қарз ундирилаётганда қарздордан ундирилади»;

9) **356-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) туристик фаолият субъектлари учун — туристик хизматларни онлайн-бронлаштириш ва сотиш бўйича дастурий маҳсулотларни ҳамда ахборот тизимларини жорий этишга йўналтирилган маблағлар суммасига»;

10) **358-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кўп тармоқли фермер хўжаликлари — ягона ер солиғи тўловчилар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрига киритилган кундан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромад турлари бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан беш йил муддатга озод этилади».

**53-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–155-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 191-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 99-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда) **8-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«моддий маданий мерос объектларига, нодир ва бошқа ноёб буюмларга,

қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан ва металллардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли қоғозларга, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги».

**54-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 сентябрда қабул қилинган «**Музейлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–177-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 9, 483-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модда:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади»;

**бешинчи — саккизинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **15-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан қабул қилинади»;

3) **26-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «маданий мерос объектларини» деган сўзлар «моддий маданий мерос объектларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**55-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 13 октябрда қабул қилинган «**Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–229-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 10, 382-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модда биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«илмий ҳисоботларни йиғади ва уларнинг идоравий архивда сақланишини таъминлайди»;

2) **7-модда биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«илмий ҳисоботларни йиғади ва уларнинг идоравий архивда сақланишини таъминлайди».

**56-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июнда қабул қилинган «**Архив иши тўғрисида**»ги ЎРҚ–252-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 6, 233-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг еттинчи хатбошисидаги** «кутубхона» деган сўз «ахборот-кутубхона муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **4-модданинг иккинчи қисмидаги** «кутубхоналарига» деган сўз «ахборот-кутубхона муассасаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **23-модданинг:**

**учинчи қисмидаги** «кутубхоналарида» деган сўз «ахборот-кутубхона муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмидаги** «кутубхоналарга» деган сўз «ахборот-кутубхона муассасаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**57-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 апрелда қабул қилинган «**Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–280-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 96-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«миллий маданиятни тиклашга ва янада ривожлантиришга кўмаклашиш, маданий мерос объектларини сақлаш»;

2) **12-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ўзидаги ва ўзидан узоқдаги ахборот ресурсларидан фойдаланиш асосида маънавий бой ва баркамол шахсни ижодий ривожлантириш учун имконият яратган ҳолда, фойдаланувчиларни маданий мерос объектларидан баҳраманд этади».

**58-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда) **24-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини, инсон ҳаёти ва соғлигини сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, миллий ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар халқларининг маданий бойликларини, мулк ҳуқуқини, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни, олиб кирилаётган товарлар истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ айрим товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда ушбу ҳудуддан олиб чиқиш тақиқланиши мумкин».

**59-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул

қилинган «**Парламент назорати тўғрисида**»ги ЎРҚ–403-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) **10-моддасининг учинчи қисмидаги** «Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида» деган сўзлар «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**60-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрда қабул қилинган «**Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–443-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 507-модда) **14-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «фармонлари, қарорлари ва фармойишлари» деган сўзлар «фармонлари ва қарорлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**61-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;  
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**62-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 5-моддаси, 13-моддасининг 2, 6, 18, 20, 21-бандлари, 41, 43-моддалари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонуннинг 29, 30-моддалари, 52-моддасининг 6 ва 10-бандлари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 18 апрель,  
ЎРҚ–476-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **327 Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизими- ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри- сида\***

Мамлакатда қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш учун зарур иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бозор муносабатлари механизмларини жорий қилишда фермер хўжаликлари учун кўшимча шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоғининг жадал ривожланиши, ўз навбатида, сув ресурслари истеъмолининг ортиб боришига олиб келади, ушбу ҳолат юзага келаётган чақирув ва хатарларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўрилмаган тақдирда, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқаруви соҳасида узоқ вақт давомида ҳал этилмасдан келаётган тизимли муаммоларнинг мавжудлиги мазкур ҳолатни янада кучайтирмоқда, жумладан:

биринчидан, озиқ-овқат хавфсизлигини ваколатли органлар ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизми тарқоқ ҳолда режалаштириш ва таъминлаш қабул қилинаётган қарорлар ҳамда аниқ натижаларга эришиш учун жавобгарликнинг сусайишига олиб келмоқда;

иккинчидан, қишлоқ ва сув хўжалигида узоқ муддатли пухта сиёсатнинг шакллантирилмаганлиги сабабли мазкур соҳаларни янада ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари белгиланмаган;

учинчидан, юзага келаётган муаммолар бўйича тезкор қарорлар қабул қилишда ваколатли органларнинг самарали мувофиқлаштирувчи роли ва ташаббускорлиги мавжуд эмас;

тўртинчидан, масъул идоралар томонидан ҳаққоний ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва алмашиш механизмнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли ўзларига юклатилган вазифалар самарасиз амалга оширилмоқда;

бешинчидан, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда сув истеъмоли соҳаларида мустақил назорат мавжуд эмас, бунинг натижасида тармоқларни модернизация қилиш ва техник жиҳозлаш ишларига етарлича эътибор қаратилмаяпти, инновацион технологиялар ва ишланмаларни жорий қилиш даражаси пастлигича қолмоқда.

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 апрелда эълон қилинган.



Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳаларида ҳақиқий ҳолатни ва ривожланиш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш асосида уларни стратегик режалаштириш сиёсати бўйича таъсирчан ишларни йўлга қўйиш, мазкур йўналишлар бўйича бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5330-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида тармоқни комплекс модернизация қилишга, қишлоқ хўжалигида фан ва техника ютуқларини, ресурсларни тежайдиган замонавий ва интенсив агротехнологияларни, илғор тажрибаларни жорий қилишга йўналтирилган ягона сиёсатни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали иқтисодий тармоқлари экспорт салоҳиятини ошириш, бозор конъюнктураси юзасидан чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, хорижий инвестициялар ва беғараз техник қўмақ маблағларини (грантлар) жалб қилиш;

аҳолини йил давомида ва узлуксиз равишда барқарор нархларда таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантиришни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, давлат-хусусий шериклиги механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантиришни таъминлаш;

қишлоқ хўжалигини изчил ва барқарор ривожлантириш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ва даромадларини ошириш, ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарор даражасини сақлаб қолишга йўналтирилган комплекс мақсадли, тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш;

таълим, фан ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тизимли асосда узвий интеграциялашни, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг юқори малакали соҳа мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини

ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифа ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

худудларни ва иқтисодиёт тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ҳамда оқилона таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишини ва барқарорлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

ирригация ва мелиорация тизимлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг ишончли фаолият кўрсатишини таъминлаш, сув хўжалигининг йирик ва ўта муҳим объектлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш;

сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчилари масъулиятини ошириш, уларнинг сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш;

сув хўжалиги соҳасида фан ва техника ютуқлари, замонавий сув тежовчи технологиялар, илғор тажрибалар, сув хўжалигини ва сувдан фойдаланишни бошқариш тизимида инновацион услубларни жорий қилиш;

сув хўжалиги соҳасида мутахассислар малакасини ошириш тизимини ташкил этиш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, фан ютуқларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш;

трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва техник кўмак маблағларини (грантлар) жалб қилиш, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиш.

#### 4. Қуйидагилар:

агросаноат мажмуи ва озик-овқат хавфсизлиги ҳолати, мазкур соҳада қонун ҳужжатлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар талаблари ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озик-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади);

2018 йил 1 июлдан Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича марказ негизида лойиҳалар, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш учун масъул бўлган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси

таркибига кирувчи Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик) ташкил этилсин.

Агентлик Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича марказнинг ҳуқуқлари, мажбурият ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. 2018 йил 1 августдан қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси;

Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси;

Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси;

«Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси;

«Ўздавуруғназоратмарказ» қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тугатилаётган идора ва муассасалар ходимлари бандлигини таъминлашга кўмаклашсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инспекция билан биргаликда икки ой муддатда Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекциясининг вазифа ҳамда функцияларини қайта тақсимлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» АЖ ва «Ўздонмахсулот» АКнинг:

Ғўза уруғчилиги республика маркази ва Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика маркази негизида, уруғликлар, шу жумладан, пахта ва бошоқли дон экинлари уруғларини тайёрлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона ва замонавий тизимини шакллантириш учун масъул бўлган Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказини ташкил этиш;

уруғлик тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларда уруғлик олиш мақсадида етиштирилган пахта ва бошоқли дон экинларини кейинчалик алоҳида сақлаш шарти билан қайта ишлаш тартибини жорий қилиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзпахтасаноат» АЖ ва «Ўздонмахсулот» АК билан биргаликда икки ой муддатда уруғлик тайёрлаш бўйича алоҳида ташкилотларнинг, цех ва омборларнинг пахта ҳамда бошоқли дон экинлари уруғлари учун ихтисослаштирилишини, шунингдек, уларни босқичма-босқич Уруғчиликни ривожлантириш марказига бериш бўйича таклифлар киритилишини таъминласин.

Инспекция пахта ва бошоқли дон экинлари уруғлигининг буюртмаси, тайёрланиши, алоҳида қайта ишланиши ва сақланиши бўйича талабларга риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминласин.

8. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий-тадқиқот муассасалари берилган ҳолда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази негизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилсин.

Марказ мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан аграр фан соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириб бориши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Бош прокуратура, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини долзарб йўналишлар бўйича янги гоё ва ишланмаларни кўриб чиқиш заруратини инobatга олган ҳолда такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг моддий-техника базасини ривожлантириш, инновация технологияларини жорий қилиш ва ходимларни рағбатлантириш жамғармаси негизда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ташкил қилинаётган жамғармалар фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқласин.

10. Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимида янгидан ташкил этилаётган идора ва муассасалар фаолиятини ташкил этиш бўйича Комиссия иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Комиссия (З.Т. Мирзаев):

тугатилаётган идора ва муассасаларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг мол-мулки ва пул маблағларини оқилона тақсимлаш мақсадида уларни хатловдан ўтказишни;

мазкур Фармонга мувофиқ идора ва муассасаларни тугатиш, шунингдек, янгидан ташкил этилаётган тузилмаларнинг моддий-техника базасини яратиш, улар ишини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган компьютер техникаси, алоқа воситалари билан, шу жумладан, тугатилаётган идора ва муассасаларнинг бинолари ва моддий-техника базасини бериш орқали жиҳозлашга доир тадбирларни ташкил қилишни;

янгидан ташкил этилаётган идора ва муассасаларни, уларнинг ҳудудий бўлинмаларини жойлаштириш, шунингдек, улар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишни;

янгидан ташкил этилаётган идораларни малакали кадрлар билан, шу жумладан, тугатилаётган идоралар ва муассасалар ходимлари ҳисобидан тўлдиришни белгиланган тартибда таъминласин.

11. Мазкур Фармонда назарда тутилган идора ва муассасаларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда тугатилаётган идоралар ва муассасалар штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш бўйича Комиссия бир ой муддатда янгидан тузилаётган идоралар ва муассасалар фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг асосий вазифа, функция ва фаолият йўналишларини белгилаб бериш бўйича қарорлар лойиҳалари киритилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 17 апрель,  
ПФ–5418-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги  
ПФ–5418-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимида  
янгидан ташкил этилаётган идора ва муассасалар  
фаолиятини ташкил этиш бўйича комиссия  
ТАРКИБИ**

1. З.Т. Мирзаев — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари. Комиссия раиси
2. Б.Т. Юсупов — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири, Комиссия раисининг ўринбосари
3. Ш.Р. Хамраев — Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири, Комиссия раисининг ўринбосари
4. С.И. Самадов — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари
5. Б.А. Ходжаев — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири
6. И.Ю. Абдурахманов — Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири
7. Ш.Д. Кудбиев — Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
8. Р.А. Гулямов — Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси
9. Б.А. Мусаев — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
10. В.Ю. Пак — Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари
11. А.Ж. Ташкулов — Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари
12. М.М. Мирсаатов — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бошқарма бошлиғи
13. Ш.А. Туляганов — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Инвестициялар инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари АТД мудири
14. А.Э. Равшанов — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари АТД мудири.

Изоҳ:

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда Комиссия таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахс киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**328 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш  
тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 16 январдаги ПФ–5303-сонли ва «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сонли фармонлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 17 апрель,  
ПФ–5420-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги  
ПФ–5420-сон Фармонига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ–5326-сон Фармони 10-бандининг олтинчи хатбошисидаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳа-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 апрелда эълон қилинган.

сида назорат бўйича давлат инспекцияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ–191-сон қарори 4-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги 2006 йил 20 июндаги ПҚ–381-сон қарорида:

а) 1-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўзлари «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловадаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

54-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«агар мавжуд бўлса, асосий ҳисоб рақами ёпилгани тўғрисидаги банк маълумотномаси»;

55-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55. Агар тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс томонидан банкларда ҳисоб рақамлари очилмаган бўлса, рўйхатдан ўтказган орган аризани олгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига унинг ҳисоб рақами очмаганлигини тасдиқлаш учун сўровнома юборади. Бунда давлат солиқ хизмати органи сўровнома олинган кундан бошлаб икки кун мобайнида ёзма жавоб юборади».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ–1836-сон қарорида:

а) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3-банддан учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти



шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 27 мартдаги ПҚ–2851-сон қарори 8-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 23 июндаги ПҚ–3082-сон қарорининг 4-бандида:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари турларини Жамғарма маблағлари ҳисобидан импорт қилиш истисно ҳолларда ва фақат товархом ашё биржалари, жумладан хорижий биржаларнинг очиқ электрон савдолари тизими орқали амалга оширилади;

озиқ-овқат маҳсулотларининг режалаштирилаётган хариди, Жамғарма маблағлари тушуми ва харажатлари тўғрисидаги батафсил ахборот ҳар ой Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида эълон қилиб борилади»;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 30 июндаги ПҚ–3105-сон қарори 10-бандининг учинчи хатбошисидаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2017 йил 17 августдаги ПҚ–3223-сон қарорига 1-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

## «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Биржа ва кўрғазма-ярмарка савдоларини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 29 сентябрдаги ПҚ-3295-сон қарорининг 1-банди кўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«биржа брокерлари тижорат банкларига мижоз — норезидент номидан товар-хом ашё биржасининг очик электрон савдоларида маҳсулотларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш (сотиш)га талабнома бериш, норезидент — юридик шахслар эса Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ҳисоб рақамлари очиш ва товар-хом ашё биржасининг очик электрон савдоларида маҳсулотларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш (сотиш)ни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади».

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2018 йиллар қиш-баҳор даврида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари билан барқарор таъминлаш тўғрисида»ги 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3418-сон қарорининг 13-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849-сон фармойиши 9-бандининг учинчи хатбошисидаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**329** **Фуқароларни ижтимоий қўллаб қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдават акциясини ўтказиш тўғрисида\***

Мамлакатда аҳолига, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида муносиб уй-жой шароитларини яратишга қаратилган кенг кўламли давлат дастурлари амалга оширилди.

Хусусан, 2009 — 2017 йиллар давомида 81 992 та уй қурилди, 6 624 та уй-жой массиви барпо этилди, зарур муҳандислик-коммуникация инфрату-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 апрелда эълон қилинган.

зилмалари ўтказилиши таъминланди. 2016 йилдан қишлоқ аҳолиси учун янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилишини назарда тутувчи сифат жиҳатидан янги давлат дастури амалга оширилмоқда. 2017 йилнинг ўзида қишлоқ жойларида 18 мингдан ортиқ қулай шарт-шароитга эга бўлган уйлар барпо этилди.

Шунингдек, фуқароларнинг қонунчиликда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ажратилган ер участкаларида яқка тартибда уй-жой қуриш ҳуқуқи кафолатланган.

Шу билан бирга, ер тузиш ва кадастр органлари томонидан ўтказилган республика кўчмас мулк фондининг ялпи ҳатлови яқка тартибда уй-жой қуриш соҳасида, айниқса қишлоқ жойларида қонунийликни таъминлаш масалаларида тизимли хатолар ва жиддий камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Хусусан, уй-жойга эга бўлиш ва қуришнинг қонуний механизмлари мавжуд бўлишига қарамасдан минглаб фуқаролар кўп йиллар давомида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида яқка тартибда уй-жойларни ноқонуний барпо этишган.

Бундай ҳолатларнинг юз беришига давлат органлари, энг аввало, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, шу жумладан ер кадастри, архитектура ва қурилиш соҳасидаги ваколатли органларнинг бепарволиги сабаб бўлди.

Фуқароларга ер участкаларини уй-жой қуриш учун муайян тўлов эвазига ноқонуний бериш юзасидан фермер ва деҳқон хўжаликларининг тил бириктириши бўйича кўплаб ҳолатлар мавжуд.

Натижада, ушбу муаммо бутун республика бўйича оммавий тус олди ва уй-жой учун зарур ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги аҳолида бошқа ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига, хусусан ҳақиқатда яшаб турган жойга прописка қилиниши, мулк ҳуқуқига эга бўлиш ва уни амалга ошириш имконияти мавжуд эмаслигига олиб келди.

Фуқароларнинг уй-жой мулкига кадастр ҳужжатларини беришни сўраб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига 5 мингдан ортиқ, депутатлар, сенаторлар, давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда — 3 мингдан зиёд мурожаатлари келиб тушган.

Уй-жойга доир ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, фуқароларга тегишли бўлган турар жойларни давлат рўйхатидан ўтказишда кўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг фуқароларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойларига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини (кейинги ўринларда бир марталик акция деб юритилади) эълон қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майга қадар:

а) мазкур Фармон қабул қилинган вақтга қадар қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойга (кейинги ўринларда ўзбошимчалик билан қурилган иморат деб юритилади) нисбатан мулк ҳуқуқи ушбу объектга ўз шахсий мулки каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилаётган шахсга қуйидаги шартлар асосида:

ушбу ер участкаси (участканинг бир қисми) унга қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашмаган бўлса;

ўзбошимчалик билан қурилган иморат шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларини бузماётган бўлса, шунингдек, унинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланидиган манфаатларини бузмаса ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаса эътироф этилади. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилмайдиган аниқ ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

б) ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этиладиган Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссиянинг тақдимномасига кўра туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан;

умумий мулк ҳақидаги фуқаролик ва оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидаларига амал қилиш шarti билан;

энг кам иш ҳақининг беш бараवари миқдорида бир марталик йиғим тўлангандан кейин амалга оширилади;

в) ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишда мулкдорга у қурилган ер участкасига (участканинг бир қисмига) қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилиб, ортиқча қисми Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 121-моддасида назарда тутилган жарима солинмасдан захира ерларига олиб қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг ижросини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди бир марталик акциянинг амал қилиш муддати тугагунга қадар:

судларга ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиб ташлаш бўйича даъво киритишни тўхтатиб турилишини, қонун ҳужжатларига асосан турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашган ер участкасида (участканинг бир қисмида) қурилган объектлар бундан мустасно;

судларнинг турар жой сифатида фойдаланилаётган ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиб ташлаш тўғрисидаги кўриб чиқиладиган даъволар ҳамда ижро қилинмаган қарорлари бўйича белгиланган тартибда келишув битимлари тузилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жойларда Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссия фаолиятида қонунийликнинг таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бир марталик характерга эга ҳамда мазкур Фармоннинг 2-бандида кўрсатилган муддатдан кечиктирилмасдан амалга оширилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, бошқа ваколатли органларнинг мансабдор шахслари кейинчалик ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга йўл қўйганликлари учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда:

бир марталик акциянинг амал қилиш муддати тугагандан кейин ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкинлиги тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини бекор қилишни;

ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 20 апрель,  
ПФ-5421-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**330 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сон Фармонига мувофиқ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш;

давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ушбу соҳада тегишли ислохотларни амалга ошириш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиққан ҳолда комплекс ва танқидий таҳлил қилиш;

қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарликни амалга ошириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга кўмаклашиш;

маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш;

ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигини йўқ қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш;

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш;

нотариат, адвокатура ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чораларни амалга ошириш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 апрелда эълон қилинган.

халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, халқаро шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, халқаро ҳамжамият, хорижий инвесторларни миллий ҳуқуқ тизими ва ўтказилаётган ҳуқуқий ислохотлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;

юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш;

суд экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, суд экспертларини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

адлия органлари ва муассасалари фаолиятида, биринчи навбатда аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ишлашнинг инновацион услубларини жорий қилиш.

## 2. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати тuzилмасида:

Давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш бошқармаси;

Ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бошқармаси;

Ҳуқумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси;

Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси;

Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси;

Халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси;

б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази ва «Адолат» нашриёти негизида:

давлат унитар корхонаси шаклидаги Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда АКТРМ деб юритилади);

давлат унитар корхонаси шаклидаги «Адолат» ҳуқуқий ахборот маркази (кейинги ўринларда «Адолат» маркази деб юритилади) ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, АКТРМ ва «Адолат» маркази фаолиятини молиялаштириш товарлар (хизматлар, ишлар)ни реализация қилишдан олинган даромадлар, бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Адлия органлари ва муассасаларига АКТРМ ва «Адолат» ҲАМ билан



тендер (танлов) савдоларини ўтказмасдан хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) бўйича шартномалар тузишга рухсат этилсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 158 нафардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4 ва 5-иловаларга мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг намунавий тузилмаси 6-иловага мувофиқ;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ҳамда улардаги норма ва қоидаларнинг аҳолига тушунтирилиши схемаси 7-иловага\* мувофиқ;

Адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар 8-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати, адлия органлари ва муассасаларининг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. 2018 йил 1 майдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши лозим;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига фақат ҳуқуқий экспертиза яқуни бўйича уларни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хулосаси мавжуд бўлгандагина киритилади;

ҳуқуқий экспертиза яқуни бўйича ҳудудий адлия органларининг ижобий хулосаси мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг мажбурий шarti ҳисобланади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан улар манфаатдор таш-

---

\* 7-8-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

килотлар билан келишилганидан сўнг, шунингдек такроран — Вазирлар Маҳкамаси аппарати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девони таркибий тузилмаларида уларнинг концептуал қоидалари ўзгартирилганида ўтказилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар агар қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан уларга тегишли ҳужжатни қабул қилиш ёки аниқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ваколат берилган бўлса, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишлари мумкин.

5. Белгилансинки, 2019 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1993 йил 17 июнгача қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтмаган умуммажбурий идоравий ҳужжатлар, шу жумладан собиқ СССРнинг идоравий ҳужжатлари ўз кучини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандга мувофиқ ўз кучини йўқотаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрнига янгиларини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида маслаҳат органи сифатида жамоатчилик асосида ишлайдиган, фаолияти фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан очиқ мулоқотни ривожлантиришга қаратилган Жамоатчилик кенгаши тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Жамоатчилик кенгаши таркибини ҳамда унга юклатилган вазифаларни самарали бажаришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Бош прокуратурасининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) 9-иловада келтирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежларига (кейинги ўринларда юридик коллежлар деб юритилади) қуйидаги тартибни ўрнатган ҳолда айлантириш:

юридик коллежларнинг ўқув-методик жараёнини мувофиқлаштириш, уларга амалий ва ахборот-ресурслари жиҳатдан қўмаклашиш Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда ТДЮУ деб юритилади) томонидан, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва назоратни ташкил этиш ҳамда ташкилий-кадрлар базасини мустаҳкамлаш эса — ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари лавозими бўйича юридик коллежлари директорлари ҳисобланади;

юридик коллежларни зарур ўқув ва спорт ускуналари, компьютер тех-

никаси ва ахборот-ресурс фондлари билан жиҳозлаш харажатлари таълимга ажратиладиган бюджет маблағлари, шунингдек Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

юридик коллежларига қабул қилиш ҳар бир ҳудуднинг «юриспруденция» йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълимга эга бўлган кадрларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган квоталар бўйича танлов асосида 10-иловада келтирилган мутахассислик ва касбларга мувофиқ амалга оширилади;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб юридик коллежлари битирувчилари ТДЮУга ҳудудий адлия органларининг йўлланмалари бўйича кириш тест синовларисиз яқка тартибдаги суҳбат ўтказиш орқали бакалаврларни тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури бўйича ва ўқишнинг тугашидан сўнг тақсимотга мувофиқ уч йил давомида узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини олган ҳолда киришга ҳақли;

қайта ташкил қилинаётган юридик коллежлар ва академик лицейнинг 3 курс ўқувчиларининг ўқиши уларни таълимнинг ўхшаш йўналишлари бўйича яқин жойлашган касб-хунар коллежлари ва академик лицейнинг ўқувчилар контингентига қўшиш йўли билан ушбу таълим муассасаларида тамомланади;

б) 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ТДЮУ магистратурасига тўлов-контракт асосида талабаларни қабул қилиш квотасини 150 одамгача ошириш;

в) 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат юридик университетининг магистратурасига қабулни тест синовларсиз ўқитиш муддати давомийлиги бир йил бўлган ҳолда амалга ошириш;

г) ТДЮУнинг бошқарув ходимлари, профессор-ўқитувчилари, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳисобидан ўрнатиладиган ҳар ойлик устамалар миқдорини икки бараварга ошириш;

д) педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази негизида ТДЮУ ҳузурида Халқаро стандартлар бўйича юридик кадрларни касб-хунарга ўқитиш марказини (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) тузиш, унда қуйидагиларни:

олий маълумотга эга мутахассисларни юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курслари;

халқаро стандартлар бўйича юридик кадрларни касб-хунарга ўқитиш юзасидан халқаро тижорат фаолияти, халқаро арбитражлар ва суд низоларини ҳуқуқий таъминлашни ўз ичига олган қисқа муддатли ўқув курслари;

ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлардан дарс берувчи педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш.

#### 8. Белгилансинки:

Марказда юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш тўлов-контракт асосида олти ой муддатда, имтиҳон натижалари бўйича белгиланган намунада диплом берган ҳолда амалга оширилади;

юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тугатган ва

белгиланган намунадаги дипломни олган шахслар давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг юридик хизматларида ишлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ойлик муддатда Вазирлар Маҳкамасига Марказнинг фаолиятини ташкиллаштириш, шунингдек юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлашга рухсат этиладиган олий таълим йўналишлари рўйхатини тасдиқлаш бўйича таклифларни киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2017 йил 1 июлгача 9-иловага мувофиқ касб-хунар коллежлари ва академик лицейни бино ва иншоотлари, моддий-техник воситалари, ўқув ускуналари ва бошқа мулклари билан бирга оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул топширсин, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги эса уларни қабул қилиб олсин;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда юридик коллежларга айланаётган касб-хунар коллежлари ва академик лицейнинг бўшатилаётган педагог кадрларининг мутахассислигига мувофиқ ишга жойлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Madaniyat va ma'rifat» телерадиоканали» ДУК таркибида унинг умумий штат сони доирасида эфир вақтини мақбуллаштириш ҳисобидан «Ниқуқу ахборот» телестудиясини ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ниқуқу ахборот» телестудиясини, энг аввало, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг, шунингдек қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмуни ва аҳамиятини аҳолига етказишга қаратилган сифатли эфир материаллари билан таъминлаб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қуйидагилар ҳақидаги таклифлари маъқуллансин:

пулли хизматлар ва нотариуслар томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатларни амалга оширишдан келиб тушадиган маблағларнинг 80 фоизи миқдордаги қисмини нотариал идоралар ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтириш;

нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божи суммаларидан бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар миқдорини 12 фоиз миқдорида белгилаш.

Адлия вазирига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божи суммаларидан ажратмалар ва нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун тушумлар ҳисобидан нотариал идораларда қўшимча таржимон, оператор, курьер ва аҳолига нотариал ва у билан боғлиқ комплекс хизматларни кўрсатиш учун бошқа ишчилар штат бирлигини киритиш ҳуқуқи берилсин.

12. Белгилансинки, 2018 йил 15 апрелдан:

адлия органлари ва муассасалари ходимларининг кўп йиллик хизматлари учун устамалар ва мартаба даражалари учун қўшимчалар миқдорлари прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган миқдорларга тенглаштирилади;

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра адлия органлари ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари бир ярим барабар миқдорда қўлланилади;

адлия органлари ва муассасаларининг мартаба даражаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати ходимларига, Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқларига алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошига қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблашда лавозим маоши таркибига киритиладиган 50 фоиз миқдорида устама тўлансин.

Мазкур банднинг иккинчи-тўртинчи хатбошилариининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан лавозимга тайинланган ва адлия органлари ва муассасаларининг мартаба даражаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида амалда бўлган барча тўловлар сақланган ҳолда, татбиқ қилинади.

Мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар:

адлия органлари ва муассасалари ходимлари учун — адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ходимлари учун — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ойлик муддатда туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг жойлаштирилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

икки ҳафталик муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

бир ойлик муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

икки ойлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежлари ўқувчиларини Тошкент давлат юридик университетига қабул қилиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 11-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг Давлат маслаҳатчиси Р.Р. Иноятов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 13 апрель,  
ПҚ-3666-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги  
ПҚ-3666-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

2. Вазирлик адлия органлари ва муассасалари фаолиятига умумий раҳбарлик қилувчи ва уни мувофиқлаштирувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади), фаолиятининг айрим масалалари бўйича эса бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди.

Вазирлик марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, ҳудудий адлия бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳисобланади.

3. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Вазирликнинг ташкилий тузилмасига кирадиган ҳудудий ва таркибий тузилмалар юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири

туширилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисоб-варақларига, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан, хорижий валютадаги банк ҳисоб рақамларига эгадирлар.

6. Вазирликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, қисқартирилган номи — Адлия вазирлиги;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Министерство юстиции Республики Узбекистан, қисқартирилган номи — Министерство юстиции ёки Минюст;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи — Ministry of Justice ёки Minjust.

7. Вазирликнинг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

## **2-боб. Вазирлик тузилмаси**

8. Вазирлик тизимига қуйдагилар киради:

Вазирлик марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари;

Давлат хизматлари агентлиги;

Ҳуқуқий сиёсат тадқиқоти институти;

Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази;

«Адолат» ҳуқуқий ахборот маркази» ДУК;

«Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» ДУК;

давлат нотариал идоралари ва архивлари;

Юристар малакасини ошириш маркази;

Тошкент давлат юридик университети;

юридик коллежалари;

Академик лицей;

«Инсон ва қонун» газетаси таҳририяти» ДУК.

Адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита Вазирликка бўйсундилар.

## **3-боб. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари**

9. Қуйдагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш;

давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ушбу соҳада тегишли ислохотларни амалга ошириш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиққан ҳолда комплекс ва танқидий таҳлил қилиш;

конунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарликни амалга ошириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, уларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ташкилотлари (кейинги ўринларда давлат органлари ва ташкилотлари деб юритилади) билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга кўмаклашиш;

маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш;

ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигини йўқ қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш;

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш;

нотариат, адвокатура ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чораларни амалга ошириш;

ҳалқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, халқаро шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

ҳалқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, халқаро ҳамжамият, хорижий инвесторларни миллий ҳуқуқ тизими ва ўтказилаётган ҳуқуқий ислохотлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;

юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш;

суд экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, суд экспертларини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

адлия органлари ва муассасалари фаолиятида, биринчи навбатда аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ишлашнинг инновацион услубларини жорий қилиш.

10. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:



1) ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш соҳасида:

конституциявий нормаларни амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунга риоя этиш ва ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш мақсадида ҳуқуқий сиёсатнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади;

ҳуқуқий базани ислоҳ қилишнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқади;

ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини бошқаради ва мувофиқлаштиради;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқ ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва услубий раҳбарликни амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг мониторинги ва таҳлилин амалга оширади;

қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш зарурияти масалаларининг олдидан келишувини амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка, халқаро шартномалар нормаларига, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини, уларни коррупцияга, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга шарт-шароит яратувчи, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар ва нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади;

қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий нуқсонларни, коррупцияга, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга шарт-шароит яратувчи, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар ва нормаларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамаси, давлат органлари ва бошқа ташкилотларга кўриб чиқиш учун киритади;

қонуности ҳужжатларига расмий шарҳларнинг лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий шарҳларининг лойиҳалари бўйича хулосалар беради;

давлат органлари ва ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича услубий кўрсатмаларни тасдиқлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартибини белгилайди;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлайди;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий кўрсатмалар мавжуд бўлган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини давлат рўйхатидан ўтказиши;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрини юритади; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиши лозим бўлмаган ҳужжатлар тоифасига киритиш ҳақида қарорлар қабул қилади;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

Ҳукумат баённома қарорлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши ва имзолангандан сўнг уларнинг ҳисобини юритади;

махаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш тартибини тасдиқлайди, унга риоя қилиш устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини ва қонун ҳужжатларини туркумлаштириш бўйича ишларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг назорат нусхаларини юритади, уларнинг банкни (фондини) шакллантиради;

Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификаторини тасдиқлайди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга классификатор асосида кодлар беради;

адлия органлари ва муассасалари фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича тушунтиришлар беради;

2) давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ушбу соҳада тегишли ислохотларни амалга ошириш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиққан ҳолда комплекс ва танқидий таҳлил қилиш соҳасида:

давлат бошқарувининг тегишли соҳаларида ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга салбий таъсир ўтказаётган тизимли муаммо ва камчиликларни таҳлил қилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг бир бирини такрорловчи функцияларини чиқариб ташлаш, давлат бошқаруви тизимини ортиқча ва хос бўлмаган вазифалар, функциялар ва ваколатларни чиқариб ташлаш ҳисобига оптималлаштириш ва номарказлаштириш бўйича таклифларни тайёрлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат бошқаруви самарадорлигини такомиллаштириш ва ошириш, жа-

моатчилик назоратининг самарали шаклларини жорий этиш бўйича таклифларни тайёрлайди ва тегишли давлат органлари ва ташкилотларига киритади;

хўжалик бошқаруви ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлат функцияларини ва алоҳида давлат ваколатларини бериш амалиётини ўрғанади, шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлайди;

давлат бошқарувида ортикча сарфлар даражасини пасайтириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш фаолиятининг самарадорлигини ва тизимининг очиқлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига бўлган маъмурий таъсирни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш бўйича чораларни кўради;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаш самарадорлигини ўрғанади, уларни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотнинг асосий йўналишларини шакллантириш бўйича таклифларни тайёрлайди, маъмурий ислохотни амалга ошириш жараёнида юридик кўмакни амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотларига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширишнинг самарадорлигини таҳлил қилади, таҳлил натижаларига кўра давлат бошқаруви тизимини, давлат органлари ва ташкилотларининг ташкилий-штат тузилмаларини ва ишлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат бошқарувини такомиллаштириш, маъмурий ислохотни амалга ошириш соҳасида тадқиқотлар ўтказилишини ташкиллаштиради;

давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари фаолиятини баҳолаш мезонлари тизимини ишлаб чиқишда иштирок этади;

давлат органлари ва ташкилотларининг алоҳида функцияларини нодавлат секторга, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида ўтказиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида таклифларни ишлаб чиқади ва уларнинг таклифлари бўйича хулосалар беради;

3) қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарликни амалга ошириш соҳасида:

қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкиллаштириш масалалари бўйича давлат органлари ва ташкилотларига тушунтиришлар беради ва зарур кўмакни амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкиллаштирилиши масалалари бўйича услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси ташкиллаштирилишининг мониторинги ва таҳлилини олиб боради, ушбу соҳадаги муаммоларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

давлат органлари ва ташкилотларининг қонунлар ва бошқа норматив-

хуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат органлари ва ташкилотларида норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкиллаштириш бўйича ижро интизомига риоя этилишини ўрғанади, шу асосда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун ахборот-таҳлил ҳужжатларни тайёрлайди;

4) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш соҳасида:

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида норматив-хуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиётини таҳлил қилади ва ўрғанади;

қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти самарадорлиги масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил қилади, натижаси бўйича уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ҳуқуқий тартибга солиш юзасидан халқаро ва хорижий тажриба, илмий, тадқиқот ишлари натижаларини ўрганган ҳолда қиёсий таҳлил қилади;

аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишларини, уларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш учун ҳуқуқни қўллаш амалиётининг умумлаштириш материалларини давлат органлари ва ташкилотларига йўллайди;

норматив-хуқуқий ҳужжатларни нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўллаш амалиётини, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берувчи салбий омиллар, сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўради;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини таҳлил қилиш натижалари бўйича қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга оид таклифлар тайёрлайди;

норматив-хуқуқий ҳужжатларни қўллаш масалалари юзасидан ўз хулосасини шакллантиради ва етказди;

қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини умумлаштиради ва тегишли соҳа фаолиятида давлат сиёсатининг амалга оширилиши ҳолатини таҳлил қилади, унинг асосида ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқади;

5) нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга қўмаклашиш соҳасида:

нодавлат нотижорат ташкилотларини ва уларнинг рамзий белгиларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

рўйхатдан ўтказилган нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат реестрини юритади;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотлар томонидан қонун

ҳужжатларига, устав фаолиятига, таъсис ҳужжатларига, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларга ажратилган маблағлар, грантлар, бошқа молиявий ва моддий ресурслардан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш бўйича чоралар кўради;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотлар фаолияти қонунийлигини таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатлари, устав фаолияти ва таъсис ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф қилишга қаратилган чоралар кўради;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларнинг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитациядан ўтказиши;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган тадбирлар тўғрисидаги келиб тушаётган ахборотларни таҳлил қилади;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларнинг чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишини келишади;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларнинг фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни қабул қилади ва таҳлил қилади;

нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатлари бузилганда, уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки уларни тугатиш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ва судга кўриб чиқиш учун киритади;

сиёсий партияларнинг устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағларини улар ўртасида тақсимлайди;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларнинг фаолияти устидан мониторинг олиб бориш, чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет эл фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олиш тартибини белгилайди, шунингдек нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларнинг фаолияти ҳақидаги ҳисоботларнинг, аккредитация карточкасининг шаклларини тасдиқлайди;

доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказиш ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олишни амалга оширади;

б) маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

давлат органлари ва ташкилотларининг маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматлари соҳасидаги фаолияти таҳлилин амалга оширади;

маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматлари соҳасида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ваколатли органлар томонидан маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолатини ўрганеди, давлат хизматларини кўрсатишда назоратни ташкил қилади;

давлат хизматларини кўрсатилишининг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва давлат хизматлари марказларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш учун зарур ташкилий-техник ва молиявий-иқтисодий шароитларни яратишга кўмаклашади;

давлат органлари ва ташкилотларининг маъмурий тартиб-таомиллари ва давлат хизматларини кўрсатишнинг замонавий ва янги шакллари, механизмларини жорий этиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича фаолияти самарадорлигини назорат қилиш ва баҳолашни амалга оширишни ташкил қилади;

давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ўртасида ахборот алмашинуви бўйича фаолиятини ташкил этишни мувофиқлаштиради ва кўмаклашади;

7) давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш соҳасида:

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиришни ва назоратини амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини, улар томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқий ишлар ҳолатини ўрганеди;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини тартибга солувчи аниқланган қонун ҳужжатлари талаблари бузилишларини бартараф этиш, шунингдек айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш бўйича чоралар кўради;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини лавозимига тайинлаш ва озод қилишда иштирок этади;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларига ҳуқуқий ишларга оид кўрсатмалар беради;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимларининг малакасини оширишни ташкил қилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди, аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома беради;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимларининг ҳисобини юритади;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартибини, маълумотлар базасига кириштиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилайди;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини лавозимига тайинлаш ва озод қилиш масаласини адлия органлари билан келишиш тартибини белгилайди;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимларининг адлия органларида стажировка ўташ тартибини белгилайди;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг стажировка ўташини ташкил этади;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимларининг иш жойини моддий-техник жиҳатдан таъминлашга қўйилган минимал талабларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

8) ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигини йўқ қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш соҳасида:

Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг ишини ташкил этади;

давлат органлари ва ташкилотларида ҳуқуқий тарғибот ҳолатини таҳлил қилади, мазкур соҳадаги ишларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ҳуқуқий саводсизликни йўқ қилишга, жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга қаратилган аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш бўйича чораларни амалга оширади;

энг долзарб, аҳолини қизиқтирадиган масалаларни белгилайди ва улар бўйича манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширади, аҳолига қонун ҳужжатлари мазмун ва моҳиятини етказиш бўйича чоралар кўради;

ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларида кенг фойдаланишни, шу жумладан веб-технологияларни қўллашни кенгайтиришни таъминлайди;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ва тарғиботини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлайди;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда қабул қилинган ҳужжатларнинг норма ва қоидаларини аҳолига тушунтириш бўйича намунавий ҳужжатлар йиғиндисини тайёрлайди;

қонун ҳужжатларининг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб берувчи материалларни тайёрлайди, уларни аҳоли ўртасида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали тарқатади;

давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларини жалб қилган ҳолда жамиятда ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишни ташкил этади;

9) ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш:

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш имкониятини яратиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради, услубий раҳбарликни ва назоратни амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тегишли ахборот-таҳлилий материалларнинг барча давлат органлари ва ташкилотларига ўз вақтида етказилишини таъминлайди;

ҳуқуқий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий-техник воситалари ва технологиялари жорий этилишини ташкил қилади;

давлат органлари ва ташкилотларини зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан фойдаланишини белгиланган тартибда таъминлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами»нинг расмий нашр этилишини ташкил этади;

10) нотариат, адвокатура ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш соҳасида:

нотариат соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади ва ягона нотариал амалиётни таъминлаш бўйича чоралар кўради;

нотариуслар томонидан нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, уларнинг ишини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

нотариус ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартибини белгилайди;

«Нотариус» ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг шакллантирилишини ва юритилишини ҳамда уни вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базалари ва ахборот тизимлари билан интеграциялашни таъминлайди  
чет элда фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлардаги нотариуслар имзосининг ва уларнинг муҳри кўчирмасининг ҳақиқийлигини тасдиқлайди, нотариат фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа функцияларни бажаради;

нотариал иш юритиш қоидаларини, нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларни, нотариал ҳаракатлар, тасдиқловчи ёзувлар ва гувоҳномаларни рўйхатга олиш реестрлари шаклини, нотариус стажёри фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқлайди;

нотариуслар томонидан статистик маълумотларни тақдим этиш шакллари тасдиқлайди ва муддатларини белгилайди;

давлат нотариал идораларини ташкил этади ва тугатади, нотариус лавозимини таъсис этади ва тугатади, нотариал идоралар реестрини юритади;

нотариуслар лавозимлари умумий сонини тасдиқлайди ва муайян ҳудуддаги (нотариал округидаги) нотариуслар лавозимлари сонини белгилайди;

нотариуслар малакасини ошириш, уларни аттестациядан ўтказиш ва бошқа жойга ўтказиш (ротация) тартибини белгилайди;

Вазирлик ҳузуридаги Олий малака комиссияси ва Қорақалпоғистон Рес-



публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ тегишли расмий ҳужжатларга апостиль қўяди;

нотариал идоралар, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги консуллик муассасаларини қатъий ҳисобдаги гербли (махсус) бланклар билан таъминлайди;

нотариал идораларга бериладиган гербли бланкларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш тартибини белгилайди;

пуллик хизматлар ва нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар рўйхатларини, ушбу ҳаракатлар амалга оширилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги учун, шунингдек нотариал архивлар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга нотариал тасдиқланган ҳужжатлар дубликатлари, рўйхатлардан кўчирмалар, маълумотномалар ва архив ҳужжатларининг нусхалари берилганлиги учун тўловлар миқдорларини тасдиқлайди;

адвокатлик тузилмалари ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолияти кафолатларини таъминлашда кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан биргаликда малака комиссиялари ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси таркибини тасдиқлайди;

адвокатларга лицензиялар беришни ва адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказишни, шунингдек юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга қўйишни амалга оширади;

тегишли адлия органида давлат рўйхатидан ўтган (ҳисобга қўйилган) адвокатлик тузилмаларида ишлаётган адвокатларнинг Йиғма давлат реестрини юритади;

адвокатлар малакасини оширишда кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган ҳолда адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотларини тақдим қилиш шакллари тасдиқлайди ва муддатларини белгилайди;

адвокатлик гувоҳномаси шаклини ва уни бериш тартибини тасдиқлайди;

адвокат томонидан ишни олиб боришда ордер шаклини тасдиқлайди;

адвокатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек адвокатлик тузилмалари томонидан таъсис ҳужжатларига, устав фаолиятига, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни ўрғанади;

нотариал ҳаракатлар бўйича статистикани юритади;

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чораларни амалга ошириш соҳасида:

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини доимий равишда таҳлил қилади ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

давлат органлари ва ташкилотларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборот ва материалларни таҳлил қилади ва умумлаштиради, уларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

фуқаролар ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини холисона ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлайди, уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида ахборот йиғиш ва халқаро шартномаларда акс эттирилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари универсал стандарт принципларини ҳисобга олган ҳолда уни баҳолашни амалга оширади;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ўтказилаётган мониторинг натижаларини ўрганади;

фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради;

12) халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, халқаро шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш бўйича таклифларни келишади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тайёрлаш ва ижро этишда иштирок этади;

халқаро шартномалар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши;

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги халқаро шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва бажариш ҳақида таклифлар тақдим этади;

адлия органлари фаолияти соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни ўрганади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини уларга мувофиқлаштиришга доир таклифларни киритади;

хориждан маблағ жалб қилиш шартномалари ва Ўзбекистон Республикаси давлат кафолатлари бўйича белгиланган тартибда юридик хулосалар беради;

хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

хорижий ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни ўрнатади ва ривожлантиради;

13) халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, халқаро ҳамжамият, хорижий

инвесторларни миллий ҳуқуқ тизими ва ўтказилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш соҳасида:

халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди;

халқаро арбитраж ва суд муҳокамалари масалалари бўйича халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди, шунингдек ушбу соҳаларда Ташки ишлар вазирлиги ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан идоралараро ҳамкорликни амалга оширади;

халқаро шартномаларга мувофиқ халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалайди;

хорижий давлатлар судларида ва халқаро арбитражларда томонлардан бири Ўзбекистон Республикаси бўлган низолар кўриб чиқиладиганда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилади;

Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги суд ва арбитраж муҳокамалари билан боғлиқ тегишли материалларни йиғишни ҳамда тизимли таҳлилини ташкиллаштиришни амалга оширади;

халқаро арбитраж муҳокамалари вужудга келишини олдини олиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади, хорижий давлатлар судлари ва халқаро арбитражларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича чоралар кўради;

хорижий давлатлар судлари ва халқаро арбитражларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш мақсадида хорижий ва миллий адвокатлик (юримдик) фирмалари, маслаҳатчи ва экспертларни жалб қилади ҳамда фаолиятини мувофиқлаштиради;

аниқ бир арбитраж муҳокамаси доирасида ташкил этиладиган ишчи гуруҳларнинг ишчи органи функцияларини амалга оширади;

хорижий давлатлар судлари ва халқаро арбитражлар муҳокамалари масалалари бўйича маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва экс-Президентининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий, шу жумладан судда ҳимоя қилишни амалга оширади;

мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар, энг аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича, шу жумладан ишончсиз маълумотларни инкор қилиш мақсадида ҳолис ахборотни халқаро ҳамжамиятга ва жамоатчиликка етказишни таъминлайди;

ваколатли органлар иштирокида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши, шу жумладан халқаро ташкилотлардан келиб тушган қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз инсон қадрқимматини камситувчи муомала турларини қўллашга доир муурожаатларни кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича БМТ конвенцион органларининг якуний эътироз-

лари ва тавсияларининг ижроси бўйича миллий ҳаракат режаларининг амалга оширилишини мониторинг қилади;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича БМТ конвенцион органларининг якуний эътирозлари ва тавсияларини кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижалари бўйича БМТ конвенцион органларининг якуний эътирозлари ва тавсияларининг ижроси юзасидан миллий ҳаракат режалари ишлаб чиқилишида иштирок этади;

тегишли даврий маърузаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича БМТ конвенцион органларининг якуний эътирозлари ва тавсияларини бажариш юзасидан миллий ҳаракат режаларининг ижроси асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши масалалари бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқади;

14) юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш соҳасида:

ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини таҳлил қилади, уни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг талабалари ва ўқувчилари учун юридик дарсликлар, ўқув қўлланмалари, шунингдек бошқа юридик адабиётлар нашр этиш режаларини ишлаб чиқади ва нашр этилишини ташкил этади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди, уларни Вазирлик тизимидаги таълим муассасаларида тайёрлаш ишларини ташкил этади ва раҳбарлик қилади;

юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи таълим муассасаларини аккредитация қилишда, уларнинг педагог ва илмий ходимларини аттестациядан ўтказишда иштирок этади;

хорижий давлатларда юриспруденция соҳасида берилган таълим ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатларни эътироф этиш ва нострификация қилишда (эквивалентлигини белгилашда) иштирок этади;

юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этади;

юристарларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими, кадрлар ишини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

кадрлар захирасини яратади, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва стажировкадан ўтишини ташкил этади, адлия органлари ва муассасаларига кадрлар танловини амалга оширади ва уларни жой-жойига қўйишда қатнашади;

ҳуқуқий фанларни ривожлантириш чораларини кўради, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими, мамлакатда ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳаларида фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

ҳуқуқ соҳасидаги таълим ишларининг услубий жиҳатдан таъминлани-

шини ташкил этади, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий шаклларини жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

15) суд экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, суд экспертларини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштириш соҳасида:

суд экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот, экспертлик ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси давлат суд-эксперт муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга илмий-услубий раҳбарликни амалга оширади, шунингдек Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгашни бошқаради;

суд экспертлик фаолиятини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади, суд экспертларини тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштиради;

суд экспертлик фаолиятига фан ва техника ютуқларини жорий этиш бўйича чораларни кўради;

суд экспертизаси соҳасидаги тизимли муаммоларни комплекс ўрганиш ва уларни ҳал этишга доир илмий асосланган таклифлар ва таъсирчан механизмларни ишлаб чиқади;

16) адлия органлари ва муассасалари фаолиятида, биринчи навбатда аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ишлашнинг инновацион услубларини жорий қилиш соҳасида:

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг замонавий ютуқлари асоҳида адлия органлари ва муассасаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш стратегиясини белгилайди;

электрон ҳукумат лойиҳаларини адлия органлари ва муассасаларида самарали амалга оширилишини таъминлайди;

инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш йўли билан адлия органларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлиги шаклларини такомиллаштириш бўйича чораларни амалга оширади;

адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан электрон ҳукуматни жорий қилиш ва ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлайди;

адлия органлари ва муассасалари расмий сайтлари, бошқа ахборот ресурсларини Интернет тармоғида ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича чораларни амалга оширади;

адлия органлари ва муассасаларида ахборот технологияларини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тартибга солувчи ва техник ҳужжатларни ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири (кейинги ўринларда — Вазир деб юритилади) ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида ахборот киритади.

Вазирлик қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11. Вазирликнинг марказий аппарати, ҳудудий ва таркибий тузилмалари функциялари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Вазир томонидан тасдиқланадиган низомлар ва уставлар билан белгиланади.

#### **4-боб. Вазирлик ва унинг тузилмаларининг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги**

##### **1-§. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

12. Вазирлик ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

1) ўз ваколати доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурий бўлган, шу жумладан бошқа давлат органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар кириштириш;

3) давлат органлари ва ташкилотларида:

норма ижодкорлиги фаолияти, ҳуқуқий ишлар, юридик хизматлар фаолияти, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш ҳолатини;

ҳуқуқни қўллаш амалиёти, фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қонун ҳужжатлари ижроси, давлат хизматларини кўрсатишнинг белгиланган тартибига риоя этиш ҳолатини, шу жумладан жойларга чиққан ҳолда текшириш;

4) нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига риоя қилиниши, шунингдек уларга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишини текшириш;

5) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган:

давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш (тўлиқ ёки қисман) ёхуд уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида;

ишлаб чиқиш муддатини кўрсатган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш зарурлиги тўғрисида;

ҳуқуқни қўллаш амалиёти, фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларини бажариш ҳолатини текшириш давомида аниқ-

ланган ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати фаолияти, маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномаларни киритиш;

6) нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида аниқланган қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисида нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларига, адвокатлик тузилмаларига бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

7) қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларини ёзма равишда огоҳлантириш;

8) фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари, юридик хизматларни фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқлаганда ҳамда адлия органларининг қонуний талаблари бажарилмаганда, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;

9) давлат, юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан аризалар ва даъволарни киритиш;

10) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти тўғрисида зарур статистик маълумотларни, таҳлилий материалларни, ҳужжатларни, бошқа ахборотларни, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни, маълумотларни давлат органлари ва ташкилотларидан бепул тарзда сўраш ва олиш;

11) нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотлардан ахборот, ҳужжатлар ва маълумотлар, шунингдек уларнинг раҳбарлари ва масъул шахсларидан тушунтиришларни талаб қилиш ва олиш;

12) текшириш ўтказиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш, шунингдек Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш учун вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, илмий ва таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар вакилларини чақириш ва жалб этиш;

13) текшириш ва таҳлил давомида аниқланган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимларини чақириш, қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

14) давлатга тегишли Вазирликнинг ва унга идоравий мансуб тузилмаларнинг мол-мулкани ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан бир таркибий тузилмадан бошқа тузилмага белгиланган тартибда ўтказиш;

15) Вазирлик ва унга идоравий мансуб ташкилотлар ходимлари томонидан ўз соҳасида улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар бажарилишини ҳисобга олган ҳолда уларни моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

16) бюджетдан ташқари маблағларни ҳамда адлия органлари ва муас-

сасаларининг депозит ҳисоб рақамларида жойлашган маблағларни Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит рақамларида миллий ва хорижий валютада жойлаштириш. Бунда, маблағларни жойлаштиришдан олинган даромад адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларига ушбу даромадлар моддий-техник базани, ижтимоий ривожлантиришга ва ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларга йўналтирган ҳолда ўтказилади;

17) Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

18) Вазирлик ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифодалаш;

19) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларига зид бўлган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда давлат реестридан чиқариш;

20) жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида мурожаатларни кўриб чиқиш;

21) Вазирлик ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқишда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

22) хорижий давлатларнинг судлари ва халқаро арбитражларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳуқуқий низолар бўйича даъвогар ва жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиш;

23) адвокатлар малака комиссияларига адвокатларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини киритиш;

24) адвокатларга берилган лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш;

25) юридик хизмат ходимининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш;

26) нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган тадбирларда (конференциялар, семинарлар, тренинглар, йиғилишлар, акциялар ва шу кабиларда) иштирок этиш;

27) нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотлар томонидан режалаштирилган тадбирларни ўтказилишини тақиқлаш юзасидан қарор қабул қилиш;

28) сиёсий партияларнинг уставларида назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

29) нодавлат нотижорат ташкилотларнинг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини, улар томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларда аккредитациядан маҳрум қилиш;

30) ўз ваколатлари доирасида хорижий давлатлар органлари ва халқаро ташкилотлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш;

31) адлия органлари ва муассасалари фаолиятини таъминлаш учун за-



рур бўлган тегишли тузилмалар ташкил этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг уставлари (низомлари)ни тасдиқлаш;

32) давлат сири ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирга риоя қилиш шарти билан текширишни ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш, давлат органларининг электрон базаларидан (банкларидан) фойдаланиш учун хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудларига ва биноларига кириш;

33) ўз ваколати доирасида маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳолатлар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш.

Вазирлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Вазирликнинг марказий аппарати, ҳудудий ва таркибий тузилмаларининг ҳуқуқлари, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Вазир томонидан тасдиқланадиган низомлар (уставлар) билан белгиланади.

#### 14. Вазирлик:

ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, шунингдек, тегишли соҳадаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

ўз фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Вазирлик томонидан қабул қилинадиган буйруқлар амалга оширилишининг сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

ўз фаолияти соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши учун жавобгардир.

## 2-§. Вазирлик марказий аппаратининг жавобгарлиги

#### 15. Вазирликнинг марказий аппарати:

Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий тузилмалари билан биргаликда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

Вазирлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича Вазирлик марказий аппарати тузилмаларининг ишини ташкил этиш;

Вазирлик томонидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек Вазирлик томонидан қабул қилинадиган буйруқларнинг тайёрланиши ва экспертизадан ўтказилиши сифати;

Ўз фаолият соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг таркибий ва ҳудудий тузилмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар томонидан амалга оширилишини ташкил этиш учун жавобгардир.

### **3-§. Вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар)лардаги ҳудудий тузилмаларининг жавобгарлиги**

16. Вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар)даги ҳудудий тузилмалари:

Вазирликнинг тегишли ҳудудий тузилмасига юкланган вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Вазирликнинг тегишли ҳудудий тузилмаси фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш;

Вазирликка киритилаётган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифлар, шунингдек, Вазирликнинг ҳудудий тузилмалари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг амалга оширилиши сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

ҳуқуқни қўллаш амалиётида аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш асосида ўз ҳудудида тегишли соҳани ривожлантиришга доир таклифларни тайёрлаш;

Ўз фаолияти соҳасини ривожлантириш, муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни тегишли ҳудудда самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

### **5-боб. Вазирлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари**

17. Қўйдагилар Вазирлик биринчи раҳбари — вазирнинг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Вазирлик фаолиятини умумий бошқаришни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Вазирликка юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришни ташкиллаштириш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

3) Вазирлик, унинг тегишли таркибий ва ҳудудий тузилмалари фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти девони хизматлари ва Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари ҳамда Вазирлик фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик

қилиш, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ва унинг Президиумидаги масалаларни кўриб чиқишда қатнашиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири топшириқларини бажариш;

6) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Вазирликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Вазирлик фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий масъулияти даражасини белгилаш;

7) Вазирлик фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, Вазирликнинг даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

8) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Вазирлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий ва ҳудудий тузилмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

9) Вазирлик ходимларини тизимли қайта тайёрлашни ва уларнинг маънавиятини оширишни ташкил этиш;

10) Вазирлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг мутахассисликларига (юриспруденция, иқтисод, молия, психология, ташқи алоқалар, филология ва ҳ. к.) талаблар белгилаш, самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Вазирликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

11) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек Вазирликка ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионаллиги ва ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган чораларни амалга ошириш;

12) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси топшириқларига ва ўз ташаббусига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, уларни «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасига киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамасида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

13) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳасини тайёрлаш фаолиятининг Намунавий регламентига мувофиқ Вазирликнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

14) ўз ваколати доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, зарур ҳолларда давлат бошқарувининг бошқа органлари билан биргаликда қарорлар ва бошқа ҳужжатларни биргаликда қабул қилиш;

15) Вазирлик раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

16) ўз ўринбосарлари ва ҳудудий тузилмалар, шунингдек идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

17) Вазирликнинг ҳудудий ва таркибий тузилмаларининг раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

18) Вазирлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, ўзининг ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

19) Вазирлик ходимларининг Давлат бошқаруви органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилиши устидан назоратни ташкил этиш;

20) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қо-

нуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

21) Вазирлик, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмалари иш фаолиятининг замонавий шакллари жорий этишни таъминлаш;

22) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

23) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этиш, Вазирликнинг раҳбарлари ва ходимларини уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишини, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

24) адлия органлари ва муассасалари ходимларига белгиланган тартибда мартаба даражаларини бериш ҳамда олий мартаба даражалари бериш учун уларни, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа давлат органлари ходимларини Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этиш;

25) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги молиявий мутаносибликни таъминлаш учун адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларини қайта тақсимлаш;

26) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

18. Қўйидагилар вазир ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Вазирлик раҳбари вақтинча бўлмаганида Вазир буйруғи асосида унинг вазифаларини бажариш;

2) Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

3) Вазирлик фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

4) мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, тузилмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

5) мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларнинг режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларида ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустақамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий тузилмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

7) Вазирлик хайъати, Вазирнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

8) мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Вазирга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

9) мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқирилишини ташкил этиш, Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Вазир томонидан кўриб чиқирилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Вазирнинг топшириғига биноан иштирок этиш;

10) Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқирилишини таъминлаш, уларни пухта ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

11) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талаблари-

га мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

12) мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

13) соҳага оид масалалар бўйича Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чора-тадбирлар кўриш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни Вазирлик раҳбариятига киритиш;

14) мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича Вазирга таклиф киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

15) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилиш;

16) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш;

17) давлат хизматлари самарадорлигини, улардан эркин фойдаланишни ва кўрсатилиш сифатини ошириш ҳамда «Электрон ҳуқумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонида мувофиқ фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан келиб тушган барча мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

20) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

19. Қўйидагилар Вазирлик марказий аппарати таркибий тузилмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) таркибий тузилмалар фаолиятига бевосита умумий раҳбарлик қилиш, ушбу тузилмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

2) тегишли таркибий тузилмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

3) Вазирлик марказий аппарати таркибий тузилмаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий тузилмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

4) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазир ва унинг ўринбосарлари буйруқлари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

5) таркибий тузилмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

6) таркибий тузилмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, Вазирлик ҳудудий тузилмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

7) таркибий тузилмалар фаолияти соҳаларига оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирлик раҳбариятига киритиш;

8) таркибий тузилмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда Вазир ўринбосарларига таклифлар тақдим этиш, профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

9) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таркибий тузилмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий тузилмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик Вазирлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти



девони Регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Вазирлик раҳбариятининг топшириғи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқишда иштирок этиш;

10) таркибий тузилмага тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

11) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

12) таркибий тузилмалар ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш;

13) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш;

14) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий тузилмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

15) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, мунтазам равишда шахсий, шу жумладан сайёр қабуллар ўтказиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон Фармонида мувофиқ фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

17) давлат сирини киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

20. Қўйидагилар Вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят-

лар, туманлар (шаҳарлар) ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

1) Вазирликнинг тегишли тузилмаси фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Вазирлик ҳужжатлари билан ушбу тузилмага юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

2) ҳудудий тузилмалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

3) ҳудудий тузилма ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ҳудудий тузилмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

4) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазир ва унинг ўринбосарлари буйруқлари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

5) Вазирлик фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

6) тегишли тузилманинг мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, ҳудудий тузилма фаолиятининг алоҳида тармоқларига раҳбарлик қилиш учун уларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

7) ҳудудий тузилма фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ҳудудий тузилманинг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

8) ҳудудий тузилмада кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳудудий тузилма кадрлар захирасини шакллантириш;

9) Вазирлик раҳбари номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек ҳудудий тузилмага ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

10) ҳудудий тузилма ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбат-

лантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар кириштириш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича мунтазам чора-тадбирлар кўриш;

11) ҳудудий тузилма ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини таъминлаш;

12) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ҳудудий тузилмада коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

13) ҳудудий тузилма ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

14) ҳудудий тузилмалар фаолиятига оид масалалар бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Вазирлик раҳбариятига киритиш;

15) жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, мунтазам равишда шахсий, шу жумладан сайёр қабуллар ўтказиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармони мувофиқ фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган муурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

17) ҳудудий тузилма ходимлари лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида Вазирликка таклифлар киритиш;

18) давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш.

## **6-боб. Вазирлик раҳбарларининг жавобгарлиги**

21. Адлия вазири:

Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;  
ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 17-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

22. Вазир ўринбосарлари:

Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларида Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

23. Марказий аппарат таркибий тузилмалари раҳбарлари:

тегишли таркибий тузилмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган Вазирлик марказий апаратининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

24. Вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий тузилмалари раҳбарлари:

ҳудудий тузилмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

Вазирлик ҳудудий тузилмаларининг ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

## **7-боб. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш**

### **1-§. Вазирлик раҳбарияти**

25. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган вазир бошчилик қилади.

26. Вазир ўзининг мақомига қўра Вазирлар Маҳкамаси аъзоси ҳисобланади.

27. Вазирнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

28. Вазир бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазирнинг биринчи ўринбосари томонидан, у бўлмаган вақтда эса вазир буйруғига асосан бошқа ўринбосар томонидан амалга оширади.

29. Вазирликнинг ҳудудий тузилмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

30. Вазирликнинг ҳудудий тузилмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар тўғрисидаги низом вазир томонидан тасдиқланади, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса

**2-§. Юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш, шунингдек Вазирлик марказий аппарати таркибий тузилмаларининг унинг ҳудудий тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби**

31. Вазирлик ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бевосита, шунингдек адлия органлари ва муассасалари орқали бажаради.

32. Вазирлик марказий аппарати таркибий тузилмаларининг унинг ҳудудий тузилмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий тузилмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

33. Вазирлик марказий аппаратининг таркибий тузилмалари Вазирликнинг ҳудудий тузилмалари билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиб:

топшириқларни ҳудудий тузилмаларга ва идоравий мансуб ташкилотларга етказиши ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Вазирликнинг ҳудудий тузилмаларига ва идоравий мансуб ташкилотларига таркибий тузилмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

Вазирликнинг ҳудудий тузилмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти амалиётини текширади ва ўрганади, умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

Вазирликнинг ҳудудий тузилмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этади;

Вазирликнинг ҳудудий тузилмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чоралар кўради;

Вазирликнинг ҳудудий тузилмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Вазирликнинг ҳудудий тузилмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари иштирокини ташкил этади, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

34. Вазирликнинг ҳудудий тузилмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари Вазирлик марказий аппаратининг таркибий тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

Вазирлик раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида хабар беради;

белгиланган фаолият соҳасида қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида марказий аппаратга ахборот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида ишда аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида хабар беради;

ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда Вазирликнинг марказий аппарати тақдим этади;

Вазирлик ваколатига тааллуқли соҳалардаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган тақлифларни Вазирликнинг марказий аппарати юборади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат органларининг ҳудудий тузилмалари, комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик натижалари тўғрисида хабар беради;

ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида маълумот беради.

35. Вазирлик марказий аппарати таркибий тузилмалари ва унинг ҳудудий тузилмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар вазирнинг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосари томонидан кўриб чиқилади. Агар вазир ўринбосари томонидан келишмовчиликларни тартибга солишнинг имконияти бўлмаса, сўнгги қарор бевосита вазир томонидан қабул қилинади.

### **3-§. Вазирликнинг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги**

36. Вазирлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

37. Вазирликнинг ҳудудий тузилмалари ўз ваколати доирасида бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Вазирликнинг ҳудудий тузилмалари тегишли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик қилади.

38. Вазирликнинг фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизматлари томонидан мутасаддилик қилинади.

### **§ 4. Вазирликнинг ҳайъати, бошқа кенгаш, маслаҳат, эксперт органлари**

39. Вазирликда раҳбар, (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича), шунингдек унинг фаолиятининг асосий йўналишларини муво-

фиқлаштирувчи таркибий тузилмалар раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби вазирнинг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

40. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Вазирлик фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлик тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чораларини кўрган ҳолда таркибий ва ҳудудий тузилмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботларини мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

Вазирлик фаолияти соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилишининг натижадорлигини ҳар чоракда ва мунтазам кўриб чиқиш;

жойларда Вазирлик фаолияти соҳасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинишини таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, шунингдек юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Вазирлик марказий аппарати ва унинг тизимига кирадиган лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Вазирлик номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат Вазирлик ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақлидир.

41. Ҳайъат мажлисига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари, уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклиф этилиши мумкин.

42. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

43. Ҳайъат қарорлари вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади.

44. Вазир ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, вазир юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ўз фикрини хабар қилиши мумкин.

45. Ҳайъат фаолияти тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган унинг регламенти билан белгиланади.

46. Вазирликда кенгаш, маслаҳат ва экспертлик органлари тузилиши мумкин.

47. Вазирлик ҳузурида тузиладиган кенгаш, маслаҳат ва экспертлик органлари таркиби ва улар тўғрисидаги низомлар вазир томонидан тасдиқланади, уларнинг таркиби ва низомлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланадиган ҳоллар бундан мустасно.

### **8-боб. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари**

48. Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланади.

49. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳо Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизматлари томонидан тасдиқланадиган Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

50. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича:

Вазирлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Вазирлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

51. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услубиёти қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **9-боб. Вазирликни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш**

52. Вазирлик ва унинг ҳудудий тузилмаларини моддий-техник таъминлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондларнинг манбалари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

53. Вазирлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалардан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

Хизмат вазифасини сидқидилдан ва самарали бажариб келаётган Вазирликнинг юқори малакали, ташаббускор ходимларига юқори малакаси учун вазир томонидан бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан лавозим маошининг 200 фоизи миқдоридан кўп бўлмаган шахсий устамалар белгиланиши мумкин.

Вазирлик ходимлари лавозим маошларига ҳар ойда қўшиладиган рағбат-



лантириш хусусиятига эга бўлган қўшимча ҳақлар ва устамалар вазир томонидан тасдиқланадиган қоидаларга мувофиқ тўланади.

54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан бошқа лавозимларга тайинланган ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатасига сайланган (тайинланган) Вазирликнинг ходимларида Вазирликда берилган кўп йиллик хизматлари учун қўшимча ҳақ ва устамалар ҳамда мартаба даражалари сақланади.

### **10-боб. Вазирликнинг ҳисобдорлиги**

55. Вазирлик раҳбарлари ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизматларига ва Вазирлар Маҳкамасига мунтазам равишда ҳисобот беради.

56. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизматлари раҳбарлари Вазирлик раҳбарларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича улар фаолияти устидан мунтазам мониторинг олиб боради, Вазирлик фаолияти самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

57. Мониторинг ва баҳолаш яқунлари бўйича Вазирликнинг алоҳида ўрнатган кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

### **11-боб. Яқунловчи қоида**


58. Вазирликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги  
ПҚ-3666-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**




### Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги  
ПҚ-3666-сон қарорига  
4-ИЛОВА

330-модда

### Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг ТУЗИЛМАСИ




Жами: Бошқарув ходимларининг чекланган сони 26 бирликни ташкил қилади.

— 140 —

16 (828) -сон

### Вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 321 бирликни ташкил қилади, ҳудудлар кесимида уларнинг аниқ сони Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан аниқланади.

**Туман (шаҳар) адлия бўлимларининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 619 бирликни ташкил қилади, туман (шаҳарлар) кесимида уларнинг аниқ сони Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан аниқланади. Туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг фаолиятини молиялаштириш, нотариал идоралар бундан мустасно, маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

\* Нотариал идоралар сони туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари умумий сонига киритилмайди.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги  
ПҚ-3666-сон қарорига  
9-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик коллежлари  
этиб қайта ташкил этилаётган касб-хунар коллежлари ва  
академик лицейи  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Худудлар	Қайта ташкил этилаётган касб-хунар коллежлари ва академик лицей	Адлия вазирлиги таркибидаги юридик коллежлар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус юридик коллежи	Қорақалпоғистон Республикаси юридик коллежи
2.	Андижон вилояти	Андижон молия-иқтисод коллежи	Андижон вилояти юридик коллежи
3.	Бухоро вилояти	Бухоро юридик ва маиший хизматлар касб-хунар коллежи	Бухоро вилояти юридик коллежи
4.	Жиззах вилояти	Жиззах ҳуқуқшунослик коллежи	Жиззах вилояти юридик коллежи
5.	Қашқадарё вилояти	Қарши иқтисодиёт коллежи	Қашқадарё вилояти юридик коллежи
6.	Наманган вилояти	Наманган юридик коллежи	Наманган вилояти юридик коллежи
7.	Навоий вилояти	Навоий давлат педагогика институти ҳузуридаги Навоий компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи	Навоий вилояти юридик коллежи
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежи	Самарқанд вилояти юридик коллежи
9.	Сурхондарё вилояти	Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи	Сурхондарё вилояти юридик коллежи
10.	Сирдарё вилояти	Гулистон енгил саноат ва сервис касб-хунар коллежи	Сирдарё вилояти юридик коллежи
11.	Тошкент вилояти	Юқори Чирчиқ туман транспорт ва иқтисодиёт коллежи	Тошкент вилояти юридик коллежи
12.	Фарғона вилояти	Фарғона ҳуқуқшунослик коллежи	Фарғона вилояти юридик коллежи
13.	Хоразм вилояти	Урганч туман саноат ва транспорт коллежи	Хоразм вилояти юридик коллежи
14.	Тошкент шаҳри	Тошкент юридик коллежи	Тошкент шаҳар юридик коллежи

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги  
ПҚ-3666-сон қарорига  
10-ИЛОВА

**«Юриспруденция» йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-хунар  
таълими мутахассисликлари ва касблари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Мутахассислик номи
1.	Давлат хизматлари бўйича юрист
2.	Кадрлар масалалари бўйича юрист
3.	Аграр секторда юрист
4.	Шартномавий масалалар бўйича юрист
5.	Нотариат бўйича юрист
6.	Адвокатура бўйича юрист
7.	Ижро иши бўйича юрист

*Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси адлия вазири меҳнат бозорининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мутахассисликлар ва касбларни қайта кўриб чиқиши ҳуқуқига эга.*

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги  
ПҚ-3666-сон қарорига  
11-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1602-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1990-сон қарорининг 3, 4 ва 5-бандлари, шунингдек унга 3-илова.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-2071-сон қарори иловасининг 4-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»



2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ПҚ–2347-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2480-сон қарорининг 1-банди, шунингдек унга 1-илова.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2761-сон қарорининг 3-банди, шунингдек унга 1-илова.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги «Тошкент давлат юридик университетиди кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2932-сон қарорининг 3-илоvasи 1-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **331** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ–5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб юритилади) бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 51 кишидан иборат янгиланган тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Қўмита раисига, зарур ҳолларда, Қўмита тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Қўмитанинг Диний-ижтимоий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритила-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ди) Қўмита раиси томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият олиб боради ва унга Қўмита раисининг ўринбосари — Марказ раҳбари бошчилик қилади. Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича разрядлари Қўмита марказий аппаратининг тегишли ходимлари учун белгиланган разрядларга тенглаштирилади.

3. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Марказ сўровига кўра унга юклатилган вазифалар билан боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотлар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа ахборотнинг бепул тақдим этилишини таъминласин.

4. Қўмита ҳузуридаги Конфессиялар ишлари бўйича кенгашнинг янгиланган таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Кенгаш Қўмита ҳузурида фаолият юритадиган жамоатчилик-маслаҳат органи ҳисобланади;

Қўмита раиси лавозимига кўра Кенгаш раиси ҳисобланади;

Кенгаш аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради;

Кенгаш ўз мажлисларида республика ҳудудлари ва хорижий давлатлардаги диний-ижтимоий жараёнларнинг жорий ҳолатини, шу жумладан Марказ томонидан тайёрланган ахборот-таҳлилий материалларнинг тегишли қисмини доимий равишда муҳокама қилиб боради ва натижасига кўра Қўмитага тавсиялар беради;

Кенгаш Қўмита томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият олиб боради.

5. Қўмита Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй манзилидаги бинога жойлаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарордан келиб чиқиб, 2018 йил учун тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида зарур бўлган бюджет маблағларини ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса ҳар йили ушбу маблағларни назарда тутсин;

Қўмитанинг асосли ҳисоб-китоблари асосида янги ташкил этилган таркибий тузилмалар ва Марказ учун зарур бўладиган компьютер техникаси, мебель ва жихозлар, алоқа тармоғи билан таъминлаш ҳамда Марказ жойлаштириладиган маъмурий бинони таъмирлаш учун маблағлар ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Қўмита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти-

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг давлат маслаҳатчилари Р.Т. Камилов ва Р.С. Косимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 16 апрель,  
ПҚ-3668-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги  
ПҚ-3668-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
ўз кучини йўқотган деб топилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 196-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 4-сон, 41-модда) 1 ва 3-бандлари, қарорга 1-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги 10-сон «Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 1-сон, 5-модда) 1-банди тўртинчи хатбошиси ва қарорга 3-илова.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**332 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5418-сон Фармонини ижро этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида:

## 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарув ходимларининг чекланган сони 127 нафардан иборат марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тузилмаси, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3 ва 4-иловаларга\*\* мувофиқ;

туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимларининг намунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 5 ва 5а-иловаларга\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлига:

зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) тизимига кирувчи ташкилот ва идораларнинг ташкилий-штат тузилмаларига ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий-таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини маслаҳатчи сифатида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

2. Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин, давлат унитар корхоналари бундан мустасно.

## 3. Белгилаб қўйилсинки:

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги барча ҳуқуқ, мажбурият ва шартномаларининг қишлоқ хўжалиги қисми бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1 — 5а-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, шунингдек, корхона ва муассасалар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари учун масъул бўлган тегишли ўринбосарлари Вазирлик ва Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳудудий бўлинмаларининг ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлайди.

4. Қўйидагиларга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда «Йўл харитаси») 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин:

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

ички озиқ-овқат бозорида нархнинг шаклланиши устидан мониторинг юритиш механизмларини жорий қилиш;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

тармоқда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш;

кадрлар тайёрлаш, соҳа ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

5. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги давлат сиёсати устувор йўналишларининг мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қўйидагилар белгилаб қўйилсин:

а) Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги вазири қўйидагилар учун шахсан жавобгардир:

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши;

Вазирлик зиммасига юклатилган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиш, Вазирлик фаолиятини режалаштириш, шунингдек, унинг фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришилишини сўзсиз таъминлаш;

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириш;

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, Вазирлик ходимларини қайта тайёрлаш ва малакаси оширилишини ташкил этиш, улар самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, меҳнат интизомини ва қонун ҳужжатлари талабларини қўпол равишда бузган ходимларга нисбатан интизомий ва бошқа турдаги жавобгарлик чораларини кўриш;

---

\* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хорижий мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги идоралари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, илғор тажрибани тизимли ўрганиш ва жорий қилиш;

қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва муассасалари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, фуқаролар шахсий қабулини тизимли равишда ўтказиб бориш;

б) қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари қўйидагилар учун шахсан жавобгардир:

пахта ва техник экинларни етиштиришга доир агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, бошоқли, дуккакли ва мойли экинлар етиштиришни ривожлантириш;

Вазирлик ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг сувдан фойдаланиш соҳасида ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлаш;

қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, шунингдек, агрокимёвий тадбирларни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг илғор агротехнологиялари, ресурс ҳамда сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш;

контракция шартномалари тузилиши ва ижро қилиниши устидан мониторинг юритилишини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигида давлат харидларини шакллантириш;

в) қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосарлари қўйидагилар учун шахсан жавобгардир:

боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик, паррандачилик, наслчилик ишлари, асаларичилик, балиқчилик ва пиллачиликни ривожлантириш;

барқарор нархларда аҳолини йил давомида ва узлуксиз таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираси шакллантирилишини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг чуқур қайта ишланиши ва сақланишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг иқтисодий таҳлилини, шунингдек, нарх ва меъёрлар шакллантирилишини амалга ошириш;

аграр соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, аграр тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори конъюнктурасини ўрганиш бўйича чуқур маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш устидан мониторинг олиб бориш;

қишлоқ хўжалигига инновациялар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5418-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Вазирлик таркибига кирувчи ўзини ўзи молиялаштирадиган ташкилотлар соф фойдасининг ўз ихтиёрида қолдириладиган қисмидан тузилган шартномалар асосидаги ажратмалари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тушумларнинг 0,2 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро грантлар ва техник кўмак маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари, Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳамда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти Вазирлик таркибидан чиқарилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Вазирлик таркибидан чиқарилаётган таълим муассасалари, шунингдек, Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

8. Касб-хунар таълими тизимини янада такомиллаштиришни мувофиқлаштириш Республика комиссияси (К.В. Акмалов) касб-хунар коллежларини тегишли вазирлик ва идораларнинг тасарруфига ўтказиш бўйича таклифлар тайёрлашда:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги касб-хунар коллежларини қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ихтисослаштириш;

қайд этиб ўтилган касб-хунар коллежларини Вазирлик тасарруфига уларнинг балансида бўлган бинолар, иморатлар, лабораториялар, жиҳозлар, бошқа объектлар ва моддий бойликлар билан биргаликда ўтказиш масалаларини кўриб чиқсин.

Белгилаб қўйилсинки, қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлайдиган касб-хунар коллежлари:

малакали ўқитувчилар ва ўқув-услубий адабиётлар билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан;

замонавий техника ва ускуналар, амалий машғулотлар ўтказиш учун ишлаб чиқариш базаси билан Вазирлик томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан таъминланади.

9. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган Тошкент давлат аграр университети балансидаги бино белгиланган тартибда Вазирлик балансига ўтказилиб, келгусида Вазирлик марказий аппарати мазкур бинода жойлаштирилсин.

Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан Вазирлик биносини капитал таъмирлаш, унга туташ худудни ободонлаштириш, хизмат хоналарини мебель, компьютер, ташкилий техника ва инвентарь билан жиҳозлаш учун зарур бўлган маблағларни ажратсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Вазирликни белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқа воситалари билан ҳамда юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

11. Вазирлик:

бир ой муддатда «Маъмурий-хўжалик хизмати» ДУК уставини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 17 апрель,  
ПҚ-3671-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**333** Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги  
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғриси-  
да\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5418-сон Фармонини ижро этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида:

## 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги бошқарув ходимларининг чекланган сони 100 нафардан иборат марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг тузилмаси ҳамда ирригация тизимлари хавза бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси ҳамда бошқарув ходимларининг чекланган сони 3 ва 4-илваларга\*\* мувофиқ;

туманлар ирригация бўлимлари, ирригация тизимлари хавза бошқармалари хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармалари, мелиоратив экспедициялар аппаратининг намунавий тузилмаси ҳамда бошқарув ходимларининг чекланган сони 5 — 5в-илваларга\*\* мувофиқ;

сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 6-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигига:

зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) тизимига кирувчи ташкилот ва идораларнинг ташкилий-штат тузилмаларига ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий-таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини маслаҳатчи сифатида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

2. Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланма-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1 — 5а-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган бошқа манбалар белгилансин, давлат унитар корхоналари бундан мустасно.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги барча ҳуқуқ, мажбурият ва шартномаларининг сув хўжалиги қисми бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, шунингдек, корхона ва муассасалар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари учун масъул бўлган тегишли ўринбосарлари Вазирлик ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳудудий бўлинмаларининг ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлайди.

4. Қўйидагиларга йўналтирилган сув хўжалиги тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда «Йўл харитаси») 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин:

сув хўжалиги соҳасини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, сув хўжалиги бошқаруви тизимини янада мақбуллаштириш;

судан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ва уни назорат қилиш тизимини ривожлантириш, сувни тежайдиган технологияларни қўллаш қўламини кенгайтириш;

сув омборлари, йирик гидротехника иншоотлари ва бошқа сув объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича ишларни жадаллаштириш, сув ресурсларининг ҳисобини юритиш тизимини яхшилаш;

сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш тизимини модернизация қилиш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни жорий этиш;

сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, уларни замонавий техника ва механизмлар билан таъминлаш, сув хўжалиги ходимларини рағбатлантириш;

аҳолининг сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир чора-тадбирларни кучайтириш.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

5. Сув хўжалиги соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қўйидагилар белгилаб қўйилсин:

а) Ўзбекистон Республикасининг сув хўжалиги вазири қўйидагилар учун шахсан жавобгардир:

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси

---

\* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши;

Вазирлик зиммасига юклатилган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиш, Вазирлик фаолиятини режалаштириш, шунингдек, унинг фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришилишини сўзсиз таъминлаш;

сув ҳўжалигини ривожлантириш, шунингдек, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва сув ҳўжалиги соҳасидаги муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириш;

сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, сув ҳўжалиги тизимининг фаолият кўрсатиши ҳамда уни такомиллаштириш, мамлакат сув хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

сув ресурслари самарали бошқарилишини таъминлаш, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ҳамда оқилона таъминлаш, сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланиш, уларни ривожлантириш ва қуришни ташкил этиш;

Вазирлик таркибига кирувчи барча сув ҳўжалиги ташкилотлари, шунингдек, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш, сувга зарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ишларни ташкил этиш, улар самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, меҳнат интизомини ва қонун ҳужжатлари талабларини қўпол равишда бузган ходимларга нисбатан интизомий ва бошқа турдаги жавобгарлик чораларини кўриш;

ҳалқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг сув ҳўжалиги органлари, биринчи навбатда, ҳудудидан Амударё ва Сирдарё оқиб ўтадиган мамлакатлар билан Орол денгизи ҳавзасида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича самарали ҳамкорликни ривожлантириш;

сув ҳўжалиги ташкилотлари ва муассасалари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, фуқаролар шахсий қабулини тизимли равишда ўтказиб бориш;

б) сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:

сув ҳўжалиги объектларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш бўйича устувор ҳамда истиқболли лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

сув ҳўжалиги объектларида пудрат ишларини ташкил этиш ва мониторинг қилиш, Вазирликнинг қурилиш ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, сув ҳўжалиги секторида саноатни ривожлантириш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ер ости сувларининг мақбул сатҳларини таъминлаш ва суғориладиган ерларнинг шўрланишини камайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

в) сув хўжалиги вазирининг ўринбосарлари қўидагилар учун шахсан жавобгардирлар:

сув ресурсларини бошқаришни хавза тамойили асосида ташкил этиш ва сувни чекланган тарзда ишлатиш ҳамда ундан фойдаланиш тартибини амалда рўёбга чиқаришни таъминлаш, сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш, давлат сув кадастри ва сув ҳисобини юритиш, барча манбаларнинг сув ресурслари бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш ҳамда ривожлантириш;

ирригация ва мелиорация тизимларидан, бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларидан лозим даражада фойдаланилишини, уларнинг узлуксиз ишлашини ва мунтазам равишда модернизация қилинишини таъминлаш, Вазирлик тасарруфида бўлган йирик ва ўта муҳим сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш ва муҳофазасини ташкил этиш, уларнинг техник жиҳатдан ишончилигини ошириш;

сувни тежайдиган суғориш технологиялари, шу жумладан, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари қўлланилишини ривожлантириш, шунингдек, сувни тежаб ишлатишни тақдирлаш ва рағбатлантириш механизмлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш, ички хўжалик суғориш тармоқлари ҳамда уларнинг гидротехника иншоотларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бўйича ишларни ташкил этиш;

Вазирликнинг сув хўжалиги фойдаланиш ташкилотларини зарур замонавий техникалар билан таъминлаш, уларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши бўйича зарур чоралар кўриш, сув хўжалиги секторига замонавий, инновацион ҳамда ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш, сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ахборот-коммуникация технологияларини ва илғор хорижий усулларни кенг қўллаш;

соҳага халқаро молия институтларининг грантлари ва кредитларини жалб қилиш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, халқаро ташкилотлар фаолиятида Вазирликнинг фаол иштирокини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, сув хўжалиги ташкилотларининг таълим ва илмий муассасалар билан ўзаро интеграциясини кучайтириш, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш чора-тадбирларини кўриш.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 17 апрелдаги ПФ–5418-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма) тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

2018 йил 1 августдан бошлаб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқдан тушган тушумларнинг 30 фоизи, коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар бундан мустасно;

суддан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жазо чораларини қўллашдан, шунингдек, сув олиш тартибини бузганлик учун жарималардан тушган тушумларнинг 30 фоизи;

Вазирлик таркибига кирувчи ўзини ўзи молиялаштирадиган ташкилотлар соф фойдасининг ўз ихтиёрида қолдириладиган қисмидан тузилган шартномалар асосидаги ажратмалари;

Вазирлик сув хўжалиги фойдаланиш ташкилотларининг улар томонидан сув ресурсларини иссиқлик электр энергияси ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг эҳтиёжлари учун етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлардан келиб тушган тушумлардан ажратмалар; жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро грантлар ва техник кўмак маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ҳамда унинг Бухоро филиали Вазирлик таркибидан чиқарилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Вазирлик таркибидан чиқарилаётган таълим муассасаларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

8. Касб-хунар таълими тизимини янада такомиллаштиришни мувофиқлаштириш Республика комиссияси (К.В. Акмалов) касб-хунар коллежларини тегишли вазирлик ва идораларнинг тасарруфига ўтказиш бўйича таклифлар тайёрлашда:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги касб-хунар коллежларини сув хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ихтисослаштириш;

қайд этиб ўтилган касб-хунар коллежларини Вазирлик тасарруфига уларнинг балансида бўлган бинолар, иморатлар, лабораториялар, жихозлар, бошқа объектлар ва моддий бойликлар билан биргаликда ўтказиш масалаларини кўриб чиқсин.

Белгилаб қўйилсинки, сув хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлайдиган касб-хунар коллежлари:

малакали ўқитувчилар ва ўқув-услубий адабиётлар билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан;

замонавий мелиоратив техника ва ускуналар, амалий машғулотлар ўтказиш учун ишлаб чиқариш базаси билан Вазирлик томонидан Жамғарма ва «Ўзмелиомашлизинг» ДУК маблағлари ҳисобидан таъминланади.

9. Вазирлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг: «Сувмаш» АЖ ва «Ўзсувлойиха» АЖнинг устав жамғармасидаги дав-

лат улушини давлат улуши бўйича акциядорлик функцияларини амалга ошириш ҳуқуқи билан Вазирликнинг оператив бошқарувига бериш;

2019 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаментининг мелиоратив объектларини куриш ва реконструкция қилиш бўйича буюртмачи функцияларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Сувқурилишинвест» давлат унитар корхоналарига бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан оқилона фойдаланилишини танқидий ўрганиб чиқишни таъминласин ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

11. Сув хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш ва сув хўжалиги соҳасини бошқаришни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (А.Н. Арипов):

бир ҳафта муддатда сув объектларини комплекс ўрганиш бўйича ҳар бир туман (шаҳар) кесимида 8-иловага\* мувофиқ таркибда ишчи гуруҳлар тuzсин;

бир ҳафта муддатда сув объектларини ўрганиш графигини уларнинг ҳар бир тумандаги (шаҳардаги) сонидан ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда тасдиқласин;

2018 йил 1 августга қадар ишчи гуруҳлар томонидан сув объектларининг ҳолати ҳар томонлама таҳлил қилинишини, зарур ҳолларда, аниқланган муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилишини таъминласин;

2018 йил 1 сентябрга қадар ўрганиш натижалари асосида Сув объектлари ҳолатини яхшилаш ва ушбу соҳадаги комплекс муаммоларни бартараф этиш бўйича «Йўл харитаси»ни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ишчи гуруҳлар фаолиятини аҳоли ўртасида кенг ёритишни таъминлаш;

нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ишчи гуруҳларга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.

12. Вазирлик беғараз фойдаланиш ҳуқуқи билан Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Қори Ниёзий кўчаси манзилидаги 39-уй, «А» бинога жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда: Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни; Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибига

---

\* 8-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кирувчи ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни;

бошқарув ходимлари чекланган сони кўрсатилган ҳолда Вазирлик ташкилотларининг, шу жумладан, давлат унитар корхоналарининг рўйхатини тасдиқласин.

#### 14. Вазирлик:

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «Ширмонбулоқ тош кони» ДУКнинг келгусидаги фаолияти мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритсин;

Сув хўжалиги саноат корхоналари уюшмаси Вазирлик таркибидан чиқарилишини инobatга олган ҳолда, ушбу уюшманинг таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда сув хўжалиги объектларини тўлиқ инвентаризация қилсин ва ўргансин, натижалари бўйича замонавий технологияларни жорий этишнинг бугунги кундаги ҳолати ҳамда жараёнини, Вазирлик тизимидаги ҳар бир бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларининг амалдаги иш ҳажмини инobatга олган ҳолда янгиланган штат меъёрларини белгиланган тартибда тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Вазирликнинг марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва идора бўйсунувдаги ташкилотларнинг янгиланган штат жадвалини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Белгилаб қўйилсинки, штат жадвали тасдиқлангунга қадар Вазирлик тизими ходимларига иш ҳақи тўлаш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 17 апрель,  
ПҚ-3672-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**335 Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида\***

Сўнги йилларда республикада мамлакатнинг инновацион салоҳиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишга, илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чоратадбирлар амалга оширилди.

Ёш олимлар ва талабаларга дунё амалиётидаги илғор илмий-тадқиқот усулларини ва замонавий технологияларни ўзлаштиришлари учун ва замонавий инновацион инфратузилма ва қулай шароитларни яратиш мақсадида «Юқори технологиялар ўқув-экспериментал маркази» давлат корхонаси (кейинги ўринларда — Юқори технологиялар маркази) ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида Юқори технологиялар марказининг моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш ва илмий-тадқиқот фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Унда диагностика тўпламларини ишлаб чиқишга ва қимматбаҳо ўсимликларнинг ниҳолларини микроклонал усулда кўпайтиришга мўлжалланган иккита ишлаб чиқариш майдончаси ташкил этилди.

Айни вақтда мамлакатда инновацион фаолият ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва асосий йўналишлари самарали инновацион технологияларни қўллаш билан боғлиқ бўлган ва жаҳон стандартлари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон берувчи ишланмаларга эга, иқтисодийнинг илмий ҳажмдор тармоқларидаги юқори технологик корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни талаб этади.

Ҳозирги шароитда Юқори технологиялар маркази замонавий фан ва ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий эҳтиёжларини тўла таъминламайди. Унинг фаолиятидаги мавжуд камчиликлар инновацион жараёнларни жадаллаштиришга ҳамда замонавий илмий ютуқлар ва ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишга тўсқинлик қилади.

Илмий ва инновацион фаолиятнинг ривожланишини фаоллаштириш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг янада кенг интеграциясини таъминлаш, янги билимларни яратиш ва қўллаш, илғор инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда илмий-инновацион салоҳиятдан ва илмий лаборатория базасидан самарали фойдаланиш бўйича шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар Академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Юқори

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 апрелда эълон қилинган.



технологиялар ўқув-экспериментал маркази» Давлат корхонасини Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказига (кейинги ўринларда — Илғор технологиялар маркази) айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Илғор технологиялар марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

фундаментал, амалий илмий тадқиқотларни ўтказиш ва илғор технологиялар бўйича инновацион ишланмаларни амалга ошириш;

дунё талаблари ва стандартлари даражасида мақсадли илмий-техник ва инновацион дастурларни бажариш, ишлаб чиқариш корхоналарида тадқиқот-синов ишларини бажаришга кўмаклашиш;

олимлар ва тадқиқотчиларни ҳамкорлик қилишга жалб этиш учун зарур шароитларни яратиш, илмий ҳажмдор маҳсулотлар ва рақобатбардош маҳаллий инновацион технологияларни яратиш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш;

иктисодиёт соҳасида илмий ва олий таълим муассасаларининг янги истиқболли ғоялари ва инновацион ишланмаларини шакллантиришга кўмаклашиш, ускуналар ва инфратузилмадан ҳамкорликда фойдаланиш асосида юқори технологик инновацион ишлаб чиқаришларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

академик, олий таълим ва тармоқ фанлари билан ҳамкорликнинг самарали шаклларини ривожлантириш, ҳамкорликда илмий-тадқиқотларини бажариш;

халқаро даражада патентлаш имкониятига эга бўлган илмий ҳажмдор ва илғор технологияларни яратиш, янги инновацион маҳсулотларнинг намуналарини макетлаштириш, моделлаштириш, тайёрлашда ва уларни текширишда иштирок этиш;

ёш олимлар томонидан илмий тадқиқотлар ўтказишнинг замонавий, дунё амалиётида илғор бўлган усул ва технологияларини ўзлаштиришлари мақсадида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

маҳаллий ва хорижий илмий ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда, шу жумладан инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш, технологияларнинг трансфери ва интеллектуал мулк объектларини коммерциализациялаш масалалари юзасидан илмий конференциялар, семинарлар, тренинглар ва маҳорат дарсларини ташкиллаштириш;

илмий фаолиятнинг натижадорлигини ошириш ва илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг янги шакллари қўллаб-қувватлашга қаратилган янги услубий ишланмаларни амалиётга жорий қилиш учун информацион-коммуникацион технологияларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш;

халқаро илмий-техник ҳамкорлик шакллари ривожлантиришда иштирок этиш, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни, шу жумладан халқаро дастурлар ва жамғармаларнинг грантларини жалб этган ҳолда бажариш.

3. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказининг тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Илғор технологиялар маркази давлат илмий муассасаси шаклидаги юридик шахс бўлиб, давлат тилидаги номи ва Ўзбекистон Республикасининг герби тасвири туширилган муҳрига ва бланklarига, мустақил балансига, банкларда ҳисоб рақамларига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг газначилигида газна ҳисоб рақамларига эгадир;

Илғор технологиялар марказининг директори инновацион ривожланиш вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Илғор технологиялар маркази ходимларига лавозим маошлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий муассасаларидаги тегишли лавозимларга белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги:

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Фанлар Академияси ва иқтисодиёт реал секторининг корхоналари — истиқболли буюртмачилар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Илғор технологиялар марказининг 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»ни киритсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқарув академияси, Фанлар Академияси билан биргаликда икки ой муддатда «Инновацион менеджмент» ва «Инвестицион лойиҳаларни бошқариш» фанлари бўйича махсус ўқув дастурларини яратиш ва Давлат бошқарув академиясида раҳбар кадрларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларига жорий этишни таъминласин.

6. Илғор технологиялар маркази фаолиятининг молиявий манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

бинолар, хоналар ва иншоотларни сақлаш бўйича харажатларни молиялаштириш ҳамда Илғор технологиялар маркази ходимларининг ушбу қарорда белгиланган умумий штат бирликлари доирасида меҳнатига ҳақ тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

Илғор технологиялар марказининг фаолиятига мос йўналишлар бўйича хўжалик шартномаларини бажариш асосида олинган маблағлар;

хайрия қилувчилар — юридик ва жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг ўрнатилган тартибда бериладиган маблағлари;

халқаро молиявий ташкилотлар ва институтларнинг грантлари ва кредитлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарур ҳолларда, Илғор технологиялар марказининг ташкилий тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий штат бирлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартишлар киритиш;

Илғор технологиялар маркази ходимларининг лавозим маошларига (тариф ставкаларига) асосий эгаллаб турган лавозими бўйича, қонунчиликда кўрсатилган бошқа кўшимчалар ва устамалардан қатъи назар Илғор технологиялар марказининг ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан устамалар белгилаш.

8. Илғор технологиялар марказига беғараз асосда:

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, 3а-уй манзилида жойлашган Юқори технологиялар марказининг биноси, иншоотларини унга туташ ҳудуд билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи билан;

Юқори технологиялар марказининг лаборатория ускуналари, мебель, компьютер техникалари ва бошқа мулкларни берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг буюртманомаларига биноан Марказга ишга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга ўрнатилган тартибда кириш визаларини консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштиришни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг буюртманомаларига биноан Марказга ишга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари берилиши ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини давлат божи ундирилмасдан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3416-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

бир ой муддатда Илғор технологиялар марказининг низомини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаб, давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Илғор технологиялар марказининг илмий-тадқиқот ишларини самарали мувофиқлаштиришни, асосий эътиборни амалиётга йўналтирилганлик ва натижадорликка қаратган ҳолда, уларни замонавий фаннинг талабларига ва дунё илмий ютуқларининг даражасига мос келишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва кўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси С.Р. Холмуродов ва Ўзбекистон

тон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 апрель,  
ПҚ-3674-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 19 апрелдаги  
ПҚ-3674-сонли қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил  
30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион  
ривожланиш вазирлигининг фаолиятини ташкиллаштириш  
ҳақида»ги ПҚ-3416-сонли қарорига киритилаётган  
ўзгартиш ва қўшимчалар**

- 1-илова «Илғор технологиялар Маркази» блоки билан тўлдирилсин.
- 3-илованинг 5-бандида:  
тўртинчи хатбоши қўйидаги билан тўлдирилсин:  
«Илғор технологиялар маркази»;  
тўртинчи — саккизинчи хатбошилар мувофиқ равишда бешинчи —  
тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 19 апрелдаги  
ПҚ-3674-сонли қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган деб ҳисобланган айрим қарорларининг  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 26 октябрдаги «Тошкент шаҳрида Кембридж университетининг иштирокида Юқори технологиялар марказини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1631-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2699-сон қарорининг 37-иловаси 6-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**336 Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ерлардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларни мақбул жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ер участкаларини бериш тартиб-таомиллари ношаффоф ва бюрократиялаштирилган бўлиб қолмоқда, бу эса тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳудудларнинг замонавий меъморий қиёфасини яратишда ерлардан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига келиб тушаётган ер участкаларини беришдаги ҳуқуқбузарликлар ёки уларни асоссиз олиб қўйиш билан боғлиқ кўплаб мурожаатлар ер участкаларини беришнинг танлов тартиби лозим даражада йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда.

Ваколатли органлар фаолиятида ер участкаларини бериш бўйича материалларни кўриб чиқиш ва келишишда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан тўлиқ ҳажмда фойдаланиш таъминланмаяпти, бу эса рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларининг чўзилишига ва бюрократик тўсиқларга сабаб бўлмоқда.

Кўпчилик аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд эмаслиги, эскирган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари комплекс қуриш талабларига риоя этилмаслигига ва аҳоли пунктларининг меъморий қиёфаси ёмонлашувига олиб келмоқда.

Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини бериш механизмларини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлардаги бюрократик тартиб-таомиллар ва тўсиқларни қисқартириш мақсадида:

1. 2018 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

юрidik ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга оширилади;

ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишиш фақат замона-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 апрелда эълон қилинган.

вий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қонун ҳужжатлари нормаларини ва амалиётда уларни қўллашдаги мавжуд муаммоларни танқидий таҳлил қилиш асосида юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бирхиллаштириш бўйича қарор қабул қилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга бериладиган ер участкаларини ажратиш бўйича материалларни йиғиш ва ваколатли ташкилотлар билан келишиш тартиб-таомилларини бажариш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишни, шунингдек, уни «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси билан интеграция қилишни;

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион ўтказиш орқали берилишини ташкил этишни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

аҳоли пунктларининг бош режалари лойиҳаларига, қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига бўлган талабларни лойиҳаларнинг таркибини, уларни келишиш тартиби ва муддатларини соддалаштирган, шунингдек, аҳоли пунктларини ривожлантириш ва қуришни режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш нархларини пасайтирган ҳолда тубдан қайта кўриб чиқишни;

аҳоли пунктлари қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни молиялаштиришда тадбиркорлик субъектлари — давлат-хусусий шериклик иштирокчиларига батафсил режалаштириш лойиҳаларида кўрсатилган чегаралар доирасида ер участкаларини олишга устунлик ҳуқуқини тақдим қилган ҳолда давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этишни;

аҳоли пунктлари бош режаларидан, қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларидан уларнинг очиқ график қисмини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари веб-сайтларида эълон қилиш орқали

ҳаммининг фойдаланиш имкониятини таъминлашни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Қўйидагилар:

ҳисоб-китоб (смета) қиймати 2 миллиард сўм ва ундан юқори бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати даражасида тасдиқлаш;

қурилиш (реконструкция, капитал таъмирлаш) қиймати олдин эълон қилинган қийматидан ошган ижтимоий ва фуқаролик аҳамиятига эга объектлар бўйича хулосалар бериш тартиби бекор қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги «Ижтимоий ва фуқаро объектларини лойиҳалаш ва қуришда тегишли тартиб ўрнатиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1666-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 20 апрель,  
ПҚ-3677-сон

**УЧИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**337** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПҚ–3549-сон қарори)\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПҚ–3549-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири А.И. Ахмедхаджаев зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 20 апрель,  
297-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 апрелда эълон қилинган.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 20 апрелдаги 297-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 92-модда) билан тасдиқланган Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга қуйидаги мазмундаги 12<sup>3</sup>-банд қўшилсин:

«12<sup>3</sup>. Экспорт қилувчилар товарлар, ишлар (хизматлар) экспортини, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган рўйхат бўйича айрим товарлардан ташқари, Интернет тармоғининг электрон савдо майдончалари воситасида экспорт контракти тузмасдан ва товарлар, ишлар (хизматлар) экспорти учун банк воситачилик ҳақи олинмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрдаги 592-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 12-сон, 109-модда) билан тасдиқланган Радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшитириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибда лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 18-банди ўн бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 11-сон, 108-модда):

а) 1-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тузилмасида ходимларнинг энг кўп сони 89 нафардан иборат бўлган «Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази» давлат муассасаси (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил қилинсин»;

б) 2-бандда:

биринчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин; учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилансинки, Марказнинг вилоят бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади»;

в) 5-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон

Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан тасдиқланадиган смета доирасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шу жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялар берилиши учун давлат божлари тўлашдан тушадиган ҳамда мониторинг ва назорат органларини сақлаб туришга йўналтириладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади»;

г) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Марказни босма ва китоб маҳсулотининг бепул назорат нусхаларини оладиган ташкилотлар рўйхати-га киритсин»;

д) 2-иловада:

1-банднинг биринчи хатбошидаги, 2 ва 19-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан тасдиқланадиган смета доирасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шу жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялар берилиши учун давлат божлари тўлашдан тушадиган ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мониторинг ва назорат органларини сақлаб туришга йўналтириладиган маблағлар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади»;

10-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг» ва «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири томонидан» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг» ва «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг тўртинчи хатбошидаги ва 17-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарори

(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Ягона электрон реестрлар ва маълумотлар базаларини шакллантириш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол қўллаш ҳисобига улар фаолияти самарадорлиги, тезкорлиги ва очиқлигини ошириш, улар томонидан кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари доирасини кенгайтириш ва сифатини ошириш, давлат бошқа органлари, юридик ва жисмоний шахслар билан идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш Давлат органларининг ахборот тизимларини яратишнинг мақсади ҳисобланади»;

б) 5-банднинг олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан «ягона дарча» таъминлаш бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш учун «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграцион платформа билан интеграциялашиш имконияти, бунда электрон давлат хизматларини кўрсатадиган давлат органи кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, ариза берувчининг иштирокисиз, идоралараро электрон ҳамкорлик воситасида олади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги 282-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва «ZiyoNET» тармоғининг технологик майдончасида жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 октябрдаги 214-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 76-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 16-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-иловадаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий коммуникациялар соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб боришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 июндаги 132-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 6-сон, 36-модда) илованинг 2-бан-

дидаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 32-33-сон, 336-модда):

а) 1-банднинг учинчи хатбошидаги ва 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг ўн тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин: «лавозими бўйича — Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази бошлиғи, Комиссия котиби».

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 1 февралдаги 24-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 2-сон, 3-модда) 1-бандининг биринчи, олтинчи ва еттинчи хатбошиларидаги ва 2-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Компьютерлаштириш маркази» сўзлари «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 апрелдаги 98-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 22-модда) билан тасдиқланган Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«60 фоиз — Миллий кутубхона ва республиканинг ахборот-коммуникация муассасалари фаолиятига янги ахборот-коммуникация технологияларини, дастурий таъминотни жорий қилишга ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шунингдек, Республика ахборот-кутубхона маркази фаолиятини молиялаштиришга».

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 декабрдаги 356-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 87-модда) билан тасдиқланган Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 5-бандида:

а) ўн учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) ўн тўртинчи ва йигирма тўртинчи хатбошилар тегишли равишда ўн учинчи ва йигирма учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) қўйидаги мазмундаги йигирма тўртинчи ва йигирма бешинчи хатбошилар қўшилсин:

«худудларда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш дастурларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-

камаси томонидан тасдиқланадиган манзилли рўйхатга киритилган устувор лойиҳаларни амалга ошириш;

белгиланган тартибда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида халқаро консалтинг компаниялари ва экспертларни жалб қилиш, ўзининг IT-инфратузилмасини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ходимларини, шунингдек, давлат органлари бўлинмаларининг ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш».

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 январдаги 18-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 1-сон, 4-модда) билан тасдиқланган Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги намунавий низомда:

а) 4-бандга қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Ихтисослаштирилган бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилишда уларнинг белгиланган тартибда ўтказиладиган аттестациядан ўтиши натижалари ҳисобга олинади»;

б) 8-банддаги «50 фоизгача» сўзлари «камида 100 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 январдаги 21-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 6-сон, 66-модда) илованинг 12-бандидаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 92-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 4-сон, 35-модда) илованинг 18-бандидаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 23 апрелдаги 102-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 4-сон, 38-модда):

а) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича Давлат инспекциясининг» сўзлари «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация техноло-

гиялари соҳасида назорат бўйича инспекциянинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича Давлат инспекциясининг» сўзлари «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекциянинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) илованинг 2-банди биринчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича Давлат инспекцияси томонидан» сўзлари «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 майдаги 120-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 5-сон, 37-модда) 1-илованинг 23-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича Давлат инспекцияси» сўзлари «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 22 майдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-385-сонли Қонунини бажариш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 8 сентябрдаги 259-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 9-сон, 78-модда):

а) 1-банддаги «иктисодиётни» сўзи «ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «иктисодиётни» сўзи «ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) илованинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 4 августдаги 587-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 32-сон, 810-модда) 7-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазиригининг» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 августдаги 728-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 38-сон, 1036-модда) 1-илованинг 35-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича Давлат инспекцияси томонидан» сўзлари «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг

айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 21 декабрдаги 1005-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 декабрдаги 1006-сон қарори билан тасдиқланган Экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Гадбиркорлик субъектлари экспорт контракти тузмасдан ва товарлар, ишлар (хизматлар) экспорти учун банк воситачилик ҳақи олинмасдан Интернет тармоғидаги электрон савдо майдончалари воситасида товарлар, ишлар (хизматлар) экспортини амалга оширишга ҳақлидир, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича айрим товарлар бундан мустасно».

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 1038-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисидаги низомнинг 9-бандига қўйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши қўшилсин:

«Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази».

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**338** Ички ишлар органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2998*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ички ишлар органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ички ишлар вазири**

Тошкент ш.,  
2018 йил 28 февраль,  
18-сон

**П. БОБОЖОНОВ**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2018 йил 28 февраль,  
55-сон

**Д. КУЧКАРОВ**

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 апрелда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги ва Молия  
вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги  
18 ва 55-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ички ишлар органларида мажбурий хизматни ўташ  
ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари  
бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кирган фуқаролар (бундан буён матнда курсант деб юритилади) ҳамда Вазирлик томонидан хорижий давлатлар олий таълим муассасаларига ўқишга юбориладиган фуқаролар (бундан буён матнда тингловчи деб юритилади) билан белгиланган тартибда ўқишни тамомлаганидан кейин беш календарь йили мобайнида ички ишлар органларида, шунингдек тақсимот бўйича юборилганда бошқа давлат идораларида мажбурий узлуксиз хизмат ўташлари ҳақида белгиланган тартибда шартнома тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом талаблари Вазирлик олий ҳарбий таълим муассасаларининг кундузги таълим шаклини ҳамда хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган ва мажбурий узлуксиз хизмат ўташ учун ички ишлар органларига ёки тақсимот бўйича бошқа давлат идораларига юборилган шахсларга (бундан буён матнда ходим деб юритилади) нисбатан татбиқ этилади.

2. Вазирлик олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган ва Вазирлик томонидан хорижий давлатлар олий таълим муассасаларига ўқишга юборилган фуқаролар ҳамда Вазирлик ўртасида ўқишни тамомлагандан кейин беш календарь йили мобайнида ички ишлар органларида, шунингдек тақсимот бўйича юборилганда бошқа давлат идораларида мажбурий узлуксиз хизмат ўташлари ҳақида шартнома тузилади.

3. Шартнома шартлари ҳамда унинг бажарилмаслиги сабабли моддий жавобгарлик ҳақида номзод (шунингдек унинг ота-онаси) ўқишга киргунига қадар дастлабки танлов даврида ёзма равишда огоҳлантирилади.

Бунда Вазирликнинг тегишли бош бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларида тузиладиган ишчи

гуруҳлар томонидан номзод (шунингдек унинг ота-онаси) ёзма равишда огоҳлантирилади ва улардан мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тилхат олинади.

4. Курсант, тингловчи ёки ходим томонидан шартнома шартлари бажарилмаса ундан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан (бундан буён матнда давлат бюджети деб юритилади) ўқишига сарфланган маблағлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирилади.

### **2-боб. Шартнома тузиш**

5. Шартнома олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кирган фуқаролар ҳамда Вазирлик томонидан хорижий давлатлар олий таълим муассасаларига ўқишга юбориладиган фуқаролар билан белгиланган тартибда ўқишни тамомлаганидан кейин беш календарь йили мобайнида ички ишлар органларида, шунингдек тақсимот бўйича юборилганда бошқа давлат идораларида мажбурий узлуксиз хизмат ўташлари учун тузилади.

6. Курсант ва Вазирлик номидан Вазирлик олий ҳарбий таълим муассасаси раҳбари ўртасида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда шартнома тузилади.

Тингловчи ва Вазирлик номидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари — Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи ўртасида мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда шартнома тузилади.

Курсантлар ёки тингловчилар сафидан чиқарилиб ўқишга қайта тикланган курсант ва тингловчи билан қайта шартнома тузилиши шарт.

7. Шартнома икки нусхада давлат ёки рус тилида тузилади.

Шартномани тузиш томонларнинг имзолашлари орқали амалга оширилади.

8. Курсант ёки тингловчи шартнома тузишни рад қилганда, мазкур ҳолат бўйича масъул ходим томонидан далолатнома расмийлаштирилади.

Далолатномада курсант ёки тингловчининг шартнома тузишни рад этиш сабаблари, курсант ёки тингловчини ўқишга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами ва санаси кўрсатилади.

9. Тузилган шартноманинг бир нусхаси курсант ёки тингловчига берилади, иккинчи нусхаси курсант ёки тингловчининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига бириктирилади.

### **3-боб. Ўқитишга сарфланган маблағларни қоплаш**

10. Хизматни мажбурий ўташи лозим бўлган муддатдан олдин бўшатишган ходим унинг Вазирлик олий ҳарбий таълим муассасасида ёки хорижий давлатлар олий таълим муассасасида таълим олиши учун давлат бюджетидан сарфланган маблағлар у хизматдан бўшатишган кундан бошлаб 30 кун ичида давлат бюджетига қайтарилиши кераклиги ҳақида огоҳлантирилади.

11. Ходим томонидан қайтарилиши лозим бўлган пул маблағлари юри-

дик шахслар томонидан тўлаб берилиши мумкин. Бунда пул маблағларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаб беришга йўл қўйилмайди.

12. Ходим қайтарилиши лозим бўлган пул маблағларини тўлагандан кейин тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини ўзининг сўнгги иш жойига тақдим қилиши лозим.

13. Ходим томонидан қайтарилиши лозим бўлган пул маблағлари муддатидан қайтарилмаган тақдирда у белгиланган тартибда суд орқали ундирилади.

14. Пул маблағларини тўлаган ходим хизматга тикланган тақдирда ундан ундирилган пул маблағлари тўлиқ қайтарилади.

15. Ходим Вазирлик олий ҳарбий таълим муассасасини ёки хорижий давлатлар олий таълим муассасасини тамомлагандан кейин шартномани муддатидан илгари бекор қилганда, ундан ундириладиган пул маблағлари беш календарь йили мобайнида ўталган ва ўталмай қолган хизмат даврининг нисбатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Бунда ходимни Вазирлик олий ҳарбий таълим муассасасида ёки хорижий давлатлар олий таълим муассасасида ўқитишга сарфланган харажатлар ходим учун йўналтирилган давлат бюджети маблағлари миқдоридан келиб чиқиб, ходим хизматни ички ишлар органлари тизимида ўтаган бўлса, Вазирликнинг тегишли таркибий тузилмаси ёки ходим хизматни тақсимот бўйича юборилган давлат идораларида ўтаган тақдирда Вазирлик томонидан ҳисобланади.

16. Ходимнинг Вазирлик олий ҳарбий таълим муассасасида ёки хорижий давлатлар олий таълим муассасасида ўқиши учун сарфланган маблағларни ҳисоблашда қуйидагилар эътиборга олинади:

профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи;

курсантга тўланган стипендия;

дори воситалари таъминоти;

кийим-кечак таъминоти;

озик-овқат таъминоти;

курсантларнинг иш ўрганиш амалиётини (стажировкани) ташкил этиш билан боғлиқ хизмат сафари харажатлари;

йўл харажатлари (тингловчилар учун).

17. Давлат бюджетидан 1 та курсант ёки тингловчи учун 1 йилда сарфланадиган маблағнинг белгиланган қиймати ҳар йили 1 апрелга қадар Вазирлик олий ҳарбий таълим муассасаси ёки Вазирликнинг ўтган молия йили кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳисобланади ҳамда тегишли раҳбар томонидан тасдиқланади, шунингдек белгиланган тартибда сақланади.

18. Давлат бюджетидан 1 та курсант учун 1 йилда сарфланадиган маблағ қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$\text{СМЙ} = (\text{ПЎИХ} + \text{С} + \text{ДВ} + \text{КК} + \text{ОО} + \text{ХСХ}) / \text{ШС},$$

СМЙ — 1 йилда давлат бюджетининг 1 та курсант учун сарфланадиган маблағлар йиғиндиси;

ПЎИХ — профессор-ўқитувчилар таркиби иш ҳақи;

С — стипендия;  
 ДВ — дори воситалари;  
 КК — кийим-кечак;  
 ОО — озиқ-овқат;  
 ХСХ — хизмат сафари харажатлари;  
 ШС — курсантларнинг умумий сони.

19. Давлат бюджетидан 1 та тингловчи учун 1 йилда сарфланадиган маблағ қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$\text{СМЙ} = \text{КК} + \text{ЙХ},$$

СМЙ — 1 йилда давлат бюджетининг 1 та тингловчи учун сарфланадиган маблағлар йиғиндиси;

КК — кийим-кечак;  
 ЙХ — йўл харажатлари.

20. Ходим Вазирлик олий ҳарбий таълим муассасасида ёки хорижий давлатлар олий таълим муассасасида ўқишининг бутун даври учун сарфланган давлат бюджети маблағларининг миқдори ҳар йили курсант ёки тингловчи учун сарфланган давлат бюджети маблағларининг йиғиндисини қўшган ҳолда аниқланади.

21. Вазирлик олий ҳарбий таълим муассасасида ёки хорижий давлатлар олий таълим муассасасида таълим олганлик учун ходимлар томонидан қопланиши керак бўлган давлат бюджети маблағларининг миқдори қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$\text{ММ} = (5 - \text{ТХЙ} - \text{ТХО} / 12 - \text{ХЎК} / 365) \times (\text{СБММ} / 5),$$

ММ — маблағлар миқдори;

ТХЙ — ходим Вазирлик олий ҳарбий таълим муассасасини ёки хорижий давлатлар олий таълим муассасасини тамомлаганидан кейин ички ишлар органларида ёки тақсимот бўйича юборилган давлат идорасида тўлиқ хизмат ўтаган йиллар;

ТХО — ходим ички ишлар органларидан ёки тақсимот бўйича юборилган давлат идорасидан хизматдан бўшатиш йилига келиб тўлиқ хизмат ўтаган ойлар;

ХЎК — ходим хизматдан бўшатилиш йилида ички ишлар органларида ёки тақсимот бўйича юборилган давлат идорасида хизмат ўтаган кунлар;

СБММ — ўқишининг бутун даври учун сарфланган давлат бюджети маблағларининг миқдори.

#### 4-боб. Яқуний қоидалар

22. Ушбу Низомда қайд этилган масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ички ишлар органларида мажбурий  
хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни  
тузиш ҳамда шартнома шартлари  
бажарилмаганда харажатларни қоплаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

Мен, \_\_\_\_\_га  
(Ўзбекистон Республикаси ИИБ ёки хорижий давлат олий таълим муассасаси номи)

ўқишга киришга номзод \_\_\_\_\_ ўқишга  
(Ф.И.О.)

қабул қилинсам мен билан тузиладиган шартнома шартларини ўқишни тамомлаганимдан сўнг бажармаганлигим сабабли, захирага бўшатишсам, шартномани муддатидан илгари бекор қилсам ёки жиноят содир этиб жавобгарликка тортилсам, моддий жавобгарлигим тўғрисида огоҳлантирилдим.

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Биз, \_\_\_\_\_га ўқишга  
(Ўзбекистон Республикаси ИИБ ёки хорижий давлат олий таълим муассасаси номи)

киришга номзоднинг ота-онаси, фарзандимиз \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

ўқишга қабул қилинса, у билан тузиладиган шартнома шартларини ўқишни тамомлаганидан сўнг бажармаганлиги сабабли, захирага бўшатишса, шартномани муддатидан илгари бекор қилса ёки жиноят содир этиб жавобгарликка тортилса, моддий жавобгарлигимиз тўғрисида огоҳлантирилдик.

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Ички ишлар органларида мажбурий  
хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни  
тузиш ҳамда шартнома шартлари  
бажарилмаганда харажатларни қоплаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган фуқаро (курсант) билан ўқиш (хизмат ўташ) ва ўқишни тамомлаганидан кейин беш календарь йили мобайнида ички ишлар органларида, шунингдек тақсимот бўйича юборилганда бошқа давлат идораларида мажбурий узлуксиз хизмат ўташ тўғрисида ШАРТНОМА**

## 1. Шартнома предмети

Мен \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

(туғилган санаси, оий ва йили)

**(бундан буён матнда курсант деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) номидан \_\_\_\_\_ билан**  
(олий ҳарбий таълим муассасаси бошлигининг унвони ва Ф.И.О.)

**ихтиёрий равишда курсант сифатида \_\_\_\_\_ да**  
(олий ҳарбий таълим муассасасининг номи)

**\_\_\_\_\_ ўқиш ва ўқишни тамомлаганидан кейин беш**  
(ўқиш даври)

**календарь йили мобайнида ички ишлар органларида, шунингдек тақсимот бўйича юборилганда бошқа давлат идораларида мажбурий узлуксиз хизмат ўташ тўғрисида ушбу шартнома тузилди.**

## 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 2.1. Курсантнинг ҳуқуқлари:

а) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлардан ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган чекловлар ва тақиқларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш;

б) командирлар (бошлиқлар) ва бошқа мансабдор шахслар томонидан ўзига нисбатан адолатли муносабатда бўлишлари ҳамда шаъни ва кадр-қимматининг ҳурмат қилинишига;

в) Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган тартибда давлат ҳисобидан пул ва моддий таъминланиш;

г) Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган тартибда давлат пенсия таъминоти, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланиш;

д) Ўзбекистон Республикасида белгиланган таълим стандартларига мувофиқ таълим олиш;

е) ҳаёти ва соғлиғини ҳимоялаш;

ж) Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган тартибда ва шартларда хизмат ўташ ҳақида шартнома тузиш ва уни бекор қилиш;

з) хавфсизлик техникаси ва гигиена талабларига мос келадиган хизмат шaroитларига эга бўлиш;

и) давлат томонидан суғурталаниш;

к) хизмат мажбуриятларини бажариш муносабати билан юзага келган тортишувларни томонлар келишуви ёки суд тартибида ҳал қилиш;

л) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа кафолатлар ва компенсацияларни олиш.

## **2.2. Курсантнинг мажбуриятлари:**

а) келгусида Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, конституциявий тузумни ҳимоячиси — офицер сифатида хизмат олиб бориш учун зарур бўлган билим ҳамда кўникмаларни сидқидилдан ва кунт билан эгаллаш;

б) ўқиш даври мобайнида курсант (ходим) сифатида хизмат олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ва олий ҳарбий таълим муассасаси бошлиғининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган умуммажбурий, функционал ва махсус мажбуриятларни виждонан адо этиш;

в) ўқишни тамомлаганидан кейин беш календарь йили мобайнида тақсимот бўйича ўзи юборилган вазирлик ёки бошқа давлат идораси билан офицерлар таркиби лавозимларда хизмат ўташ тўғрисида шартнома тузиш;

г) ўқишни тамомлаганидан кейин беш календарь йили мобайнида ички ишлар органларида, шунингдек тақсимот бўйича юборилганда бошқа давлат идораларида мажбурий узлуксиз хизмат ўташ;

д) шартнома шартларини бажармаганлик учун ўқитишга сарфланган давлат бюджети маблағларини қайтариш.

## **2.3. Вазирликнинг ҳуқуқлари:**

а) хизмат ўташ тартиби ва шартларидан келиб чиққан ҳолда курсант (ходим)ни қонунчиликда назарда тутилган айрим ҳуқуқ ва эркинликларидан чеклаш;

б) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида шартнома тузиш ва уни бекор қилиш;

в) курсант (ходим) билан юзага келган низоларни томонлар келишуви ёки суд тартибида ҳал қилиш;

г) курсант (ходим)ни Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, конституциявий тузумни ҳимоялаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш бўйича хизмат-жанговар вазифаларни бажаришга юбориш;

д) олий таълим муассасасини тамомлаганидан кейин ходимни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Қуроли Кучлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тақсимот бўйича Ўзбекистоннинг ҳар қандай минтақасига хизмат ўташ учун юбориш.

#### **2.4. Вазирликнинг мажбуриятлари:**

а) олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинадиган номзодни таълим олиш ва келгусида хизмат ўташ шартлари билан таништириш;

б) номзодни хизмат ўташнинг зарарли ва хавfli шароитлари, касбий касалликка дучор бўлиши мумкинлиги, шунингдек хизмат мажбуриятларини бажариш муносабати билан баъзи ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиши ҳақида огоҳлантириш;

в) мазкур шартномани тузган курсант (ходим) ва унинг оила аъзолари ҳуқуқларини қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлаш;

г) курсант (ходим)ни мажбурий суғурта қилишни таъминлаш;

д) курсант (ходим)ни белгиланган пул ва моддий таъминот билан таъминлаш;

е) курсант (ходим)га таълим стандартлари бўйича билим ва кўникмалар берилишини кафолатлаш;

ж) курсант (ходим)га тегишли таълим олиш ва яшаш шароитларини яратиш;

з) курсант (ходим)га хизмат мажбуриятларини бажаришда соғлиғига етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш;

и) олий ҳарбий таълим муассасасида якуний давлат аттестацияси имтиҳонлари ҳамда битирув малакавий ишини муваффақиятли топшириб ўқишни тамомлаган курсантга офицер унвони берилганидан кейин, офицерлар таркибидаги лавозимларда хизмат ўташ имкониятини бериш.

### **3. Томонларнинг жавобгарлиги**

3.1. Томонлар зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт;

3.2. Шартнома шартларига риоя қилмаганлик учун томонлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

### **4. Шартномани бекор қилиш тартиби**

4.1. Курсант олий ҳарбий таълим муассасасидан шартнома амал қилиш муддати тугашидан аввал курсантлар сафидан четлаштирилганида;



4.2. Курсант (ходим) вафот этиши, бедарак йўқолган деб топилганлиги ёки вафот этган деб эълон қилинганлиги муносабати билан ички ишлар органлари шахсий таркиби рўйхатидан ўчирилиши кунидан бошлаб;

4.3. Курсант (ходим) ички ишлар органларидан ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси асосида ёки ташкилий-штат ўзгаришлари сабабли бўшатишганда;

4.4. Курсант (ходим)нинг ота-онаси, ака-укалари ёки опа-сингилларидан бири назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиси бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган тақдирда;

4.5. Амал қилиш муддати тугаганида.

## 5. Яқуний қоидалар

5.1. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

5.2. Ушбу шартнома 20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_гача амал қилади.

5.3. Шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилди ва улар бир хил юридик кучга эга.

## 6. Томонларнинг манзили ва реквизитлари:

«Курсант»

«Вазирлик»

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(Ф.И.О. имзо)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(мансабдор шахснинг лавозими, унвони,  
Ф.И.О., имзо, М.Ў.)

Ички ишлар органларида мажбурий  
хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни  
тузиш ҳамда шартнома шартлари  
бажарилмаганда харажатларни қоплаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган  
фуқаро (тингловчи) билан ўқиш (хизмат ўташ) ва ўқишни  
тамомлаганидан кейин беш календарь йили мобайнида  
ички ишлар органларида, шунингдек тақсимот бўйича  
юборилганда бошқа давлат идораларида мажбурий  
узлуксиз хизмат ўташ тўғрисида  
ШАРТНОМА**

## 1. Шартнома предмети

Мен \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

(туғилган санаси, ойн ва йили)

(бундан буён матнда тингловчи деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) номидан \_\_\_\_\_ билан  
(вазирлик мансабдор шахсининг лавозими, унвони ва Ф.И.О.)

ихтиёрий равишда тингловчи сифатида \_\_\_\_\_ да  
(хорижий давлат олий таълим муассасасининг номи)

\_\_\_\_\_ ўқиш ва ўқишни тамомлаганидан кейин беш календарь  
(ўқиш даври)

йили мобайнида ички ишлар органларида, шунингдек тақсимот бўйича юборилганда бошқа давлат идораларида мажбурий узлуксиз хизмат ўташ тўғрисида ушбу шартнома тузилди.

## 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 2.1. Тингловчининг ҳуқуқлари:

а) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлардан ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган чекловлар ва тақиқларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш;

б) командирлар (бошлиқлар) ва бошқа мансабдор шахслар томонидан ўзига нисбатан адолатли муносабатда бўлишлари ҳамда шаъни ва кадр-қимматининг ҳурмат қилинишига;

в) Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган тартибда давлат ҳисобидан пул ва моддий таъминланиш;

- г) Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган тартибда давлат пенсия таъминоти, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланиш;
- д) белгиланган таълим стандартларига мувофиқ таълим олиш;
- е) ҳаёти ва соғлиғини ҳимоялаш;
- ж) Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган тартибда ва шартларда хизмат ўташ ҳақида шартнома тузиш ва уни бекор қилиш;
- з) хавфсизлик техникаси ва гигиена талабларига мос келадиган хизмат шароитларига эга бўлиш;
- и) давлат томонидан суғурталаниш;
- к) хизмат мажбуриятларини бажариш муносабати билан юзага келган тортишувларни томонлар келишуви ёки суд тартибида ҳал қилиш;
- л) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа кафолатлар ва компенсацияларни олиш.

## **2.2. Тингловчининг мажбуриятлари:**

а) келгусида Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, конституциявий тузумнинг ҳимоячиси — офицер сифатида хизмат олиб бориш учун зарур бўлган билим ҳамда кўникмаларни сидқидилдан ва қунт билан эгаллаш;

б) ўқиш даври мобайнида тингловчи (ходим) сифатида хизмат олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ва хорижий давлат олий таълим муассасаси бошлиғининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган умуммажбурий, функционал ва махсус мажбуриятларни виждонан адо этиш;

в) ўқишни тамомлаганидан кейин беш календарь йили мобайнида тақсимот бўйича ўзи юборилган вазирлик ёки бошқа давлат идораси билан офицерлар таркиби лавозимларида хизмат ўташ тўғрисида шартнома тузиш;

г) ўқишни тамомлаганидан кейин беш календарь йили мобайнида ички ишлар органларида, шунингдек тақсимот бўйича юборилганда бошқа давлат идораларида мажбурий узлуксиз хизмат ўташ;

д) шартнома шартларини бажармаганлик учун ўқитишга сарфланган давлат бюджети маблағларини қайтариш.

## **2.3. Вазирликнинг ҳуқуқлари:**

а) хизмат ўташ тартиби ва шартларидан келиб чиққан ҳолда тингловчи (ходим)ни қонунчиликда назарда тутилган айрим ҳуқуқ ва эркинликларидан чеклаш;

б) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида шартнома тузиш ва уни бекор қилиш;

в) тингловчи (ходим) билан юзага келган низоларни томонлар келишуви ёки суд тартибида ҳал қилиш;

г) тингловчи (ходим)ни Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва

худудий яхлитлигини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, конституциявий тузумни ҳимоялаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш бўйича хизмат-жанговар вазифаларни бажаришга юбориш;

д) олий таълим муассасасини тамомлаганидан кейин ходимни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Қуролли Кучлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тақсимот бўйича Ўзбекистоннинг ҳар қандай минтақасига хизмат ўташ учун юбориш.

#### **2.4. Вазирликнинг мажбуриятлари:**

а) хорижий давлат олий таълим муассасасига ўқишга юборилаётган номзодни таълим олиш ва келгусида хизмат ўташ шартлари билан таништириш;

б) номзодни хизмат ўташнинг зарарли ва хавfli шароитлари, касбий касалликка дучор бўлиши мумкинлиги, шунингдек хизмат мажбуриятларини бажариш муносабати билан баъзи ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиши ҳақида огоҳлантириш;

в) мазкур шартномани тузган тингловчи (ходим) ва унинг оила аъзолари ҳуқуқларини қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлаш;

г) тингловчи (ходим)ни мажбурий суғурта қилишни таъминлаш;

д) тингловчи (ходим)ни белгиланган пул ва моддий таъминот билан таъминлаш;

е) тингловчи (ходим)га таълим стандартлари бўйича билим ва кўникмалар берилишини кафолатлаш;

ж) тингловчи (ходим)га тегишли таълим олиш ва яшаш шароитларини яратиш;

з) тингловчи (ходим)га хизмат мажбуриятларини бажаришда соғлиғига етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш;

и) хорижий давлат олий таълим муассасасида ўқишни тамомлаган тингловчига офицер унвони берилганидан кейин, офицерлар таркибидаги лавозимларда хизмат ўташ имкониятини бериш.

### **3. Томонларнинг жавобгарлиги**

3.1. Томонлар зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

3.2. Шартнома шартларига риоя қилмаганлик учун томонлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

### **4. Шартномани бекор қилиш тартиби**

4.1. Тингловчи хорижий давлат олий таълим муассасасидан шартнома амал қилиш муддати тугашидан аввал тингловчилар сафидан четлаштирилганида;

4.2. Тингловчи (ходим) вафот этиши, бедарак йўқолган деб топилганлиги ёки вафот этган деб эълон қилинганлиги муносабати билан ички ишлар органлари шахсий таркиби рўйхатидан ўчирилиши кунидан бошлаб.

4.3. Тингловчи (ходим) ички ишлар органларидан ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси асосида ёки ташкилий-штат ўзгаришлари сабабли бўшатишганда;

4.4. Тингловчи (ходим)нинг ота-онаси, ака-укалари ёки опа-сингилларидан бири назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиси бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган тақдирда;

4.5. Амал қилиш муддати тугаганида.

## 5. Яқуний қоидалар

5.1. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

5.2. Ушбу шартнома 20\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_гача амал қилади.

5.3. Шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилди ва улар бир хил юридик кучга эга.

## 6. Томонларнинг манзили ва реквизитлари:

«Тингловчи»

«Вазирлик»

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(Ф.И.О., имзо)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(мансабдор шахснинг лавозими, унвони,  
Ф.И.О., имзо, М.Ў.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**339** Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва олий таълим муассасаларига тўлов-контракт шакли асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2999*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва олий таълим муассасаларига тўлов-контракт шакли асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 26 сентябрдаги 73, 4-2016-сон «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва олий таълим муассасаларига тўлов-контракт шакли асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2838, 2016 йил 15 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 46-сон, 533-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 март,  
59-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 апрелда эълон қилинган.

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири****И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 март,  
5-2018-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус  
таълими вазирлигининг 2018 йил 6 мартдаги  
59, 5-2018-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан Ўзбекистон  
Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий  
хизматни ўтаган ва олий таълим муассасаларига тўлов-  
контракт шакли асосида ўқишга қабул қилинган  
талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ–213-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (бундан буён матнда Иттифоқ деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига тўлов-контракт шакли асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш шартлари ва тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидалар олий таълим муассасаларида бакалавриат таълим йўналиши бўйича тўлов-контракт шакли асосида ўқиётган талабаларга нисбатан қўлланилади.

2. Мазкур Қоидаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига тўлов-контракт шакли асосида ўқишга қабул қилинган талабалар жорий ўқиш йилида Иттифоқнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти фаолиятида фаол қатнашган тақдирда Иттифоқ томонидан моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлади.

3. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш

бўйича Давлат комиссияси қарори билан олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишига қўшимча оширилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабалар бакалавриат таълим йўналишининг иккинчи босқичидан бошлаб моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Моддий ёрдам кўрсатиш Иттифоқ томонидан мазкур Қоидаларнинг 1-бандида кўрсатилган талабаларга тўлов-контракт шакли асосида ўқиш учун тузилган шартнома миқдорининг 35 фоизини тўлаш орқали кўрсатилади. Бунда талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш улар томонидан шартномада белгиланган тўлов миқдорининг 65 фоизини белгиланган муддатларда тўлаш шарти билан амалга оширилади.

## **2-боб. Талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш**

5. Ҳар йили 1 февралдан кечикмай олий таълим муассасаси Иттифоқнинг олий таълим муассасасидаги бошланғич ташкилоти Ёшлар Кенгашига (бундан буён матнда Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган ва олий таълим муассасасига тўлов-контракт шакли асосида ўқишга қабул қилинган талабаларнинг (бундан буён матнда талабалар деб юритилади) рўйхатини, шунингдек уларнинг ўзлаштириши ва интизоми тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилади.

6. Ҳар йили 20 февралдан кечикмай талабалар Иттифоқнинг Ёшлар Кенгашига Иттифоқ томонидан моддий ёрдам кўрсатилиши тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.

7. Ҳар йили 1 мартдан 5 мартга қадар бўлган муддатда Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши талабаларнинг аризаларини кўриб чиқади ҳамда мазкур Қоидаларнинг 9-бандида кўрсатилган кўрсаткичлар асосида қарор қабул қилади.

8. Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиш натижасида:

талабага моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Иттифоқнинг Марказий Кенгашига тавсия этиш ҳақида;

талабани моддий ёрдамга тавсия этишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Талабани моддий ёрдамга тавсия этиш рад этилган тақдирда, Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши мажлисининг баёнида муайян талаба нима учун рад этилганлиги сабаблари аниқ кўрсатилади.

9. Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши талабаларни моддий ёрдамга тавсия этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда талабаларнинг олдинги ўқув йилидаги қуйидаги асосий кўрсаткичлари (биринчи босқич талабалари учун ўқув йилининг биринчи семестр натижалари)ни инобатга олади:

талабанинг Иттифоқ фаолиятидаги (маънавий-маърифий ва жамоат ишларида, Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши, маҳаллий ва ҳудудий кенгашла-



ри, Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган лойиҳа танловларидаги) фаол иштироки;

талабанинг олий таълим муассасасида белгиланган ички тартиб-қоидаларга риоя этиши (ички тартиб-қоидаларга риоя этилмаганлиги ҳолати фақатгина олий таълим муассасаси ректори томонидан эълон қилинган ҳайфсан олганлиги билан аниқланади, бунда талабанинг талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчасининг йўқотилганлиги учун олий таълим муассасаси ректори томонидан эълон қилинган ҳайфсан инobatга олинмайди);

талабанинг ўрганилаётган даврдаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи. Бунда талабанинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 71 ва ундан юқори фоиз бўлиши лозим. Талабанинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи ўрганилаётган даврдаги ўқув фанлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари йиғиндисини ўтилган ҳар бир семестрдаги ўқув фанларининг умумий сонига бўлиш орқали аниқланади.

10. Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши томонидан моддий ёрдам кўрсатиш учун талабаларни тавсия этиш тўғрисидаги қарор жорий ўқув йили мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

11. Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши мажлиси унинг ишида Кенгаш жами аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Кенгаш мажлисининг баённомаси Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши раҳбари ва Кенгашнинг мажлисида иштирок этган барча аъзолари томонидан имзоланади.

12. Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши мажлиси баённомасининг нусхаси уч иш кунида олий таълим муассасасига ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига тақдим этилади.

Баённоманинг нусхасига моддий ёрдам кўрсатишга тавсия этилган талабаларнинг рўйхати илова қилинади.

13. Иттифоқнинг Марказий Кенгаши Ёшлар Кенгашининг қарорини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳужжатлар қабул қилингандан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқади.

14. Иттифоқнинг Марказий Кенгаши қарорининг бир нусхаси олий таълим муассасасига, бир нусхаси Иттифоқнинг Ёшлар Кенгашига юборилади.

15. Иттифоқнинг Марказий Кенгаши талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин ўн банк куни мобайнида олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ҳазна ҳисобварақларига моддий ёрдам кўрсатиш пулини ўтказиши.

16. Олий таълим муассасаларининг ёзма мурожаатига кўра Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда талабаларни тавсия этиш билан боғлиқ масалани кўриб чиқиш муддатларига ўзгартириш киритилиши мумкин.

### **3-боб. Моддий ёрдам кўрсатиш пулининг қайтарилиши**

17. Талабалар сафидан чиқарилган ёки академик таътилга чиққан тала-

ба Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2431, 2013 йил 26 февраль) 28 ва 29-бандларига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўлаган маблағини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий газна ҳисобварақларига ўтказилган моддий ёрдам кўрсатиш пули қайта ҳисоб-китоб қилиниши ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига қайтарилиши лозим.

18. Олий таълим муассасаси талабалари сафидан чиқарилган талаба Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2431, 2013 йил 26 февраль) 27-бандига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўлаган маблағини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши тўланган моддий ёрдам кўрсатиш пулини талабадан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундиради.

19. Талаба моддий ёрдам олиш ҳуқуқидан воз кечса, олий таълим муассасаси талаба учун тўланган маблағни Иттифоқнинг Марказий Кенгашига ўн кун ичида қайтаради.

20. Мазкур Қоидаларнинг 17 — 19-бандларида кўрсатилган ҳолатлар юз берган тақдирда Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши Иттифоқнинг Марказий Кенгашига ўн кун ичида хабар беради.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Мазкур Қоидалар талабларининг бажарилиши, шунингдек Иттифоқ томонидан моддий ёрдам кўрсатилган талабаларнинг ўқув жараёнидаги иштироки, уларнинг ўзлаштириши, интизоми ва Иттифоқ фаолиятидаги иштироки устидан назорат қилиш тегишинча олий таълим муассасаси ҳамда Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши зиммасига юклатилади.

22. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан келишилган.

*Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши раиси*

**Қ. ҚУРАНБАЕВ**

*2018 йил 6 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**340 Дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3000*

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ–3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 9 март,  
13-сон

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил  
9 мартдаги 13-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя  
реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисида хабардор  
қилиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ–3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 апрелда эълон қилинган.

ги қарорига мувофиқ дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида даволаш-профилактика муассасалари, дорихоналар ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, реализация қилувчи ва қўлловчи ташкилотлар томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигини хабардор қилиш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомнинг талаблари даволаш-профилактика муассасалари, дорихоналар ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, реализация қилувчи ва қўлловчи ташкилотларга нисбатан татбиқ этилади.

2. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига асосан даволаш-профилактика муассасалари, дорихоналар ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, реализация қилувчи ва қўлловчи ташкилотлар дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

### **2-боб. Дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш**

3. Дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ ёзма шаклда Дори воситасининг қўлланилиши чоғида ножўя реакция аниқланган ҳолат тўғрисидаги хабарнома (бундан буён матнда хабарнома деб юритилади) расмийлаштирилади ва у мазкур Низомда белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилади.

4. Даволаш-профилактика муассасасида даволанаётган (шу жумладан стационар ёки амбулатор шароитда даволанаётган) шахсга нисбатан дори воситасини қўллаш чоғида ёки дори воситаси қўлланилгандан кейин унда ножўя реакциялар кузатилган ёки аниқланган ҳолларда ушбу ҳолатни кузатган ёки аниқлаган даволаш-профилактика муассасасининг ходими бу ҳақда зудлик билан даволовчи врачга хабар бериши зарур.

Даволовчи врач қўлланилган дори воситасининг ножўя реакцияси кузатилганлиги ёки аниқланганлигига ишонч ҳосил қилса, ушбу ҳолат бўйича 10 кун ичида хабарномани расмийлаштиради ва унинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилишини таъминлайди, мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Уй шароитида даволанган бемор ўзи истеъмом қилган дори воситасининг ножўя реакцияси юзасидан даволаш-профилактика муассасасига мурожаат қилганда, беморни қабул қилган врач унда кузатилган ёки аниқланган ножўя реакциянинг айнан у қўллаган дори воситасининг қўлланилиши оқибатида юзага келганлигига ишонч ҳосил қилса, ушбу ҳолат бўйича 10 кун

ичида хабарномани расмийлаштиради ва унинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилишини таъминлайди, мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Бунда хабарноманинг мурожаат қилган шахсга қирқиб берилиши лозим бўлган қисми тўлиқ тўлдирган ҳолда мурожаат қилган шахсга бериб юборилиши лозим.

6. Дорихона ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, реализация қилувчи ташкилотлар ўзи томонидан ишлаб чиқарилган ёки реализация қилинган дори воситасининг қўлланилиши чоғида ножўя реакция аниқланганлиги (кузатилганлиги) ҳақида маълумот олганда улар бу ҳақда 10 кун ичида хабарнома расмийлаштиради ва унинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилишини таъминлайди, мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Бунда дорихона, дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ва реализация қилувчи ташкилот ходимига ушбу ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган ёки реализация қилинган дори воситасининг қўлланилиши чоғида ножўя реакция кузатилганлиги ёки аниқланганлиги ҳақида хабар берилганда, у бу ҳақда зудлик билан ташкилот раҳбарига, у бўлмаганда эса, унинг ўрнини босувчи шахсга маълум қилади.

Дорихона, дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ва реализация қилувчи ташкилот раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахс дори воситасининг ножўя реакцияси кузатилганлиги ёки аниқланганлиги ҳақидаги хабарга асосланиб хабарнома расмийлаштиради ва унинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилишини таъминлайди.

7. Қўлланилган дори воситасининг ножўя реакцияси анафилактик реакция, Лайелл синдроми ёки Стивенс-Джонсон синдроми билан боғлиқ деб хулоса қилинса ёхуд бу ҳақда маълумот келиб тушса, шунингдек унинг оқибатида инсон вафот этганлиги аниқланса, хабарнома 1 кун ичида расмийлаштирилиши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилиши лозим.

8. Даволаш-профилактика муассасаси томонидан юбориладиган хабарнома даволаш-профилактика муассасаси врачлари томонидан, дорихона ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, реализация қилувчи ташкилотлар томонидан юбориладиган хабарнома эса, ушбу ташкилот раҳбари томонидан имзоланган бўлиши шарт.

9. Хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги ҳамда унинг ўз вақтида расмийлаштирилиши ва юборилиши учун хабарномани имзолаган шахс масъул ҳисобланади.

10. Дори воситаларини қўлловчи бошқа ташкилотлар дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида фаолиятининг хусусиятига кўра мазкур Низомда тегишлича даволаш-профилактика муассасалари ёхуд дорихона, дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ва реализация қилувчи ташкилот учун белгиланган тартибда хабар беради.

**3-боб. Яқуний қоидалар**

11. Мазкур Низомнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

12. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Савдо-саноат  
палатаси раиси**

**А. ИКРАМОВ**

2018 йил 5 март

Дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Дори воситасининг қўлланилиши чоғида ножўя реакция  
аниқланган ҳолат тўғрисидаги  
ХАБАРНОМА**

<b>Дори воситасининг ножўя реакциясини кузатган ёки аниқлаган шахс:</b> Ф.И.О: _____; Лавозими: _____ Ташкилот манзили: _____; Телефон: _____ Дори воситасининг ножўя реакцияси кузатилган ёки аниқланган сана: _____							
<b>Дори воситасининг ножўя реакцияси кузатилган шахс ҳақидаги маълумотлар:</b> Ф.И.О: _____ Амбулатор карта ёки касаллик тарихи рақами: _____ Жинси: <input type="checkbox"/> Эркак <input type="checkbox"/> Аёл Туғилган вақти: «__» _____ йил Тана вазни (кг): _____ Бўйи: _____ Ҳомиладорлиги: <input type="checkbox"/> ҳомиладорлик муддати _____ ҳафта Аллергиянинг мавжудлиги: <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/> ҳа Аллергия ҳақида маълумот: _____ Даволаниш: <input type="checkbox"/> амбулатор <input type="checkbox"/> стационар <input type="checkbox"/> уй шароитида							
<b>Қўлланилиши чоғида ножўя реакция кузатилган ёки аниқланган дори воситаси ҳақида маълумотлар</b>							
Т/р	Дори воситасининг номи	Ишлаб чиқарувчиси	Серияси	Қўллаш усули	Дори воситасининг қўлланилган дозаси	Даволаниш бошланган сана	Даволаниш тугаган сана
1.							
...							
Дори воситасининг қўлланилиши бўйича кўрсатмалар: _____ _____							
Ножўя реакция ҳақида қисқача маълумот: _____ _____					Ножўя реакция бошланган сана: «__» _____ 20__ йил.		
Ножўя реакция ҳақида тўлиқ маълумот (лаборатор ва инструментал кўрсаткичлар): _____ _____							

Ножўя реакциянинг олдини олиш бўйича кўрилган чоралар: _____ _____ _____	
Ножўя реакциянинг олдини олиш бўйича кўрилган чоралардан кейинги ҳолат: <input type="checkbox"/> касалликнинг асоратсиз тузалиши <input type="checkbox"/> инсон ўлими <input type="checkbox"/> ҳолатнинг яхшиланиши <input type="checkbox"/> номаълум <input type="checkbox"/> ҳолатнинг ўзгаришсизлиги <input type="checkbox"/> асоратлар билан соғайиш	
Дори воситасининг бекор қилиниши билан ножўя реакциянинг йўқолиши кузатилганми? <input type="checkbox"/> ҳа <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/> дори воситаси бекор қилинмаган	
Ножўя реакциянинг клиник кўриниши билан дори воситаси орасидаги сабаб-оқибат боғлиқлиги <input type="checkbox"/> аниқ <input type="checkbox"/> эҳтимол <input type="checkbox"/> гумонли <input type="checkbox"/> таснифлаб бўлмади	
Хабарномани расмийлаштирган шахснинг имзоси _____ ----- (қирқши чизиги) -----	
Ножўя реакция ҳақидаги хабарни қабул қилган шахс ҳақидаги маълумотлар: Ф.И.О.: _____; Лавозими: _____ Ташкилот манзили: _____; Телефон: _____ Маълумот қабул қилинган сана: «__» _____ 20__ йил. Хабарни қабул қилган шахснинг имзоси: _____	

*Изоҳ: мазкур Хабарнома даволаш-профилактика муассасасининг врачлари томонидан тўлиқ тўлдирилади, дорихоналар ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, реализация қилувчи ташкилотлар ва дори воситаларини қўлловчи бошиқа ташкилотлар томонидан эса, мавжуд маълумотлар асосида тўлдирилади.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
 ҚАРОРИ

**341 Ягона солиқ тўлови тўловчиларининг ер солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3001*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ–3454-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 апрелда эълон қилинган.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й.*

1. Ягона солиқ тўлови тўловчиларининг ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 4 апрель,  
69-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 4 апрель,  
2018-20-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2018 йил 4 апрелдаги  
69, 2018-20-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ягона солиқ тўлови тўловчиларининг ер солиғини  
ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ–3454-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макрокүрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ягона солиқ тўлови (бундан буёнматарида ЯСТ деб юритилади) тўловчилар томонидан ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. 2018 йил 1 апрелдан бошлаб умумий майдони 1 гектардан ортиқ бўлган ер майдонига эга бўлган ЯСТ тўловчилари ушбу Низомда белгиланган тартибда юридик шахслардан олинаниган ер солиғини тўлайдилар.

Ушбу Низом қуйидагиларга татбиқ этилади:

ер участкасининг бир қисмида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ЯСТ тўловчи нотижорат ташкилотлар, агар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ер участкаси бир гектардан ортиқ бўлса;



қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланувчи ягона ер солиғи тўловчилар ва ЯСТ тўловчилар, агарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолиятига тўғри келадиган ер майдони 1 гектардан ортиқ бўлса.

2. Ушбу Низом қуйидаги ЯСТ тўловчиларга татбиқ этилмайди:

умумий майдони 1 гектар ёки ундан кам ер майдонлари мавжуд бўлганларга;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига мувофиқ юридик шахслардан олинadиган ер солиғи тўлашдан озод этилганларга;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан тенглик асосида дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш учун берилган ер участкаларининг қисмига.

3. Ер участкаларининг умумий майдони деганда, ер участкасининг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 280-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони тушунилади.

4. 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ер участкасининг умумий майдони 1 гектардан ортиқ бўлган ЯСТ тўловчиларига:

Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2203, 2011 йил 3 март);

Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2449, 2013 йил 4 апрель) татбиқ этилмайди.

## **2-боб. Солиқ солинадиган база**

5. Ер участкасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони солиқ солинадиган базадир.

## **3-боб. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби**

6. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Юридик шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг келгуси йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарори билан ҳар йили тасдиқланади.

7. Ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январь ҳолатига ҳисоблаб чи-

қарилади ва юридик шахслардан олинадиган ер участкасининг умумий майдони 1 гектардан ортиқ бўлган ЯСТ тўловчилар томонидан ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган муддатларда тақдим этилади.

Шунингдек, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига ҳисоблаб чиқарилган ер солигининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даврининг 10 майига қадар тақдим этилади.

8. ЯСТ тўловчилар юридик шахслардан олинадиган ер солиғи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон «Солиқ ҳисоботларини шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) билан тасдиқланган Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботлари шакллари асосида ҳисоблайдилар.

9. Солиқ солинадиган база (солиқнинг ҳисобланган миқдори) солиқ даврида ўзгарса, давлат солиқ хизмати органига бир ой муддатда аниқлаштирилган ер солигининг ҳисоб-китобини тақдим қилади.

Солиқ даври мобайнида солиққа тортиладиган база 1 гектардан ошиб кетса, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ер майдонига тегишли ҳуқуқ пайдо бўлган ойнинг кейинги ойдан бошлаб ҳисобланади.

Солиқ даври мобайнида солиққа тортиладиган база 1 гектардан камайса, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ер майдонига тегишли ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан эътиборан тўхтатилади.

10. Ер участкасининг умумий майдони 1 гектардан ортиқ бўлган ЯСТ тўловчилар томонидан ер солиғи тўлови ҳар ойнинг 10 кунига қадар ер солиғи йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида амалга оширилади.

2018 йилда ер солиғи тўлови апрель ойдан бошлаб амалга оширилади, бунда апрель ойи учун тўлов жорий йилнинг 10 майига қадар амалга оширилади.

#### **4-боб. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги ва давлат солиқ хизмати органларининг назорати**

11. ЯСТ тўловчилари юридик шахслардан олинадиган ер солигининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12. Юридик шахслар томонидан ер солиғи тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

13. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*А. ИКРАМОВ*

*2018 йил 4 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**343 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2242-4*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 16 апрелдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 2242, 2011 йил 8 июль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни (рўйхат рақами 2242-1, 2014 йил 15 август, рўйхат рақами 2242-2, 2016 йил 3 август ва рўйхат рақами 2242-3, 2017 йил 28 июль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш масаласи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2018 йил 10 апрелдаги 84-01-1004-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2011 йил 6 июлдаги 01-222/1-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (рўйхат рақами 2242, 2011 йил 8 июль), 2014 йил 6 августдаги 01-264-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги (рўйхат рақами 2242-1, 2014 йил 15 август), 2016 йил 2 августдаги 01-264-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги (рўйхат

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 апрелда эълон қилинган.

рақами 2242-2, 2016 йил 3 август) ҳамда 2017 йил 21 июлдаги 01-328-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 2242-3, 2017 йил 28 июль) буйруқлари давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 апрель,  
233-мх-сон

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2018 йил 14 апрелдан 20 апрелгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 18, 55-сон «Ички ишлар органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2998.**

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 мартдаги 59, 5-2018-сон «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва олий таълим муассасаларига тўлов-контракт шакли асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

**2018 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2999.**

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 9 мартдаги 13-сон «Дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2018 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3000.**

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 4 апрелдаги 69, 2018-20-сон «Ягона солиқ тўлови тўловчиларининг ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3001.**

5. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2018 йил 17 мартдаги 115/1-сон «Ўзстандарт» агентлигида стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифаларини

тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2018 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1422-3.*

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 19 апрелдаги 233-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2018 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2242-4.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва олий таълим муассасаларига тўлов-контракт шакли асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2838, 2016 йил 15 ноябрь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 16 апрелдаги 229-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» буйруғи (рўйхат рақами 2242, 2011 йил 8 июль) , шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2242-1, 2014 йил 15 август), (рўйхат рақами 2242-2, 2016 йил 3 август), (рўйхат рақами 2242-3, 2017 йил 28 июль).

*Адлия вазирининг 2018 йил 19 апрелдаги 233-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**